

СИЁСІЙ ИРОДА



48

ОФИР ЎТИШ ДАВРИДА КАБУЛ
ҚИЛИНГАН ҚАЛТИС ҚАРОРЛАР
МОХИЯТИНИ ЎШАНДА
КЎПЧИЛИК АНГЛАМАГАН ЭДИ...

ТИЛ ЯШАЙДИ 58

МИЛЛАТ ҚОНИДА



77

ЯНГИ ҚОНУН:

МИЛЛИОНЛАР
ТАЛАБИ БУ!

88

ХАЛҚАРО ТУРИЗМ:

МИЛЛИЙЛИК ФЕНОМЕНИ



БУРИЛИШ
Остонасида:

ИННОВАЦИОН
ИҚТИСОДИЁТ
САРИ ҚАТЪИЙ
ҚАДАМЛАР

52

ОЛАМ ОСОЙИШ-У, СИЁСАТ ОДИЛ,
ЭЛНИНГ ШАВКАТИ ҲАМ ОШАР МУТТАСИЛ.

Юсуф Хос Ҳожиб

МУҲАРРИР МИНБАРИ

Фалесдан ҳаётда дуч келган энг қийин нарсанг нима, деб сўрашганида, ЎЗНИ АНГЛАШ, деб жавоб қайтарган экан. Мана, қарийб ўн йилдирки, биз ҳам ўзни англаш фурсати етганини ҳис қилиб яшаймиз. Бир миллат, бир халқ сифатида тилда эмас, амалда бирлашиш кераклигини ва бу дунёда одамларни рози қилишдан муҳимроқ вазифа ҳамда мақсад йўқлигини англаб етдик. Бундай қарашлар миллионларга умид берди, гапдан ишга ўтганимиз эса ишончимизни мустаҳкамлади.

Кимки бирлашди – ҳаётда ғалабага эришди, кимки бирлашмади – тўзиб, йўқ бўлиб кетди, деганларидек мисоли рақобатчиларга айланиб қолган қўни-қўшниларимизга ҳам юртимиздаги ўзгаришлар таъсир қилди. Ниҳоятда нозик, таъбир жоиз бўлса, қалтис нукталарда улар қўнглига тўғри йўл топганимиз учун ҳам 80 миллиондан зиёд аҳолиси бўлган Марказий Осиё дунё аҳли кўз ўнгида яна бир муштга айланмоқда. Зеро, кўхна дунё бирлашмаганларнинг ҳам, бирлашганларнинг ҳам аҳволини кўрди.

Фақат бунга ҳис қилиш, ўз вақтида кўра олиш лозим эди. Тақдир тақозоси билан бундай масъулият Ўзбекистон етакчиси чекига тушди.

Минг шукурки, қаердадир одамлар ҳиссизлашган, ёруғликни баттол қоронғулик мазлумлик мақомига тушираётган бир пайтда Янги Ўзбекистон дунёнинг тинчлик, барқарорлик ва бирдамлик драйверига айланган санокли давлатлар қаторида эътироф этилмоқда.

Қисқа вақт ичида ХАЛҚ ПРЕЗИДЕНТИ ёки МИЛЛАТ ЕТАКЧИСИ, деган эътирофларга сазовор бўлган Шавкат Мирзиёев томонидан илгари сурилган ғоя ва ташаббуслар чиндан ҳам Марказий Осиёда барқарорликни, шаффоф сиёсий муҳитни шакллантирди, халқлар ўртасида эса ўзаро ишончни тиклади.

Энг муҳими, ишонч ва барқарорлик миллий иқтисодиётларнинг жадал ривожланишига ҳам кенг йўл очди.

Эътибор беринг: 2025 йил якунида ялпи ички маҳсулотимиз 148 миллиард доллардан ошди. Ваҳоланки, 2030 йилги режа 150 миллиард эди...

Олтин валюта захираларимиз эса илк бор 60 миллиард долларлик чегарадан ўтди. Бир йилда юртимизга 11 миллион сайёҳ ташриф буюрибди.

Гарчи 2025 бутун дунёда ўта мураккаб йил, дея таърифланган бўлса-да, Ўзбекистонда 1,5 миллиондан зиёд аҳоли камбағалликдан чиқарилди, биринчи марта 1 минг 435 та маҳалла «камбағалликдан холи» ҳудудга айлантирилди.

Яқин-яқингача ҳам хорижликлар етмиш марта ўлчаб, кейин инвестиция киритишган бўлса, ўтган йили миллий иқтисодиётимизга 43,1 миллиард доллар хориж сармоясига жалб этилибди.

Бақара сурасининг 213 оятида ёзилишича, «Аллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларни тўғри йўлга йўлларқан».

Биз ҳам бугун тўғри йўлдамиз.

Бизга келажакнинг ишончи куч берапти.

Фалес ибораси билан айтганда эса ниҳоят

ЎЗИМИЗНИ АНГЛАЙ бошладик...





ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ПРЕЗИДЕНТИ ШАВКАТ
МИРЗИЁЕВНИНГ ОЛИЙ
МАЖЛИСИ ВА ЎЗБЕКИСТОН
ХАЛҚИГА МУРОЖААТНОМАСИ

БИЗ УЧУН ҲОЗИРГИ ГЛОБАЛ ТАРАҚҚИЁТ
ДАВРИДА, ДУНЁДА ЎТА КЕСКИН ВА
ТАҲЛИКАЛИ ЖАРАЁНЛАР ЮЗ БЕРАЁТГАН
БУГУНГИ КУНДА МИЛЛИЙ БИРЛИК
НИҲОЯТДА МУҲИМ ВА ЗАРУР. ДОНИШМАНД
БОБОЛАРИМИЗНИНГ «БИРЛАШГАН – ЎЗАР,
БИРЛАШМАГАН – ТЎЗАР», ДЕГАН ҲИКМАТЛИ
МАҚОЛИ БОР. ЧИНДАН ҲАМ, ҚАРАНГ, КИМКИ
БИРЛАШДИ – ҲАЁТДА ЎЗДИ, ҒАЛАБАГА
ЭРИШДИ. КИМКИ БИРЛАШМАДИ – ТЎЗИБ,
ЙЎҚ БЎЛИБ КЕТДИ.

**Ассалому алайкум, азиз юртдошлар!
Хурматли депутат ва сенаторлар!
Муҳтарам меҳмонлар!**

Бугун Олий Мажлисга ва кўп миллатли халқимизга келгуси йил учун Мурожаатномани тақдим этар эканман, аввало, барчангизни соғ-саломат, кўтаринки кайфиятда кўриб турганимдан хурсандман.

Сўнгги тўққиз йилда биз сизлар билан, эл-юртимиз билан биргаликда катта тараққиёт йўлини босиб ўтдик. Иқтисодиётимиз янгидан шаклланди, бозор муносабатларини, ижтимоий ҳимояни кенгайтирдик, қонун устуворлигини мустаҳкамладик. Энг муҳими, ислохотларимиз самарасини ҳар бир маҳалла, ҳар бир хонадон ва ҳар бир инсон кундалик ҳаётида ҳис қилмоқда.

Бир сўз билан айтганда, биз ислохотларни аниқ амалий натижага айлантиришни ўргандик. Бунинг тасдиғини тобора янгича қиёфа касб этиб бораётган шаҳар ва қишлоқларимизда, замонавий корхоналар, савдо-сервис масканлари, мактаб, боғча ва шифохоналар, обод кўча ва маҳаллалар, транспорт-логистика тизими, рақамли хизматлар мисолида яққол кўриш мумкин.

Қадрли ватандошлар!

Бугунги кунда дунёда содир бўлаётган ва яқин-яқингача ҳеч ким тасаввур қила олмаган ўзгаришлар, давлатлар ўртасида иқтисодий қарама-қаршилиқ, хавфсизликка таҳдидлар ортиб бораётган таҳликали бир вазиятда сизлар билан ўта мураккаб йилни яқунлаяпмиз.

Қанчалик оғир бўлмасин, бошлаган демократик ислохотларимизни қатъий давом эттирганимиз; халқимизнинг қўллаб-қувватлаши ва ёшларимизнинг ғайрат-шижоати; ҳамжиҳатлик асоси бўлган маҳалланинг ҳаётимиздаги ўрни ва таъсирини кучайтирганимиз; одамларимизнинг онги ва дунёқарашини ўзгартириб, эл-юртимизни янада жипслаштирганимиз; тадбиркор, деҳқон ва фермерларимизнинг ташаббускорлиги ва мардона меҳнати; ўзаро манфаатли ҳамкорликка асосланган дўстона ташқи сиёсатимиз ҳисобига 2025 йилда барча соҳаларда улкан ютуқларга эришдик. Аввало, жаҳон миқёсида ишлаб чиқариш ва транспорт-логистика занжирлари узилган, хомашё ва молиявий ресурслар нархи ошган шароитда ҳам

мамлакатимиз иқтисодиёти ишончли ва барқарор ўсишда давом этаётганини қайд этиш лозим.

Бу натижалар дунё ҳамжамияти ва нуфузли халқаро ташкилотлар томонидан эътироф этилмоқда. Эътибор беринг, бундан тўққиз йил олдин иқтисодиётимиз ҳажмини 100 миллиард долларга етказиш биз учун жуда катта марра бўлиб кўринарди. Бу йил тарихимизда биринчи марта ялпи ички маҳсулотимиз 145 миллиард доллардан ошди. Бундай юксак натижалар халқимизнинг, барчамизнинг қандай улкан ишларга қодир эканимизни яққол намоён этмоқда.

Глобал савдо тизимида “ўйин қоидалари” ўзгараётган бир пайтда биз бу йил экспортимизни 23 фоизга ошириб, 33,4 миллиард долларга етказамиз. Энг муҳими, ислохотларимиз учун мустаҳкам молиявий база бўладиган олтин-валюта захираларимиз илк бор 60 миллиард доллардан ошди. Бу йил иқтисодиётимизга жалб қилинган хорижий инвестициялар ҳажми 43,1 миллиард долларга етди. Жами инвестицияларнинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 31,9 фоизни ташкил этмоқда. Бу эса иқтисодиётимиз келгуси йилларда ҳам юқори суръатлар билан барқарор ўсиб бориши учун замин бўлади.

Ўзбекистоннинг халқаро майдондаги обрў-эътибори ва нуфузи, халқаро рейтинглардаги ўрни тобора мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, етакчи халқаро рейтинг агентликлари мамлакатимизнинг суверен рейтингини “ВВ-”дан “ВВ” поғонасига кўтарди.

Бу гаплар кўпчилиқка оддий бир факт бўлиб туюлиши мумкин. Лекин иқтисодчилар, инвестор ва банкирлар гап нақадар катта натижалар ҳақида бораётганини жуда яхши тушуниб турибди. Биргина ана шу ўзгариш туфайли четдан жалб қилинадиган ресурсларнинг фоиз ставкаси 1-1,5 пунктга пасайиб, ташқи қарз харажати йилига камида 300 миллион долларга камаяди. Шунингдек, Жаҳон банки эълон қилиб борадиган Давлатларнинг технологик етуқлик индексида Ўзбекистон 71 поғона юқори кўтарилиб, дунёнинг топ-10 та мамлакати қаторидан жой олди.

**ЮРТИМИЗДА КАМБАҒАЛЛИК
ДАРАЖАСИ ЙИЛ БОШИДАГИ
8,9 ФОИЗДАН 5,8 ФОИЗГА
ТУШДИ.**

Бир эсланг, бу ишларни бошлаганимизда аҳолимизнинг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшарди. Кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизимини йўлга қўйганимиз ва буларни маҳалладаги “еттилик”нинг ўзига берганимиз натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чиқди, ишсизлик 2 карра қисқарди.



Аҳоли фаровонлиги ва бизнесни ўстиришга хизмат қиладиган инфратузилмани янада яхшилаш бўйича ҳам 2025 йил катта ўзгаришлар йили бўлди. Хусусан, энергетика соҳасида туб бурилиш ясаганимиз ҳисобига электр ишлаб чиқариш ҳажмини 85 миллиард киловатт-соатга етказдик.

Тасаввур қилинг, 2017 йилдаги 60 миллиард киловатт-соат генерация даражасида қолиб кетганимизда, ҳозир иқтисодийтимиз ҳажмини 2 карра ошира олармидик? Ишлаб чиқаришнинг ўсиб бораётган талабини, 38 миллион аҳоли эҳтиёжини қоплаб бўлармиди?

Бу йил 188 та маҳалладаги 715 минг аҳоли яшайдиган хонадонларга биринчи марта тоза ичимлик суви кириб борди, яна 2 миллион 300 мингга яқин аҳолининг сув таъминоти яхшиланди. Ёки 867 та “оғир” маҳалладаги 470 мингта хонадонга томорқаларни суғориш учун илк бор сув етиб борди.

Жорий йилда аҳолига 8 миллион 100 минг квадрат метрли, 135 минг хонадондан иборат кўп қаватли уйлар топширилмоқда, одамларнинг ўзи ҳам яшаш шароитини яхшилаш учун 19 миллион квадрат метр майдонда қурилиш қилди. Бизнес вакиллари томонидан 24 миллион квадрат метр нотурар жой объектлари барпо этилди.

Умуман, сўнгги тўққиз йилда 210 миллион квадрат метрли турар жой ва нотурар жой объектлари фойдаланишга топширилди.

Бу рақамларга урғу бериб айтаётганим албатта бежиз эмас. Агар йўл, сув, электр ва бошқа инфратузилмалар учун зарур маблағни топиб бермаганимизда, қурувчилар ва қурилиш материаллари корхоналари учун шароит яратиб бермаганимизда, ипотека тизимини йўлга қўймаганимизда, шунча бунёдкорлик ишлари бўлармиди?

Жорий йилда 5 миллион аҳолимиз даромадли бўлиб, ишсизлик даражаси 5,5 фоиздан 4,9 фоизга тушди. Қарийб 1,5 миллион эҳтиёжманд аҳоли камбағалликдан чиқди, илк бор 1 минг 435 та маҳалла “камбағалликдан холи” ҳудудга айланди. Камбағал оилаларга мансуб 168 минг нафар бола давлат боғчаларига имтиёзли асосда қабул қилинди. Бу йилдан бошлаб, 208 та боғчада биринчи марта инклюзив таълим тизимини жорий этдик.

Таъкидлаш керакки, юртимизда камбағаллик даражаси йил бошидаги 8,9 фоиздан 5,8 фоизга тушди. Бир эсланг, бу ишларни бошлаганимизда аҳолининг учдан бир қисми камбағаллик чегарасида яшарди. Кредит, субсидия, компенсация каби 100 дан зиёд хизматлар орқали ижтимоий ҳимоянинг мутлақо янги тизимини йўлга қўйганимиз ва буларни маҳалладаги “еттилик”нинг ўзига берганимиз натижасида 8,5 миллиондан зиёд одам камбағалликдан чиқди, ишсизлик 2 карра қисқарди. Натижада уч йил олдин камбағалликни 2026 йил якуни билан 2 карра қисқартириш бўйича олган марраимизни шу йилнинг ўзида уддаладик.

Энг муҳим ютуқларимиз ҳақида сўз юритганда, азму шижоатли спортчиларимизнинг нуфузли халқаро мусобақаларда эришган ғалабаларини мамнуният билан таъкидлаш ўринлидир. Аввало, Ўзбекистон футбол учун 2025 йил чинакам тарихий йил бўлди. Миллий терма жамоамиз илк бор Жаҳон чемпионатига йўлланмани қўлга киритди.

Моҳир шахматчиларимиз Жаҳон кубоги мусобақаларида муносиб иштирок этди. Айниқса, навқирон гроссмейстеримиз Жавоҳир Синдоров энг ёш жаҳон кубоги соҳиби бўлгани барчамизга юксак ғурур бағишлайди.

Энг муҳими, шахмат оламидаги ютуқларимиз шу билан тўхтаб қолгани йўқ. Утган ҳафтада 9-17 ёшли шахматчилар ўртасида “рапид” ва “блиц” йўналишлари бўйича жаҳон чемпионатида юртимиз вакиллари 5 та олтин, 2 та кумуш ва 5 та бронза медалини қўлга киритиб, умумжамоа ҳисобида биринчи ўринни эгаллади.

Бу йилги Ёшлар Параолимпияда ўйинларида жасорат ва матонат соҳиби бўлган спортчиларимиз 125 та олтин, 77 та кумуш ва 52 та бронза медалини қўлга киритиб, иштирокчи давлатлар орасида энг юқори натижани қайд этди.

Ҳеч шубҳасиз, истеъдодли ўғил-қизларимиз таълим, илм-фан, маданият, санъат, спорт ва бошқа соҳаларда эришаётган катта ютуқлари билан ҳам Янги Ўзбекистонимиз равнақига муносиб ҳисса қўшмоқда.

Ўқувчи ва талабаларимиз жорий йилда халқаро фан олимпиадаларида 51 та олтин, 101 та кумуш, 126 та бронза медалини қўлга киритиб, ўз билим ва салоҳиятини бутун дунёга намойиш қилди.

Эл-юртимизнинг фахри бўлган бундай фарзандларимизга, уларнинг ота-оналари ва устоз-мураббийларига яна бир бор чин дилдан таҳсин айтамыз.

Маълумки, Ўзбекистон келгуси йили 46-Бутунжаҳон шахмат олимпиадасига, 2027 йилда 20 ёшгача бўлган футболчилар ўртасидаги жаҳон чемпионатига, 2029 йилда эса Ёшлар Олимпияда ўйинларига мезбонлик қилади.

Шу билан бирга, 2026 йилда юртимизда илк бор мактаб ўқувчилари ўртасида нуфузли халқаро кимё ва информатика олимпиадалари, Шанхай ҳамкорлик ташкилотига аъзо давлатлар талабалари ўртасида муҳандислик йўналишларида, Туркий давлатлар техникумлари ўқувчилари ўртасида касб йўналишларида халқаро олимпиадалар ўтказилади. Ушбу мусобақаларда ҳам фарзандларимиз муносиб иштирок этади, деб ишонаман. Бундай нуфузли тадбирлар Ватанимизни ривожланган спорт ва илм-фан мамлакатига айлантириш, унинг обрў-эътиборини юксалтиришга хизмат қилади.

Кейинги пайтда юртимиз глобал масалалар муҳокама қилинадиган халқаро мулоқот майдонига айланиб бормоқда. Хусусан, бу йил Парламентлараро Иттифоқнинг 150-юбилей Ассамблеяси; ЮНЕСКО Бош конференциясининг сессияси; “Марказий Осиё – Европа Иттифоқи” саммити ва халқаро Иқлим форумига мезбонлик қилдик.



Шунингдек, Ўзбекистон, Тожикистон ва Қирғизистон етакчиларининг март ойида Хўжандда бўлиб ўтган учрашувида биринчи марта уч мамлакат давлат чегараларининг туташ нуқтаси тўғрисидаги тарихий шартнома имзоланди ҳамда “Абадий дўстлик тўғрисида”ги декларация қабул қилинди.

Минтақамиз давлат раҳбарларининг яқинда Тошкентдаги Маслаҳат учрашуви чоғида биз интеграция жараёнларини янги сифат босқичига кўтариш учун Марказий Осиё ҳамжамияти стратегик форматини ташкил қилиш ғоясини илгари сурдик. Озарбайжонни Марказий Осиё ҳамжамияти форматига тўла ҳуқуқли аъзо сифатида қабул қилиш тўғрисидаги қарор тарихий аҳамиятга эга бўлди. Ушбу қадам Марказий Осиё ва Жанубий Кавказ ўртасида стратегик боғлиқлик ва барқарорликни кучайтириши шубҳасиз. Шу билан бирга, октябрь ойида Брюсселда Ўзбекистон ва Европа Иттифоқи ўртасида Кенгайтирилган шериклик ва ҳамкорлик тўғрисидаги битим имзоланди. Ноябрь ойида бўлиб ўтган Марказий Осиё ва АҚШ саммити кўп томонлама ва узоқ муддатли шерикликни сифат жиҳатидан мутлақо янги босқичга олиб чиқишга хизмат қилди.

Ўтган ҳафтада Токиода Марказий Осиё ва Япония етакчиларининг учрашувида таълим, тиббиёт, рақамли технологиялар, инфратузилма ва саноат соҳалари бўйича муҳим келишувларга эришдик. Шу ҳафтанинг бошида эса Санкт-Петербургда Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги раҳбарлари билан бўлиб ўтган учрашув ҳам ҳамкорлигимизнинг долзарб йўналишларини белгилаб берди. Буларнинг барчаси халқаро алоқаларимизни мазмун жиҳатидан янги босқичга олиб чиқмоқда.

Биз дунёдаги узоқ-яқин мамлакатлар билан – Шарқ ва Ғарб, Шимол ва Жануб билан ҳамкорлик кўприklarини қуришда давом этамиз.

Муҳтарам йиғилиш иштирокчилари!

Бундан икки йил олдин “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини қабул қилганимизда ялпи ички маҳсулот ҳажмини 2030 йилгача 160 миллиард долларга етказишни белгилаб олган эдик. Кўриб турибсизлар, мавжуд салоҳиятимиз, бугунги ислохотларимиз, тадбиркорларимизнинг фаоллиги, хорижий шерикларимиз билан ҳамкорлигимиз ўсиб бораётгани ҳисобига бу маррага 2026 йилнинг ўзида бемалол эриша оламиз.

Ҳозирги глобал иқтисодиётда рақобатга чидамли бўлиш учун малакали касб эгалари ва мутахассислар, замонавий технологиялар ҳал қилувчи аҳамиятга эга эканини унутмаслик лозим. Агар биз саноатда – электроника ва электротехника, биокимё ва полимерлар, фармацевтика, машинасозлик каби юқори қўшилган қиймат яратадиган соҳаларни ривожлантириш; хизматларда – ИТ, сунъий интеллект, молиявий технологиялар, консалтинг, транспорт-логистика каби катта даромад

келтирадиган сервисларни кўпайтириш; қишлоқ хўжалигида – унумдорликни ошириш учун биоинженериядан кенг фойдаланиш, илғор агротехника ва сув тежайдиган усулларни фаол қўллаш; иқтисодий ўсиш ва экологик барқарорлик ўртасидаги мувозанатни таъминлаш учун “яшил” энергетика, чиқиндисиз ишлаб чиқаришга ўтиш; таълим ва тиббиётда – сифатни янги босқичга олиб чиқадиغان илғор хорижий тажрибаларни кенг жорий этиш учун янги технологияларни олиб кирсак, кадрларни илм-фан ва инновацияларга асосланган замонавий

касбларга тайёрласак, келгуси беш йилда иқтисодиётимиз ҳажмини 240 миллиард доллардан оширишга барча имкониятларимиз бор.

Бу рақамлар аниқ ва пухта ҳисоб-китобларга асосланган прогноз. Халқаро валюта жамғармаси ва нуфузли экспертларнинг хулосалари ҳам буни тасдиқламоқда.

Ҳурматли юртдошлар!

Биз – бугун 38 миллиондан зиёд катта халқмиз.

Машаққатли ва шарафли меҳнатимиз билан дунёда ҳурмат топаётган, эртанги кунга ишонч билан дадил бораётган, матонатли ва ғурури баланд миллатмиз. Биз ўзгаришларни кутиб яшамаймиз, аксинча, уларни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз ва масъулиятли меҳнатимиз билан яратамиз.

Ҳар йили аҳолимиз ўртача 2 фоизга ўсмоқда, 1 миллиондан зиёд ўғил-қизларимиз катта ҳаётга кириб келмоқда. Ёшларимизга қараб, улар эришаётган ютуқларни кўриб, кўксимиз тоғдек кўтарилади, қандай улкан бунёдкор куч сафимизга қўшилаётганидан ғурурланиб кетамиз. Албатта, бугунги мураккаб замонда ёшларимизни турли синовларга чидамли, ватанпарвар инсонлар этиб тарбиялаш, халқимизни янада бирлаштириш ва жипслаштиришда, ҳеч шубҳасиз, ўзини ўзи бошқаришнинг ноёб тизими бўлган маҳалланинг ўрни ва аҳамияти катта.

Маҳалла ва яхши қўшничилик ўзаро уйғун қадриятлардир.


ЎҚУВЧИ ВА ТАЛАБАЛАРИМИЗ ЖОРИЙ ЙИЛДА
ХАЛҚАРО ФАН ОЛИМПИАДАЛАРИДА



51 ТА ОЛТИН, 101 ТА КУМУШ, 126 ТА
БРОНЗА МЕДАЛИНИ ҚУЛГА КИРИТИБ,

ўз билим ва салоҳиятини бутун дунёга намойиш қилди.

Эл-юртимизнинг фахри бўлган бундай фарзандларимизга, уларнинг ота-оналари ва устоз-мураббийларига яна бир бор чин дилдан таҳсин айтамыз.



Улар жамиятда инсоний ва ижтимоий капитални янада бойитишга беқиёс ҳисса қўшади. Мамлакатимизда ўтказилган ижтимоий сўровларда иштирок этганларнинг 90 фоиздан кўпроғи ўзини маҳалла жамоасининг бир қисми деб ҳисоблаши ҳам шундан далолат беради.

Барчамиз учун ҳам ота, ҳам она бўлган маҳаллага, шу асосда Ватан тақдирига дахлдорлик туйғусининг юқорилиги ушбу институт аввало ижтимоий бирдамлик манбаи эканини кўрсатади.

Албатта, биз учун ҳозирги глобал тараққиёт даврида, дунёда ўта кескин ва таҳликали жараёнлар юз бераётган бугунги кунда миллий бирлик ниҳоятда муҳим ва зарур. Донишманд боболаримизнинг «Бирлашган – ўзар, бирлашмаган – тўзар», деган ҳикматли мақоли бор.

Чиндан ҳам, қаранг, кимки бирлашди – ҳаётда ўзди, ғалабага эришди. Кимки бирлашмади – тўзиб, йўқ бўлиб кетди. Тарих давомида қандай оғир синовларга дуч келмайлик, биз аввало бирдамликдан куч олдик.

Машаққатли кунларда одамларимиз, маҳалла аҳли елкадош бўлиб қийинчиликларни енгган. Оила – оилага, қўшни – қўшнига кўмак бериб яшаган. Биз мана шундай ўта ноёб қадриятимизга доимо содиқ қолишимиз, ёш авлодимизни айни шу руҳда тарбиялашимиз керак.

Бугунги кунда жамиятимизда турли хил фикр ва қарашлар бўлиши табиий. Бу – демократиянинг бирламчи талаби. Аммо, миллати, тили ва динидан қатъи назар, бутун эл-юртимизни бирлаштирадиган улуг бир ғоя бор. У ҳам бўлса, Ватан манфаати, халқимиз манфаатидир.

Мана шундай буюк мақсадга эришишда маҳалла тизимининг ўрни ва таъсири беқиёс. Чунки маҳалла тинч ва аҳил бўлса, жамиятимиз тинч ва ҳамжиҳат бўлади. Маҳалла ривожланса, бутун мамлакатимиз юксалади. Шуларнинг барчасини ҳисобга олиб, 2026 йилни юртимизда “Маҳаллани ривожлантириш ва жамиятни юксалтириш йили”, деб эълон қилишни таклиф этаман. Қўллаб-қувватлаганингиз учун раҳмат.

Янги йилнинг номида белгиланган устувор вазифаларни амалга ошириш учун алоҳида давлат дастурини қабул қиламиз. Ушбу дастурда юртимиздаги 9 мингдан зиёд маҳаллани, аввало, меҳр-оқибат, ҳамжиҳатлик, адолат ва тарбия масканига айлантириш каби долзарб масалалар ўз ифодасини албатта топади. Бу ҳақда мен кейинроқ батафсил тўхталиб ўтаман.

Олдимизга қўйган мақсадларни фақат ўзимиз – катта ҳаётий тажрибага эга маҳалла раислари ва фаоллари, ҳурматли нурунийларимиз, опа-сингилларимиз, серғайрат ёшларимиз, зиёлиларимиз, ишбилармон тадбиркорларимиз, Ватан посбонлари, бир сўз билан айтганда, бутун халқимиз билан биргаликда амалга оширамиз. Ҳурматли депутат ва сенаторлар! Биз Янги Ўзбекистонни барпо этишда ҳал қилувчи босқичга қадам қўймоқдамиз. Бу йўлдаги ишларимиз ҳар бир соҳа ва тармоқда чуқур трансформацияни талаб қилади. Мақсадимиз аниқ: яқин йилларда даромади жон бошига ўртадан юқори бўлган мамлакатлар қаторига кириш.

Фарғона водийсидан Оролбўйигача, Зарафшон воҳасидан Қашқадарё ва Сурхондарёгача, Тошкентдан тортиб Жиззах ва Сирдарёгача – юртимизнинг қайси ҳудудида яшамасин, ҳар бир фуқаромиз ислохотлар натижасини кундалик

ҳаётида янада кўпроқ ҳис қилиши керак. Шунинг учун, кириб келаётган 2026 йил давлат бошқаруви, суд-ҳуқуқ тизими, иқтисодиёт тармоқлари, таълим, илм-фан, тиббиёт, маданият, спорт, экология тизимини – барча-барча соҳаларни ривожлантиришда туб бурилиш йили бўлади.

Энди Мурожаатноманинг асосий қисми – 2026 йилда амалга ошириладиган энг муҳим 6 та устувор йўналишдан иборат дастур ҳақида атрофлича тўхталиб ўтамиз.

Биринчи устувор йўналиш – маҳалла инфратузилмасини янада яхшилаш, уларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб киришдан иборат.

Юрт ободлиги, аввало, маҳалладан бошланади. Айнан маҳалладаги йўл, сув, электр ва транспорт таъминоти, боғча, мактаб ва оилавий поликлиникадаги шарт-шароитларга қараб, одамлар ислохотларимизга баҳо беради. Шу боис маҳалла тизимини ривожлантириш давлат сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб келган ва шундай бўлиб қолади.

Маҳалла инфратузилмасини тубдан яхшилаш орқали биз мамлакатимизни ҳар томонлама ривожлантириш, унинг қиёфасини янада гўзал ва обод қилиш борасидаги ишларни давом эттирамиз.

Ҳозирги вақтда қайсидир маҳаллада йўл, қайси бирида сув ёки электр масаласи, бошқасида боғча, мактаб, тиббиёт, яна бирида уй-жой билан боғлиқ масалаларга алоҳида-алоҳида ечим берилмоқда. Очиқ айтиш керак, бунинг ўзи билан маҳалладаги барча масалалар тўлиқ ҳал бўлиб қолмайди. Шунинг учун келгуси йилдан маҳаллани ривожлантириш бўйича комплекс ёндашув жорий этилади.

Ҳар бир вилоятда 2-3 тадан туманни танлаб, улардаги ҳамма маҳаллада барча муаммоларни бир вақтнинг ўзида ҳал қиладиган тизим яратамиз. Бу янги тажрибани Ургут туманидан бошладик. Туманда 100 минг аҳолига мўлжалланган замонавий экошаҳар барпо этилади. Келгуси йил 544 миллиард сўм ажратилиб, 72 та боғча, мактаб, поликлиника, шунингдек, ички йўллар қурилади ва таъмирланади, каналлар бетон билан қопланади, 2 та сел-сув омбори барпо этилади. Танлаб олинган 33 та туман ва 330 та шароити оғир маҳалладаги ишлар ҳам шундай ташкил қилинади. Уларда бир вақтнинг ўзида тадбиркорлик инфратузилмаси ҳам ривожлантирилади. Ушбу мақсадлар учун барча манбалар ҳисобидан 8,5 триллион сўм маблағ ажратилади.

Депутатларга ўз округидаги муаммоларни ҳал этиш учун 500 миллиард сўм, ҳар бир депутатга 3,3 миллиард сўмдан беряпмиз. Бу борада “яшил ҳудуд”, “яшил боғ” яратиш бўйича ҳар бир депутатнинг ташаббусига қўшимча 330 миллион сўмдан йўналтирамиз. Бундай ёндашув орқали 2030 йилгача барча туманлардаги маҳаллаларга Янги Ўзбекистон қиёфасини олиб кирамиз.



Ҳозирги вақтда қайсидир маҳаллада йўл, қайси бирида сув ёки электр масаласи, бошқасида боғча, мактаб, тиббиёт, яна бирида уй-жой билан боғлиқ масалаларга алоҳида-алоҳида ечим берилмоқда. Очиқ айтиш керак, бунинг ўзи билан маҳалладаги барча масалалар тўлиқ ҳал бўлиб қолмайди.

Албатта, бу ишларни самарали ташкил қилиш учун туман бюджети даромадларини камида 2 карра кўпайтиришга шароит яратиш зарур. Шу мақсадда, 2026 йил 1 январдан бошлаб, қўшилган қиймат солиғидан тушумнинг Тошкент шаҳрида 5 фоизи, қолган ҳудудларда 20 фоизи қолдирилиб, бу маблағнинг ярми туманлар бюджетига ўтказилади.

Бундан ташқари, даромадларнинг прогнозга нисбатан ошириб бажарилган қисмининг 50 фоизи, экин ерларини ижарага бериш ва бозорлардан тушумлар ҳам тўлиқ туман бюджетига берилади.

Вилоят, туман ҳокимларига самарасиз ва бири-бирини такрорлайдиган штат бирликларни қисқартириб, тежаларни маблағни аҳоли ўртага қўйган масалаларни ҳал қилиш учун ажратишга рухсат этилади. Бу орқали туманлар бюджетига йилига 5 триллион сўмлик қўшимча манба шаклланади ва у маҳаллалар инфратузилмасини яхшилашга сарфланади.

Келгуси йилда илк бор маҳалла инфратузилмасини ривожлантириш учун 20 триллион сўмни вилоятларнинг ўзига беряпмиз. Энг муҳими, бу маблағларнинг ҳар бир сўми аҳолимиз учун қўшилган қиймат яратиши зарур. Шу боис бу пуллар умуман қайсидир туман учун эмас, балки маҳаллада иш ўринлари яратадиган, аҳолини даромадли қиладиган аниқ лойиҳаларга йўналтирилади. Марҳамат, қайси маҳалла раиси, ҳоким ёрдамчиси ва маҳалла банкири лойиҳа қилиб, уни асослаб берса, зарур маблағни олсин. Шунда адолатдан бўлади.

Бу – бюджет маблағларини самарали ишлатишда лойиҳавий ёндашув бўлади. Урбанизация ва шаҳарларни барқарор ривожлантириш бўйича янги ислохотларни бошлаймиз. Жумладан, шаҳарлар тартибсиз кенгайишининг олдини олиш бўйича аниқ мезонларни белгилаймиз ва шу орқали экин майдонлари асоссиз қисқариб кетишига чек қўйилади.

Масалан, аҳолиси 250 минг кишидан зиёд шаҳарлар ҳозиргидек тартибсиз кенгайиб кетаверса, 2050 йилга бориб 27 минг гектар экин майдонлари бой берилади. Албатта, бунга йўл қўйиш мумкин эмас.

Шунингдек, республикада илк бор 45 та агломерация ҳудудини белгилаймиз. Келгуси йилда “Барқарор шаҳар” платформасини ишга тушириб, “яшаш учун қулайлик индекси”ни юритиш йўлга қўйилади. Бу индекс орқали шаҳарлардаги ҳар бир маҳаллага хос муаммолар аниқланиб, уларга мос ечимлар берилади.

Биз камбағалликни қисқартириш масаласини умуммиллий ҳаракатга айлантирдик. Такрор айтаман, ўтган даврда 8,5 миллиондан зиёд аҳолини камбағалликдан чиқаришга эришдик. Асосий мақсадимиз – одамларимизни доимий даромадли қилишдан иборат. Пули бор одам яхши кийиниш ва овқатланишга, сифатли таълим ва малакали тиббий хизматдан фойдаланишга, мазмунли дам олишга, бир сўз билан айтганда, фаровон яшашга интилади.

Муҳими, бу жараёнда тадбиркорларимиз ҳал қилувчи куч сифатида энг олдинги сафда туриб, саноат ва сервис объектларини ташкил қилиб, доимий иш ўрни яратишда, аҳолимиз, айниқса, ёшлар ва хотин-қизларни касбга ўргатиб, маҳаллаларнинг ўзида ишли ва даромадли қилишда алоҳида жонбозлик кўрсатмоқда. Шунинг учун тадбиркорликни қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсатимизни давом эттириб, 2026 йилда асосий солиқ ставкаларини ўзгартиришсиз қолдирамиз; тадбиркорлик инфратузилмаси лойиҳаларига 10 триллион сўмдан зиёд маблағ ажратилади; кичик ва ўрта бизнесни ривожлантириш учун 140 триллион сўм ресурс берилади. Шундан 43 триллион сўми хотин-қизлар ва ёшлар тадбиркорлигини қўллаб-қувватлашга йўналтирилади. Бундан ташқари, 2026 йилда “маҳаллада саноат ва хизмат” лойиҳаси орқали 10 мингдан зиёд ишлаб чиқариш ва хизмат кўрсатиш лойиҳаларини ишга тушириш учун 5 триллион сўм кредит берилади. Кредит фоизининг миллий валютада 10 фоизгача, хорижий валютада 4 фоизгача бўлган қисми Тадбиркорлик компаниясидан қоплаб берилади. Бунинг учун ҳам бюджетдан 400 миллиард сўм йўналтирилади. Натижада маҳаллаларда 100 мингта янги иш ўрни яратилади.



**АҲОЛИСИ 250 МИНГ КИШИДАН
ЗИЁД ШАҲАРЛАР ҲОЗИРГИДЕК
ТАРТИБСИЗ КЕНГАЙИБ
КЕТАВЕРСА,**

**2050 ЙИЛГА БОРИБ
27 МИНГ ГЕКТАР**

экин майдонлари бой берилади. Албатта, бунга йўл қўйиш мумкин эмас.
Шунингдек, республикада илк бор 45 та агломерация ҳудудини белгилаймиз.



Х Ҳар бир маҳаллада 40 тадан микролойиҳани амалга ошириб, 360 минг аҳолини ишли қилиш учун маҳалла банкирлари ва ҳоким ёрдамчиларига 2026 йилда яна 7,5 триллион сўм ресурс ажратилади. Янги йилда маҳаллалардаги аҳолини, хусусан, хотин-қизларни спортга кенг жалб этиш, бунинг учун зарур инфратузилмани яратиш бўйича уч йиллик дастур қабул қилиб, бунга 1 триллион сўм йўналтирамиз. Маҳалла ёшларининг китобхонликка бўлган қизиқишини янада ошириш мақсадида мактаб кутубхоналарини ҳар йили 10 миллион дона бадий адабиётлар билан таъминлаб борамиз. Ана шундай ишларимиз туфайли 2026 йилда 1 миллион одамни доимий иш билан таъминлаб, 181 минг оилани камбағалликдан чиқарамиз, камбағаллик ва ишсизлик даражасини 4,5 фоизга туширамиз, камбағалликдан холи маҳаллалар сонини 3,5 мингтага етказамиз. Қадрли ватандошлар! Иккинчи устувор йўналишимиз – иқтисодиётни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказишдан иборат. Жаҳон миқёсида рақобат тобора кучайиб бораётган ҳозирги шароитда фақат юқори қўшилган қийматли маҳсулот ишлаб чиқарадиган давлатларгина дунё бозорида ўз ўрнига эга бўлмоқда. Шунинг учун иқтисодиётнинг барча соҳаларида юқори самарадорликка эришиш – келгусида ислохотларимизнинг бош мезони бўлиши шарт. Масалан, саноатда юқори технологик ва кам энергия истеъмол қиладиган тармоқларни ривожлантирганимиз ҳисобига жорий йилда 1 доллар

маҳсулот учун сарфланадиган ёқилғи-энергия миқдорини 13 фоизга камайтиришга эришдик. Биргина шунинг ўзи яна 1 миллиард долларлик қўшилган қиймат яратиш имконини берди.

Бу мисол шунни кўрсатадики, қаерда янги технология ва юқори малакали касб эгалари бўлса, ўша тармоқда ўсиш, ривожланиш бўлмоқда.

Шу боис 2030 йилга қадар ялпи ички маҳсулот ҳажмини 240 миллиард доллардан ошириш учун энг тўғри йўл – барча соҳаларни технологик ва инновацион ўсиш моделига ўтказишдир. Бу – келгуси йилларда иқтисодий тараққиёт стратегиямизнинг асосий йўналиши бўлади. Юртимиздаги қулай бизнес муҳити, демографик ўсиш, инсоң капиталига берилаётган эътибор – Ўзбекистонни инвесторлар учун энг жозибадор мамлакатлардан бирига айлантирмоқда. Масалан, биз тўққиз йилда барча иқтисодиёт тармоқларига 130 миллиард долларлик хорижий инвестиция олиб келдик. Жорий йилнинг ўзида чет эллик ҳамкорларимиз билан яна 140 миллиард долларлик янги инвестициявий келишувларга эришдик. Келгуси йилда 50 миллиард доллар хорижий инвестиция жалб қиламиз. Бундан буён ҳар бир доллар инвестиция, энг аввало, илғор технологиялар ва уларнинг трансфери; ташқи бозори аниқ, юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар ишлаб чиқаришга; энергия, сув, ер ва бошқа табиий ресурслардан фойдаланишда самарадорликни оширишга; маҳаллий ишчиларни янги технологиялар билан ишлашга ўқитиш ва меҳнат унумдорлигини оширишга хизмат қилиши керак. Яъни юқори технология ва янги компетенциялар олиб кирган, экспорт учун ишлаган инвестор энг ишончли ҳамкоримиз бўлади. Бундай стратегик инвесторларга лойиҳа учун ерлар бозор қийматида тўғридан-тўғри берилади.

Ер тоифаси ўзгарганида нобудгарчилик учун тўловни 10 йилгача бўлиб-бўлиб тўлашга рухсат этилади. Ерни расмийлаштириш, тоифасини ўзгартириш, қурилиш ва инфратузилмага уланишга рухсатнома олиш учун инвесторлар идорама-идора юрмайди. Уларга “ягона дарча” тамойили асосида комплекс хизмат кўрсатадиган “invest.gov.uz” электрон платформаси ишга туширилади ва барча вазирликлар бунга уланади. Шу билан бирга, эркин иқтисодий зоналарга дунёнинг машҳур брендларини жалб қиламиз. Ушбу зоналардаги корхоналар халқаро техник регламентлар, экологик ва меҳнат стандартларини қўллаши мумкин бўлади. Улар учун махсус – имтиёзли инвестициявий, солиқ, божхона ва ҳуқуқий режим жорий этилади ва халқаро ҳуқуқ доирасида арбитраж низоларини кўриб чиқиш имконияти яратилади. Буларнинг барчаси – келгуси беш йилда 180 миллиард долларлик хорижий инвестиция ҳисобидан 1 миллион юқори даромадли иш ўринларини яратишга хизмат қилади. Юртимизга инвестициялар оқимини кўпайтириш бўйича ҳам жуда катта режаларимиз бор. Шунинг учун ҳар бир келишувни лойиҳага айланттириш, сармояларни қисқа фурсатда жалб қилиш ва уларнинг самарадорлигига масъул, фақат ва фақат инвестиция билан ишлайдиган алоҳида янги тизим ташкил этилади. Бундан ташқари, маҳаллий саноат ва кооперацияни ривожлантириш бўйича ҳам худди шундай алоҳида тизимни йўлга қўйиш мақсадга мувофиқдир. Умуман, иқтисодиётни рақобатдош қилиш, инвестициялар самарадорлигини ошириш, саноат тармоқларини технологик трансформация қилиш мутлақо янги ёндашувларни талаб этмоқда. Бунинг учун Иқтисодиёт ва молия, Инвестициялар, саноат ва савдо вазирликлари фаолияти тубдан қайта кўриб чиқилади. Янги технологик босқичга ўтиш ва қўшилган қиймат занжирини кенгайтириш бўйича саноатни ривожлантириш дастурини бошлаймиз. Бунда келгуси беш йилда саноатда қўшилган қийматни ҳозирги 36,5 миллиард доллардан камида 60 миллиард долларга етказишни (ўсиш 1,6 баробар); юқори ва ўртадан юқори технологияли тармоқлардаги маҳсулотлар ҳажмини 2,5 баробар оширишни марра сифатида белгилаймиз. Бунга пухта тайёргарлик кўриш мақсадида 2026 йилда 52 миллиард долларлик 782 та янги саноат ва инфратузилма лойиҳасига старт берилади. Келгуси йилнинг ўзида 14 миллиард долларлик 228 та янги йирик қувват



ҚАШҚАДАРЁДА 200 МИЛЛИОН ДОЛЛАРЛИК ЯНГИ КИМЁ ЗАВОДИ ҚУРИЛИШИ БОШЛАНАДИ. УМУМАН,

2026 ЙИЛДА КИМЁ САНОАТИДА – 4,5 МИЛЛИАРД

долларлик; тоғ-кон металлургия, нефть-газ, автомобилсозлик, тўқимачилик ва қурилиш материаллари тармоқларининг ҳар бирида – 3 миллиард доллардан; электротехникада – 2 миллиард долларлик; фармацевтикада – 800 миллион долларлик янги лойиҳалар бошланади.

ишга туширилади. Масалан, Навоийдаги олтин конларида маъдан қазиб олиш бўйича 320 миллион долларлик лойиҳа (3-навбати) ишга туширилиб, қўшимча 2 миллион тонна маъдан қайта ишланади. Шунингдек, “Мурунтов” конини ўзлаштиришнинг навбатдаги босқичи ҳамда кумуш конлари бўйича 2 миллиард 300 миллион долларлик йирик лойиҳалар амалга оширилади. Натижада йилига 18 миллион тонна маъданни қайта ишлаш қуввати барпо этилиб, 2030 йилгача олтин ишлаб чиқариш ҳажми 175 тоннага етказилади.

Яна бир йирик лойиҳа – Олмалик комбинатида қиймати 2 миллиард 700 миллион доллар, қуввати 300 минг тонна мис катодидан иборат бўлган янги металлургия мажмуасини барпо этиш бошланади. “Самарқанд кимё” заводида 381 миллион доллар инвестиция ҳисобидан йилига 370 минг тонна фосфорли ва 540 минг тонна мураккаб ўғитлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади.

Қашқадарёда 200 миллион долларлик янги кимё заводи қурилиши бошланади.

Умуман, 2026 йилда кимё саноатида – 4,5 миллиард долларлик; тоғ-кон металлургия, нефть-газ, автомобилсозлик, тўқимачилик ва қурилиш материаллари тармоқларининг ҳар бирида – 3 миллиард доллардан; электротехникада – 2 миллиард долларлик; фармацевтикада – 800 миллион долларлик янги лойиҳалар бошланади. Шу тариқа 2026 йилда жами экспортимизни 40 миллиард долларга етказиб, тайёр ва ярим тайёр маҳсулот улушини 55 фоиздан оширамиз.

Келгуси йили иқтисодиётда 6,6 фоиз ўсишни таъминлаб, ялпи ички маҳсулотни 167 миллиард долларга етказиш прогноз қилинмоқда. Агар меҳнат унумдорлиги, энергия самарадорлиги ва таннарх бўйича қаттиқ ишланса, бу кўрсаткиччи янада ошириш учун барча имкониятлар бор. Шу боис саноатда “Унумдорлик ва самарадорликни икки карра ошириш” дастурини бошлаймиз. Иқтисодиёт ва молия вазирлиги томонидан меҳнат унумдорлиги ва энергия самарадорлиги бўйича алоҳида лойиҳа амалга оширилади. Ушбу лойиҳага халқаро молия институтларидан 200 миллион доллар кредит ва грант жалб қилиниб, саноат корхоналари учун хориждан юқори малакали технолог

ва муҳандислар олиб келинади; бизнес жараёнлари рақамлаштирилади; энергия ва бошқа харажатларни қисқартириш бўйича аудитлар ўтказилади; илғор технологиялар трансфер қилинади.

Бу борада “Тўртинчи sanoat инқилоби маркази” ташкил этилади. Марказ негизда робототехника, интернет буюмлари, “ақлли” фабрика каби “Индустрия 4.0” ечимларини sanoat корхоналарида жорий этиш учун “тартибга солиш механизми” яратилади. Бунда корхоналар янги технологияларни ишлаб чиқаришга жорий қилишдан олдин уларни синовдан ўтказиш имконига эга бўлади.

Аккредитация, метрология ва стандартлаштириш соҳаларидаги ислохотларимиз натижасида Ўзбекистон “Глобал сифат инфратузилмаси” индексида сўнгги икки йилда 15 поғона юқорилаб, 185 та давлат ичида 52-ўринга кўтарилди.

Бу албатта яхши. Шу билан бирга, маҳсулотларимиз рақобатдошлигини янада ошириш учун техник тартибга солиш соҳасини янги бошқича олиб чиқамиз. Бунинг учун “Давлат назорати” тизимидан халқроқ тажрибада юқори самара берган “Бозор назорати” тизимига ўтамиз. Шунингдек, инновация асосида юқори технологик маҳсулот ишлаб чиқараётган корхоналарни рағбатлантирамиз. Улар шундай маҳсулотни ўтган йилга нисбатан оширса, кўпайган маҳсулот ҳажми қийматининг 5 фоизи миқдорида субсидия берилади. Корхона мутахассисларининг илмий-тадқиқот ва конструкторлик ишланмаларидан олган даромади солиқдан озод қилинади.

Ана шундай ислохотлар орқали келгуси беш йилда sanoatда меҳнат унумдорлиги ҳозирги 16,5 минг доллардан 30 минг долларга етказилади; 1 минг долларлик қўшилган қиймат яратишга кетадиган энергия сарфи 1,5 баробар камайтиради.

Бу йил ИТ, молиявий технологиялар, сунъий интеллект каби йўналишлардаги маҳаллий стартапларга хориждан 270 миллион доллар инвестиция жалб қилдик. Кейинги йилдан “Рақамли стартаплар” дастурини кенгайтириб, стартап ғоясидан то экспортгача кўмаклашадиган янги тизимни йўлга қўямиз. Бунда хусусий стартап марказларини ташкил этиш учун Ёшлар жамғармасидан беш йил муддатга 5 миллиард сўмгача фоизсиз ссуда

берилади. Олийгоҳларнинг ўзида қоладиган маблағларнинг 10 фоизи ҳам инкубация марказларини ривожлантиришга йўналтирилади.

Бундан ташқари, Марказий банкда Молиявий технологиялар офиси ва Инновацион хаб ташкил этилиб, унга Сингапурдан мутахассислар жалб қилинади. Бу орқали йилига 20-30 та молиявий технологиялар стартапини ташқи бозорга олиб чиқиш, уларга жами 1 миллиард доллар инвестиция жалб этиш имконияти яратилади. Умуман, венчур фондлар, стартаплар, молиявий технологиялар каби янги молиявий инструментлар бозорини ривожлантириш, бу соҳадаги барча иштирокчилар ҳуқуқларини қонун билан кафолатлаб қўйиш зарур. Бунинг учун парламентимиз ҳукумат билан биргаликда “Муқобил инвестиция жамғармалари тўғрисида”ги қонун лойиҳасини 1 мартгача ишлаб чиқса, айни муддао бўлади.

Бу йил мамлакатимизда ИТ хизматлари экспорти илк бор 1 миллиард долларни ташкил этди. Биз 2030 йилга бориб, ИТ хизматлари экспортини 5 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра олганмиз. Шу боис жаҳон бозорида рақобатдошликни ошириш учун Рақамли технологиялар халқаро марказини ташкил этдик, ИТ инфратузилмасига инвестиция киритиш учун қатор имтиёзлар бердик.

Келгуси йилда Тошкент шаҳри, Бухоро, Фарғона ва Тошкент вилоятларида 4 та дата-марказ, 2 та супер компьютер ва 15 та олийгоҳда сунъий интеллект лабораторияси фаолияти йўлга қўйилади. Бу – тиббиёт, транспорт, қишлоқ хўжалиги, геология, банк-молия, жамоат хавфсизлиги каби муҳим соҳаларда 100 дан ортиқ сунъий интеллект лойиҳаларини амалга оширишга хизмат қилади. Бугунги кунда минглаб иқтидорли ёшларимиз ИТ ва сунъий интеллект бўйича изланиш олиб бормоқда. Уларнинг квант, дрон, робототехника каби йўналишлардаги конструкторлик лойиҳаларини амалиётга татбиқ қилиш учун Рақамли технологиялар маркази ташкил этилади. Осие тараққиёт

банки бунга қўллаб-қувватлаб, 200 миллион доллар ажратишга тайёрлигини билдирди. Сунъий интеллект билан ёнма-ён юрадиган космик соҳадаги тадқиқотларни ривожлантириш, йўлдошли алоқа технологияларини жорий этиш борасида ҳам катта қадамлар ташладик. Бу борада 2028 йилда Самарқандда Халқаро астронавтика конгрессини ўтказишга пухта тайёргарлик кўряпмиз. Бугун сизларга яна бир муҳим янгиликни айтмоқчиман. Мустақил Ўзбекистон тарихида илк бор космик соҳада сунъий йўлдош ва мамлакатимиз фуқароси бўлган биринчи ўзбек космонавтини фазога учуриш бўйича ишларни бошладик.

Б Бу – Янги Ўзбекистоннинг илмий ва технологик ривожланишига, умуман, миллий тараққиётимизни янги босқичга олиб чиқишга катта туртки беради, деб ишонаман.

Ҳурматли анжуман қатнашчилари!
Маълумки, ишлаб чиқариш ҳам, истеъмол ҳам барқарор ўсиши учун узоқ муддатли маблағ зарур. Шу боис капитал бозорини иқтисодий ўсишни рағбатлантирадиган муҳим институционал устун сифатида белгилаб, глобал депозитарийларни миллий фонд бозоримизга олиб киришимиз керак. Бунинг учун халқаро молия ташкилотлари билан ишлаб чиқилган “Капитал бозори тўғрисида”ги янги қонун лойиҳасини тез фурсатда қабул қилиш лозим.

Курс тебраниши бўйича хатарларни камайтириш учун маҳаллий компанияларга ички бозорда ҳам хорижий валютада облигация чиқаришга рухсат берилади. Келгуси йили корхоналаримиз илк бор халқаро бозорларда ҳам акцияларини жойлаштириши мумкин бўлади.

Умуман, капитал бозорини ривожлантириш орқали тадбиркорларга қўшимча 1 миллиард доллар жалб қилиш имконияти яратилади. 2026 йилда яширин иқтисодийetni қисқартириш бўйича ҳам туб бурилишни амалга оширамиз. Кўрган чора-тадбирларимиз натижасида кузатилмайдиган иқтисодийтулушини 45-50 фоиздан 28 фоизга пасайтиришга эришдик. Лекин бу ҳали дастлабки қадамлар, холос.

Бу борадаги ишларни кучайтириш учун алоҳида дастур қабул қилдик. 2026 йилда барча давлат хизматлари ва коммунал тўловлар, ёқилғи, алкоголь ва тамаки маҳсулотлари, автомобиль ва кўчмас мулк савдолари нақдсиз тўлов шаклига ўтказилади; солиқ, божхона, санитария-эпидемиология назорати, стандарт, карантин, қурилиш назорати инспекцияси, ёнғин хавфсизлиги каби 17 турдаги текширувларда “боди-

камера”дан фойдаланиш мажбурий бўлади. “Соя”даги иқтисодийетдан ихтиёрий равишда шаффофликка чиқмоқчи бўлган тадбиркорлар бухгалтерия, статистика, солиқ ҳисоботларини юритиш бўйича бепул ўқитилади.

Умуман, дастур доирасида келгуси беш йилда яширин иқтисодийет улуши 2 карра қисқартирилади; савдо ва сервис соҳаларида нақд пулсиз тўловлар улуши 75 фоиздан оширилади; расмий секторда банд бўлган аҳоли сони ҳозирги 8,5 миллиондан 14 миллионга етказилади.

Бир сўз билан айтганда, “Ҳалол меҳнат – хотиржам ҳаёт ва фаровон жамият гарови”, деган шиор асосида бу борадаги ишлар умуммиллий ҳаракатга айлантирилади. Айрим юртдошларимизда топган даромадини иқтисодийетга йўналтириш, банк депозитига жойлаштириш, активларини ўз номига расмийлаштириш билан боғлиқ хавотирлар бор. Шу боис депутатларимиз ва Марказий банк халқаро ташкилотлар билан маслаҳатлашган ҳолда, фуқароларимиз юртимизда ёки чет элда шу пайтгача олган даромад ва активларидан эмин-эркин фойдаланишига шароит яратиш бўйича таклифлар тайёрласа, ўйлайманки, тўғри бўлади.

Ҳурматли парламент аъзолари!
Энди, рухсатингиз билан, учинчи устувор йўналиш – ички бозорда талабни рағбатлантириш масаласига тўхталмоқчиман. Бозорларимиздаги тўкинлик, нарх-наво барқарорлиги, аҳолининг истеъмол талаби ортиб бораётгани – турмуш сифати яхшиланаётганини кўрсатадиган энг асосий омил.

Ички талабни рағбатлантирадиган муҳим факторлардан бири, бу – инфляция даражасидир.

Биз тўққиз йилда қулай бизнес муҳитини яратиб, товар ва хизматлар ҳажми ва турини кўпайтирганимиз; аҳолини даромадли қилиб, камбағалликни кескин қисқартирганимиз; кам



даромадли оилалар учун ҳам йилига камида 1 миллиард доллар арзон кредит бераётганимиз; нарх-навони жилловлаб, инфляция даражасини “бир хонали” рақамга туширганимиз натижасида аҳолининг харид қобилияти 2 карра ўсди.

Биргина мисол, беш йил олдин аҳолимиз йилига 210 мингта квартира, 600 мингта автомобиль харид қилган бўлса, бу йил 270 мингта уй, 1 миллионта машина сотиб олди. Агар аҳолининг даромади, харид қобилияти ошмаганида, биргина кўчмас мулк ва автомобиль бозори 20 миллиард долларга етармиди?

Ўтказилган сўровлар ҳам, халқаро экспертлар таҳлиллари ҳам 75 фоиз аҳолининг молиявий ҳолати кескин яхшиланганини тасдиқламоқда. Албатта, бу натижалар билан чекланиб қолмасдан, халқимизнинг даромади ва харид қобилиятини ошириш бўйича ишларни изчил давом эттираемиз. Таҳлилларга кўра, аҳоли даромади 10 фоизга кўпайса, истеъмол 8 фоизга ошади. Бу – янги маҳсулот ва хизматларга талаб, дегани, бу – қўшимча қувватлар, қўшимча иш ўрни, дегани.

Аҳоли эҳтиёжидан келиб чиқиб, иқтисодиётда энг катта талаб яратадиган уй-жой ипотекасига 2026 йилда 23 триллион сўм ресурс ажратаемиз. Уй-жой сотиб олишда бошланғич тўлов ва фоиз тўловларининг бир қисмини қоплаш учун 2 триллион 700 миллиард сўм субсидия берилади. Шунингдек, битта квартира учун ажратиладиган имтиёзли ипотека кредити миқдори 15 фоизга оширилади.

Келгуси йилда 140 мингта квартирали кўп қаватли уй-жой барпо этилиши рўзғор учун зарур истеъмол товарларига талабни ошириши табиий, албатта. Бу талабни молиявий манбалар билан таъминлаш мақсадида 2026 йилда жорий йилги 104 триллион сўм ўрнига 125 триллион сўмлик истеъмол кредити ажратилади. Умуман, 2026 йилда қурилиш ишлари ҳажмини 11 фоизга кўпайтириб, 30 миллиард долларга етказишни режа қиляпмиз.

Бунинг иқтисодиётга қандай таъсир кўрсатишини ҳисоблаб кўрайлик. Қурилиш материали, уй-рўзғор учун тўқимачилик маҳсулотлари, электр техникаси, мебелсозлик каби тармоқлар, ушбу объектларга хизмат кўрсатадиган сервис соҳалари учун қўшимча 5 миллиард долларлик бозор бўлади. Бу – 300 мингта қўшимча янги иш ўрни дегани.



Келгуси йилда 140 мингта квартирали кўп қаватли уй-жой барпо этилиши рўзғор учун зарур истеъмол товарларига талабни ошириши табиий, албатта. Бу талабни молиявий манбалар билан таъминлаш мақсадида 2026 йилда жорий йилги 104 триллион сўм ўрнига 125 триллион сўмлик истеъмол кредити ажратилади. Умуман, 2026 йилда қурилиш ишлари ҳажмини 11 фоизга кўпайтириб, 30 миллиард долларга етказишни режа қиляпмиз.

Аҳоли даромади кўпайгани хизматларга талабни ошириб, сервис соҳаси иқтисодиётнинг “драйвери”га айланиши учун катта туртки бермоқда. Бу йилнинг ўзида хизматлар ҳажми қарийб 15 фоиз ўсиб, 82 миллиард долларга етди.

Хизматларга бўлган талабни рағбатлантириш учун 2026 йилда соҳага 85 триллион сўм кредит, 9 триллион сўм субсидия ажратаемиз.

Хусусан, таълим хизматлари учун бюджетдан 7 триллион сўм берилади.

Кейинги беш йилда хорижий туристлар сонини 2 карра – 11 миллион нафардан 20 миллион нафарга ошириш, туризм хизматлари ҳажмини эса 20 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра оляпмиз. Шу мақсадда туризм инфратузилмасини ривожлантиришга алоҳида эътибор қаратяпмиз.

Самарқандда Бибиҳоним, Регистон мажмуалари, Амир Темур мақбараси, Улуғбек расадхонаси, Шоҳи Зинда

ва Афросиёб музейини бир-бири билан боғлайдиган замонавий йўлак ва кўприклар барпо этилади. Шаҳрисабзда “Гелон” йирик туристик мажмуасининг биринчи босқичи ишга туширилади. Поп туманида “Арашан” тоғ-дам олиш туристик зонаси ташкил этилади. Хивадаги Ичанқалъани иммерсив, яъни, “жонли” ва “ақли” музей-шаҳарга айлантираемиз. Хоразм ва Қорақалпоғистондаги археологик ёдгорликлар бўйлаб йирик туризм ҳалқаси ташкил этилади.

Шунингдек, янги йилда тадбиркорлар томонидан 4 миллиард долларлик 3,5 мингдан зиёд янги сервис объектлари ишга туширилади. Туризм масканларини ташкил қилиш учун келгуси уч йилда 5 минг гектар ер аукционга чиқарилади.

Бундан ташқари, 2026 йилдан “Ўзбекистон мероси меҳмонхоналари” дастурини бошлаймиз. Маданий мерос объектларида хусусий шериклик асосида “бутик меҳмонхона” ташкил қилиш учун нуфузли меҳмонхона тармоқлари олиб келинади. Дастур иштирокчиларига ер, мулк, фойда солиқлари ва божхона тўлови бўйича имтиёз берилади.

Мана шу ишлар ҳисобига 2026 йилда хизматлар бозорини 100 миллиард доллардан ошираемиз. Туристлар оқими тобора ошаётгани авиация ва темир йўлда йўловчи ташиш қувватини 2 баробар кўпайтиришни тақозо этмоқда. Шу боис 2026 йилда авиапаркдаги ҳаво кемалари сонини 105 тадан 120 тага етказамиз. Маҳаллий авиақатновлар сонини ошириш учун субсидиялашнинг янги тизими жорий этилади.



Энди, нархидан қатъи назар, сотилган ҳар бир чипта учун аниқ миқдорда субсидия ажратилади. Бу – чипта нарhini пасайтириш ва талабни оширишга хизмат қилади. Шу билан бирга, янги самолётларимиз учун учувчилар, уларга техник хизмат кўрсатувчилар, аэропортлар учун сервис ва бошқарув соҳасида малакали мутахассисларни тайёрлаш мақсадида Фуқаро авиацияси университети ташкил этилади. Жанубий Кореянинг “Hyundai Rotem” компаниясидан 6 та тезюзар поезд олиб келамиз. Бунинг биринчи таркиби яқин кунларда келади. Умуман, ички темир йўлларни ривожлантириш бўйича беш йиллик дастур қабул қилинади. Шаҳарларни тезюзар поездлар қатнови билан боғлаш учун 2026 йилдан яна 500 километр темир йўл қуришга киришамиз. Келгуси йили 110 километр темир йўл тармоғи қурилиб, Бўка, Пискент, Бекобод, Боёвут туманлари ҳамда Нурафшон шаҳри пойтахт билан боғланади. Тошкент – Самарқанд йўналишида юқори тезликда ҳаракатланадиган йўловчи поездлар учун янги темир йўл линияси қуришни бошлаймиз. Тошкент, Самарқанд, Бухоро, Хива, Навоийдаги вокзаллар ҳам хусусий шериклик учун берилади. Бирлашган Миллатлар Ташкилоти таҳлиliga кўра, сифатли йўллар иқтисодиётимизнинг камида 2 фоиз ўсишига туртки беради. Автомобиль йўлларининг сифатини яхшилаш, транзит салоҳиятини янада ошириш мақсадида беш йиллик дастур амалга оширилади. Бунда Андижон билан Қўнғиротни, Тошкент билан Термизни, Самарқанд билан Шаҳрисабзни, Олот билан Сариосиёни боғлайдиган, узунлиги 4 минг километр магистрал йўлларни халқаро талабларга мос “автобан”ларга айлантирамыз.

2026 йилнинг ўзида Қорақалпоғистон, Бухоро, Қашқадарё ва Сурхондарё ҳудудидан ўтган умумий фойдаланишдаги 300 километр йўлларда реконструкция ишлари якунланади. Тошкент – Самарқанд, Тошкент – Андижон, Тошкент – Бўстонлик, Пунғон – Наманган ва Қарши – Шаҳрисабз йўналишида юқори тезликда ҳаракатланишга мўлжалланган 800 километр йўллар қурилишига катта тайёргарлик кўриб, ҳамкорларни белгилаб олдик. Тошкент – Самарқанд йўлининг қурилиши март ойдан, қолган йўллар бўйича амалий ишлар эса 1 июлдан кечиктирмасдан бошланади. Яна 1 минг 200 километр йўллар 2030 йилгача халқаро молия институтлари билан ҳамкорликда қайта қурилади. Энди йўлларни лойиҳалаштиришда аҳолининг фикри, транспорт қатновининг атроф-муҳитга таъсирини инобатга олиш, пиёдалар учун “тўсиқсиз” муҳит яратиш бўйича қатъий талаблар қонун даражасида мустаҳкамланади. Йўл қурилишига илғор технология ва стандартларни жорий этиш устувор тамойил сифатида белгиланади. Парламентимиз “Автомобиль йўллари тўғрисида”ги қонунни янги таҳрирда қабул қилишда йўлларни режалаштириш тизимини назарда тутса, мақсадга мувофиқ бўлади. Аҳолининг даромади, хорижий туристлар оқими тобора ортиб бораётгани келгуси беш йилда озиқ-овқатга бўлган талабни 1,5 карра оширади. Шунинг учун қишлоқ хўжалиги маҳсулотлари ҳажмини ҳозирги 40 миллиарддан 60 миллиард долларга етказиш бўйича катта марра оламиз. Икки ҳафта олдин аграр соҳа вакиллари билан учрашиб, қишлоқ хўжалигида ҳосилдорликни янги технологиялар асосида ошириш бўйича барча масалаларни ечими билан муҳокама қилиб олдик.

Умуман, янги йилда қишлоқ хўжалигини қўллаб-қувватлаш учун 52 триллион сўм ажратамиз.

Озиқ-овқат маҳсулотларини халқимизга барқарор нархда етказиб бериш ҳам тўлиқ ислоҳ қилинади. Бозорларимизни асосий озиқ-овқат маҳсулотлари билан йил – ўн икки ой барқарор нархда таъминлаш учун 2026 йилдан доимий интервенция тизимига ўтаемиз. Худудлардаги “Озиқ-овқат жамғармалари”га ажратиладиган ресурсни 2,5 баробар кўпайтириб, 500 миллиард сўмга етказамиз. Шунингдек, мева-сабзавотга ихтисослашган 1 мингта маҳаллада сиғими 100 тоннагача бўлган кичик совиткичли омборлар барпо этилади.

Бу ишларимиз келгуси йил инфляция даражасини 6-6,5 фоизга туширишга хизмат қилади.

Муҳтарам ватандошлар! Касбларни ривожлантириш ва янги меҳнат бозори архитектурасини яратиш – келгуси йил учун дастуримизнинг тўртинчи устувор йўналишидир. Ҳозирги вақтда янги технологиялар, рақамлаштириш ва сунъий интеллект таъсирида дунёда иш ўринларининг сони, шакли ва мазмуни кескин ўзгармоқда. Яқин беш йилда мавжуд касбларнинг 30 фоизи тўлиқ автоматлаштирилади, 50 фоизи бўйича эса янги малакалар талаб қилинади.

Бу жараёнлар бизни ҳам четлаб ўтаётгани йўқ. Саноатда – автоматлашган линиялар, аграр соҳада – ақлли технологиялар, транспортда – интеллектуал бошқарув кундалик ҳодисага айланиб бормоқда.

Энди мамлакатимизнинг меҳнат бозори мутлақо янги архитектура асосида – касб, малака, технология ва таълимни бирлаштирадиган ягона механизм сифатида ишлаши зарур.

Мутахассисларнинг фикрича, болада бирор-бир касбга қизиқиш 7-синфдан бошланиб, қайси касбни танлаши 9-синфда тўлиқ маълум бўлади. Шу боис 9-синф битирувчиларини фанларни

ўзлаштириши ва касбий қизиқишига қараб саралаб олиш тизимини жорий қиламиз. Бунда олийгоҳларга кириш истагида бўлмаган ёшлар техникумларга юборилади.

Яқинда техникумларга замонавий қиёфа ва янгича муҳит олиб кириш бўйича беш йиллик дастурни тасдиқладик.

Менинг ниятим – ёшларимиз талаб юқори бўлган касблар бўйича дунёда рақобатдош бўлсин, керак бўлса, бошқалардан бир поғона устун турсин. Ушбу мақсадга эришиш йўлида касбий таълимнинг энг муҳим бўғини бўлган техникумларни янги сифат босқичига олиб чиқамиз. Бунинг учун, 2026 йилдан бошлаб, ҳар йили камида 100 тадан техникумни тўлиқ таъмирлаб, технологик ва талаб юқори бўлган касбларга мос ҳолда жиҳозлаб борамиз. Германия, Швейцария, Буюк Британия, Хитой, Корея каби давлатларнинг илғор таълим дастурлари жорий қилинган техникумлар сонини 100 тага етказамиз. Бугун сизларга яна бир янгиликни етказмоқчиман: 2026 йилда 7 та вилоятда, 2027 йилда эса қолган худудларда Илғор касбий маҳорат техникуми ва “Касблар шаҳарчаси” фаолияти йўлга қўйилади. Бунда Илғор касбий маҳорат техникумлари худуддаги бошқа техникумлар учун методик ва амалиёт базаси сифатида фаолият юритса, “Касблар шаҳарчаси” – мактаб ўқувчиларини қурилиш, сервис, қишлоқ хўжалиги, саноат, транспорт, “яшил” энергетика каби соҳалардаги замонавий касбларга йўналтиришга хизмат қилади.

Бу тизимни мамлакатимизда уч йил олдин йўлга қўйиб, ўқувчилар қамровини 15 фоизга етказдик. Бугун автомобилсозлик, “яшил” энергетика, қурилиш, транспорт, тўқимачилик, қишлоқ хўжалиги, туризм, сервис, ИТ каби йўналишларда 70 мингга яқин ўқувчи “дуал таълим” асосида ўқиб, ойига 10 миллион сўмгача маош олмақда.

Энди техникум ва иш берувчилар ўртасидаги ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқамиз. Хусусан, “дуал таълим” асосида ўқитишни самарали ташкил қилган корхоналарга 7 йил муддатга 5 миллиард сўмгача имтиёзли кредит ажратилади; тадбиркорлик рейтингида қўшимча 5 балл берилади; корхоналар ишга олган техникум ўқувчиси учун 1 фоизли ижтимоий солиқ имтиёзи яна уч йилга узайтирилади.

Шунингдек, 2026 йилдан бошлаб техникумларда таълим олаётган 100 минг ўқувчига илк бор стипендия тўланади; “аъло” баҳоларга ўқиётган, танлаган касбини пухта эгаллаётган фарзандларимизга эса оширилган миқдордаги стипендиялар берилади.



ХОРИЖИЙ ТУРИСТЛАР ОҚИМИ ТОБОРА ОРТИБ БОРАЁТГАНИ КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛДА ОЗИҚ-ОВҚАТГА БЎЛГАН ТАЛАБНИ 1,5 КАРРА ОШИРАДИ. ШУНИНГ УЧУН ҚИШЛОҚ ХЎЖАЛИГИ МАҲСУЛОТЛАРИ ҲАЖМИНИ ҲОЗИРГИ

**40 МИЛЛИАРДДАН
60 МИЛЛИАРД**

долларга етказиш бўйича катта марра оламиз.

Иқтисодиётнинг устувор йўналишлари учун юқори интеллектуал салоҳиятга эга бўлган кадрларни тайёрлашга эътиборни кучайтиришимиз зарур. Жиззах политехника институтини Венгриянинг нуфузли “Обуда” университети бошқарувига бериш бўйича қарор қабул қилдик.

Яқинда Японияга ташрифимиз давомида Ўзбекистонда “Цукуба” миллий университети билан ҳамкорликда аниқ фанлар бўйича янги олийгоҳ ташкил қилиш ҳақида келишиб олдик.

Биз бу тажрибани давом эттириб, аниқ фанлар ва техника йўналишидаги олийгоҳларимизга дунёнинг энг нуфузли университетларини жалб қиламиз.

Яна бир масала – меҳнат бозорига йилига 300 минг олий маълумотли кадрлар кириб келмоқда. Энди олийгоҳ битирувчилари ва иш берувчилар ўртасида кўприк бўлиб хизмат қиладиган рақамли экотизим яратамиз. Унда талабаларнинг академик кўрсаткичлари ва корхоналардаги бўш иш ўринлари тўғрисидаги маълумотлар онлайн тарзда кўриниб туради. Ушбу экотизим битирувчи курс талабалари учун ўзига мос иш топиш, корхоналарга эса малакали кадрларни жалб қилиш имконини беради.

Бу йил соғлиқни сақлаш ходимлари билан икки марта учрашиб, кўриб чиқилган барча масалалар бўйича алоҳида фармон ва қарорлар қабул қилдик.

Тиббиёт тизимида ҳам касбий таълимни ривожлантириш учун Англиянинг “Pearson” компанияси билан ҳар бир ҳудуддаги биттадан техникумда халқаро стандарт асосида ҳамширалар тайёрлаш бошланди. Энди ана шу техникумларга Германия, Швейцария, АҚШ, Япония каби давлатларнинг таълим дастурлари ҳам жорий этилади. Шу асосда халқаро талабаларга жавоб берадиган, хорижий тилларни биладиган ҳамширалар таркибини шакллантирамиз.

Кенг қўламли ислоҳотларимизни соғлиқни сақлаш тизимини рақамлаштириш бўйича ҳам жадал давом эттирамиз. Тиббиёт муассасаларини ягона ёндашув асосида ташкил этиш учун “мастер режа” ишлаб чиқилади.

Бундан ташқари, инфаркт, инсульт, онкологик, нефрологик каби юқумли бўлмаган касалликларни даволаш ҳамда трансплантация, вакцинация, она-бола саломатлигини муҳофаза қилиш йўналишларига ўтган йиллардан 1,5 баробар кўп – 3,5 триллион сўм ажратамиз.

Қадрли дўстлар!

Экологик мувозанатни таъминлаш, “яшил” энергетика ва сув ресурсларидан оқилона фойдаланиш бешинчи устувор йўналишимиздир.

Йирик корхоналарга фильтр, тозалаш иншооти ва ҳавога чиқариладиган зарарли моддаларни мониторинг қилиш станцияси ўрнатиш учун биринчи босқичда 100 миллион долларлик кредит линияси очилади.

Келгуси йили Самарқандда Глобал экологик жамғарманинг навбатдаги ассамблеяси ва Марказий Осиё халқаро экокўргазмаси ўтказилиши режалаштирилган. Ушбу тадбирлар тармоқлар, ҳудудлар

ва бизнес учун ҳамкорлар топиш, янги эколойиҳаларни биргаликда бошлашга катта имконият яратади. Тошкент шаҳри ва Тошкент вилоятида 2 мингга яқин кўмир ва газда иситиладиган иссиқхона бор. Улардан ҳавога йилига 137 минг тонна зарарли модда чиқади. Энди кўмирда филтрсиз ишлайдиган қозонхоналардан воз кечамиз. Уларни пойтахт атрофидан кўчириб, ҳамма жойда марказлашган қозонхоналар орқали иситишни йўлга қўямиз. Шу мақсадда 200 гектардан кам бўлмаган агрокластерлар ташкил этилади, уларнинг таркибига ўтадиган иссиқхоналарга алоҳида субсидия берилади.

Шаҳарларимиздаги тирбандликлар нафақат одамлар ҳаётини қийинлаштирмоқда, балки экологияга ҳам жиддий зарар етказмоқда. Шу боис дунё тажрибасидан келиб чиқиб, автомобиллар чиқараётган зарарли моддалар даражасига қараб, экологик стикерлар тизими жорий этилади. Катта миқдорда зарарли моддалар чиқарадиган автомашиналарнинг пойтахт ва вилоят марказлари ҳамда шаҳарларга кириши чекланади. Бундай транспорт воситаларини янгисига алмаштириш ёки уларга фильтр ўрнатиш учун давлат томонидан қўллаб-қувватлаш чоралари кўрилади.

Бунинг учун алоҳида Жамғарма ташкил қилинади. Эски машинасини алмаштираман деганларга автокредит фоизининг бир қисми қоплаб берилади. Фильтр ўрнатиб, зарарни камайтиришга тайёр бўлган ҳайдовчилар учун харажатларининг бир қисми бўйича субсидия ажратилади.

Азим пойтахтимиз ва йирик шаҳарларда жамоат транспортини ривожлантириш устувор вазифамиз бўлади. Шаҳар кўчаларида автобус ва таксилар учун махсус йўлаклар кўпайтирилади. Тошкент, Самарқанд ва Наманган шаҳарларида транспорт ҳаракатини интеллектуал светофорлар орқали бошқариш тизими жорий этилади. Экологик автомобилларни кўпайтириш бўйича беш йиллик дастурни амалга оширамиз. Бунда маҳаллий электромобилларга 12 фоизли, хорижий электромобилларга эса 16 фоизли автокредитлар ажратилади. Электромобилларни қувватлаш станцияларини ташкил қилиш учун тадбиркорларга 10 фоизли имтиёзли кредитлар берилади; ерларни аукциондан 2 карра арзон нархда сотиб олиш имконияти яратилади.



Сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, сув иншоотларини модернизация қилиш, суғориш тадбирлари бўйича келгуси уч йил учун қиймати 5,5 миллиард долларлик катта дастур қабул қилдик.

Электромобилларни қувватлаш станцияларида автомобилларни зарядлашда 1 киловатт-соат электр энергияси нархининг 300 сўмдан ошган қисми давлат бюджетидан қоплаб берилади.

Электромобилда такси хизмати кўрсатадиган фуқароларга ҳам бир қатор имтиёзлар берилади.

Энг асосийси, бу ишларни тўғри йўлга қўйсақ, пойтахтимиз, вилоят марказлари ва йирик шаҳарлар фақат экотранспортлар ҳаракатланадиган ҳудудга айланади. Чанг-тўзонларнинг олдини олиш учун Сурхондарёда 10 минг гектарда “яшил макон” ва Сирдарёда 84 километрли “яшил девор” барпо этилади. Қорақалпоғистон, Хоразм, Бухоро ва Навоийда жами 250 минг гектар, жумладан, Оролнинг қуриган тубида 115 минг гектар ерда дарахт ва буталар экилади. Ҳар бир ҳудудда ботаника ва дендрология боғлари ҳамда 20 тадан соя-салқин сайр кўчалари барпо қилинади.

Корхоналарда экостандартларни жорий қилиш учун келгуси беш йилда камида 30 минг нафар экология менежерига талаб пайдо бўлади. Шунинг учун 2026 йилда ҳар бир ҳудудда “яшил” техникумлар ташкил этилиб, дуал таълим асосида йилига 10 минг мутахассис тайёрлаш йўлга қўйилади.

Янги йилда Марказий Осиё Яшил университети фаолиятини кенгайтираимиз. Ҳаво, сув ва тупроқ сифатини аниқлаш имконини берадиган комплекс лабораториялар ташкил этилади.

Шаҳарларда табиий вентиляцияни кучайтиришга қаратилган тадқиқотлар ўтказилади.

Умуман, экология соҳасига 2026 йилда 1 триллион 900 миллиард сўм йўналтирилади.

Сўнгги беш йилда 6 минг мегаваттли қуёш, шамол ва гидроэлектр станциялари ишга туширилди, умумий генерацияда “яшил” энергиянинг улуши 30 фоизга етди.

Яқинда ҳамкорларимиз билан жами 3,5 минг мегаваттли 4 миллиард 200 миллион долларлик янги “яшил” қувватлар қурилишига старт бердик. Бу ишларимиз орқали 2026 йилнинг ўзида 7 миллиард

куб метр табиий газ тежалади ва ҳавога 11 миллион тонна зарарли моддалар чиқишининг олди олинади.

Муҳтарам ватандошлар!

Дунёда сув танқислиги муаммоси тобора долзарб бўлиб бормоқда. Шу боис ислохотларимизнинг илк кунлариданоқ сувдан оқилона фойдаланишни давлат сиёсати даражасига олиб чиқдик.

Яқинда сувни тежайдиган технологияларни кенг қўллаш, сув иншоотларини модернизация қилиш, суғориш тадбирлари бўйича келгуси уч йил учун қиймати 5,5 миллиард долларлик катта дастур қабул қилдик.

Дастур доирасида сувни тежайдиган технологиялар қамрови 61 фоизга ёки 2,6 миллион гектарга етказилади. Натижада йилига 2,5 миллиард куб метр сув тежалади, 200 минг тонна буғ вази камайтирилади. Умуман, сувни тежайдиган технологияларни жорий қилиш тадбирларига 2026 йилда жами 3 триллион 300 миллиард сўм йўналтирилади.

Шунингдек, 1 минг 300 километр йирик магистрал каналлар бетон билан қопланади. Бунинг учун бюджетдан 3 триллион сўм сарфланади. Бу қўшимча равишда йилига 500 миллион куб метр сувни иқтисод қилиш имконини беради.

Бундан ташқари, жойлардаги очиқ дренаж ва коллекторларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича алоҳида дастур қабул қиламиз. Ушбу мақсадларга дастлабки босқичда 2026 йил учун 100 миллион доллар ажратамиз. Каналларни ёпиқ тизимга ўтказиш бўйича ҳам катта лойиҳаларни бошлаймиз. Қашқадарёдаги “Пахтаобод” каналини босимли қувурга ўтказиш бўйича 134 миллион долларлик лойиҳа бу борадаги биринчи қадам бўлади.

Булар орқали қўшимча равишда 20 минг гектар экин ери очилади, яна 25 минг гектар майдон қафолатли сув билан таъминланади. Айни вақтда пойтахтимиз, вилоят марказлари ва шаҳарларда “яшил” ҳудудларни кўпайтириш учун суғориш, дренаж тизимларини қайта тиклаш

Б зарур. Бир сўз билан айтганда, шаҳарларнинг барча кўчаларидаги ариқларда сув айланиши керак. Бунинг учун 160 миллион долларлик катта дастур доирасида Тошкент шаҳрида 150 километр ёпиқ дренаж тизими барпо этилади, 197 километр канал ва коллекторлар таъмирланади; 63 километр янги каналлар барпо қилиниб, шаҳарда салқин микроиқлим яратилади. Бошқа ҳудудлар раҳбарлари ҳам четдан камида 20-25 миллион доллар маблағ олиб келиб, келгуси йилдан вилоят марказлари ва йирик шаҳарларда бундай лойиҳаларни бошлайди.

Ҳурматли депутат ва сенаторлар! Олтинчи устувор йўналишимиз бўлган замонавий давлат бошқаруви ва адолатли суд-ҳуқуқ тизими борасидаги ислоҳотларимизни давом эттирамиз. Аввало, 2026 йилдан бошлаб Электрон ҳукумат платформаси тубдан янгиланади. Энди барча давлат идораларининг 1 мингдан зиёд давлат хизматлари; 5 мингдан ортиқ функция ва вазифалари; 200 та маълумот базаси ва ахборот тизими; 100 мингдан зиёд давлат хизматчисининг маҳалла, туман, вилоят, республика даражасидаги ваколатлари Ягона рақамли платформага интеграция қилинади.

Платформага келиб тушган мурожаатлар, уларни ижрочиларга тақсимлаш ва кўриб чиқиш муддатини назорат қилиш сунъий интеллект орқали амалга оширилади. Содда қилиб айтганда, маҳалладан тортиб республика даражасида ҳал бўладиган ҳар бир масаланинг ижроси, муддати, ресурси бир жойда кўриниб туради.

Энг муҳими, давлат хизматларини кўрсатишда инсон омилисиз, коррупция ва ортиқча бюрократиядан холи экотизим яратамиз. Давлат хизматларини проактив ва жамланма шаклда кўрсатиш тизимини ривожлантирамиз.

Оддий сўзлар билан тушунтирсам, янги уй қурган фуқаро кадастр ҳужжатини олиш учун мурожаат қилса, янги платформа сув, электр ва газга уланиш масаласини ҳам шу заҳоти ҳал қилиб беради. Бундай хизматлар 2026 йилда 100 тага етказилади.

Ш.Шерматов, А.Тошқулов, У.Ҳусаинов келгуси йилда Наманган, Сурхондарё вилоятлари ва Тошкент шаҳри, шунингдек, улардаги туман ва маҳаллаларда қурилиш, адлия, олий таълим, солиқ идоралари ва уларнинг вилоят, туман бўлимларида ушбу платформани тўлиқ синовдан ўтказиши шарт.

Ҳар бир вазир, тармоқ раҳбари ва ҳокимлар ҳам янги йилда худди шундай ишларни ўз туманидаги тизимда йўлга қўйишни бошлаши, давлат хизматларини аҳолига янада яқинлаштириш бўйича қаттиқ ишлаши зарур.

Ҳурматли йиғилиш қатнашчилари!

Бугунги кунда Олий Мажлисимиз энг кучли парламентларга хос бўлган барча назорат ваколатларига эга. Хусусан, 2023 йилдан буён ташқи қарз миқдорини парламентимиз белгилаб келмоқда.

Энди давлат кафолати остида ташқи қарз олиш масаласини маъқуллашни ҳам парламент ваколатига ўтказсак, нима дейсизлар?

Кўплаб ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар фикрини ўрганиб, 2026 йил 1 январдан давлат харидларида очиқ, шаффоф ва адолатли тизим яратаямиз. Бу – тадбиркорларимизга 300 триллион сўмлик кафолатли бозорда ўзларининг товар ва хизматлари билан фаол иштирок этишлари учун катта имкониятлар эшигини очади.

Бундан буён давлат харидларида товар, иш ва хизматларни тўғридан-тўғри сотиб олиш мумкин бўлган ҳолатлар фақат қонун билан белгиланади.

Хабарингиз бор, конституциявий ислоҳотларимиз доирасида вилоят ҳокимлари ва маҳаллий кенгашлар раислари лавозимларини бир-биридан ажратган эдик. Энди бу тизим 2026 йил 1 январдан 208 та туман ва шаҳарда ҳам йўлга қўйилади. Айти пайтда ушбу жиддий сиёсий ислоҳот – ҳокимлар ва ижро идораларидан Кенгашларга муносабатни мутлақо ўзгартиришни талаб қилади. Бундан буён депутат сўровлари ижроси ҳар чоракда таҳлил қилиниб, суствакшиликка йўл қўйилган ҳолатлар бўйича прокуратурага тақдимнома киритилади.

Ислоҳотлар самарадорлигини таъминлашда фуқаролик жамияти институтларининг роли муҳим.

Шу боис уларни қўллаб-қувватлаш бўйича сиёсат келгусида ҳам изчил давом эттирилади. Хусусан, фуқаролик жамиятини ривожлантириш бўйича беш йиллик стратегия ишлаб чиқилади. Ушбу институтларга ижтимоий буюртма бериш тизими рақамлаштирилиб, молиялаштириш ҳажми 2 карра оширилади.

Бундан ташқари, хайрия ташкилотларини тузиш тартиби соддалаштирилади, ҳисобдорлик ва шаффофлик механизмлари такомиллаштирилади.

Такрор айтаман, юртимиздаги кенг кўламли янгиланишлар даврида очиқлик сиёсатидан ҳеч қачон ортга қайтмаймиз. Сўз ва матбуот эркинлигини таъминлаш устувор вазифамиз бўлиб қолади.



БУГУНГИ КУНДА ОЛИЙ
МАЖЛИСИМИЗ ЭНГ КУЧЛИ
ПАРЛАМЕНТЛАРГА ХОС БЎЛГАН
БАРЧА НАЗОРАТ ВАКОЛАТЛАРИГА
ЭГА. ХУСУСАН,

2023 ЙИЛДАН БУЁН

ташқи қарз миқдорини парламентимиз белгилаб келмоқда.



Муҳтарам депутат ва сенаторлар!

Суд-ҳуқуқ тизимини халққа яқинлаштиришга қаратилган ишларимизни изчил давом эттирамиз.

Биз одил судлов жараёнини “рақамли суд” концепцияси асосида ташкил этишни бошладик. Энди терговни ҳам рақамлаштириш орқали инсон ҳуқуқлари ҳимоясини кучайтирамиз. Бунда жиноят ҳақидаги аризани қабул қилишдан бошлаб, ишни судга ўтказишгача бўлган босқичларга сунъий интеллект технологиялари жорий этилади ва инсон омили қисқартирилади.

Юртимизда тергов судьялари иш бошлагани – халқро тан олинган “Хабеас корпус” институтини қўллашнинг навбатдаги муҳим босқичи бўлди. 2026 йилдан тергов судьяларига санкция ва мажбурлов чораларини ўзгартириш ҳамда бекор қилиш ваколатларини ҳам берамиз. Одил судловни амалга оширишда жамоатчилик иштироки ва ролини ошириб борамиз.

Энди жиноят процессига инглиз ҳуқуқидаги давлатларда ижобий натижа берган “халқ вакиллари ҳайъати” институти босқичма-босқич жорий этилади. Бунда ўта оғир ва жамиятда шов-шувга сабаб

бўлаётган жиноятлар жамоатчилик вакиллари иштирокида кўриб чиқилиши суд ҳукмининг янада адолатли бўлишига хизмат қилади.

Суд қарорлари ижросини сўзсиз таъминламай туриб, фуқаро ва тадбиркорлар ҳуқуқининг ишончли тикланишига эришиб бўлмайди. Шу боис мажбурий ижро жараёнига самарали муқобил механизмларни ҳам киритамиз. Натижада соҳага сунъий интеллект жорий этилиб, келгуси икки йилда ижро ҳаракатларининг 30 фоизи инсон омилисиз амалга оширилади.

Кўраяспизлар, шиддат билан ўзгараётган дунёда гиёҳвандлик хавфи аҳоли генофонди учун энг катта таҳдидга айланиб бормоқда. Афсуски, бугунги глобаллашув даврида бундай хавф-хатар Ўзбекистонни ҳам четлаб ўтмаяпти.

Бу йил 14 мингдан зиёд гиёҳвандлик жинояти қайд қилинган. Уларнинг 3 мингга яқинини ёшлар содир этгани барчамизни жиддий ўйлантириши керак.

Наркотик савдолари трансчегаравий ва виртуал характерга эга бўлиб бормоқда. Бу эса жиноятларни аниқлашда янги усулларни қўллашни, замонавий билим ва кўникмаларни пухта эгаллашни талаб қилмоқда.

Яқинда ушбу масала бўйича Миллий дастур қабул қилдик. Энди наркожиноятларга қарши курашишни умуммиллий ҳаракатга айлантириб, жамиятда бу иллатга муросасиз муҳит яратамиз.

Ким бу вазифа фақат ҳуқуқ-тартибот идораларининг иши, деб ўйласа, хато қилади.

Юртимиздаги ҳар бир бола, ҳар бир ёш – бизнинг фарзандимиз, уларни гиёҳвандлик чангалига ташлаб қўйишга асло йўл қўймаймиз.

Гиёҳвандликни таг-томири билан буткул йўқотиш, ёшларимизда кучли маънавий-руҳий иммунитетни шакллантириш бўйича барча куч ва имкониятларимизни сафарбар қиламиз.

Н Наркожиноятларга қарши курашиш бўйича республика ишчи гуруҳи давлат идораларининг бор куч ва имкониятларини ишга солиб, келгуси йилда наркотикларни ишлаб чиқариш ва тарқатиш каналларига чек қўйиш бўйича янги тизим яратсин.

Бу – Президентнинг топшириғи, бу – ота-оналарнинг хоҳиш-истағи, бу – жамиятнинг талаби!

Тинчлик ҳукм сурган, қонун устувор бўлган, фуқароларнинг хавфсизлиги таъминланган жойга инвестиция ҳам келади, бу ерда туризм ҳам ривожланади. Лекин сўнгги пайтларда ўзини қонундан устун қўйган, тадбиркорларга босим қилиб, уларнинг бизнесини эгаллаб олишга ҳаракат қилаётган, иқтисодийтимизга жиддий путур етказадиган мураккаб молиявий жиноятларни содир этаётган, ўзини “қози” деб ҳисоблаб, одамлар ўртасидаги олди-берди масалаларини ҳал қилиб юрган айрим жиний тўдалар ҳам кузатилмоқда.

Энг ачинарлиси, “осон пул топаман”, деган илинжда билагада кучи бор айрим спортчилар ҳам бундай жиний тўдаларга қўшилиб қолмоқда.

Яна бир ёмон жиҳати – Ўзбекистон фуқароларидан иборат жиний гуруҳлар айрим чет давлатларда ҳам мавжудлиги юртимизнинг халқаро обрўсига салбий таъсир кўрсатмоқда.

Ҳамма эшитиб олсин: бундай жиний тўдалар фаолиятига чек қўйишга куч-қудратимиз этади ва буни албатта қиламиз!

Ўзбекистонда – фуқароларимиз, тадбиркорларимиз ва инвесторларни ҳар қандай вазиятда ҳам ишончли ҳимоя қиладиган давлат бор, Конституция бор, қонунлар бор!

Хотин-қизларнинг кадр-қимматини жойига қўйиш, фарзандларимизни ҳимоя қилиш – қадим-қадимдан эркаклар учун шаън ва ғурур масаласи бўлиб келган. Лекин жамиятимизда аёллар ва болаларнинг турли зўравонликларга учраётгани буюк тарих, юксак маънавият ва маърифатга эга бўлган, оилани муқаддас деб биладиган халқимизга асло ярашмайди.

Сўнгги икки йилда аёллар ва болаларга нисбатан оилавий зўравонлик ҳолатлари бўйича 2 мингдан зиёд жиноят аниқланган.

Ҳеч қачон унутмайлик, оилавий зўравонлик – бу фақат оиланинг ички иши эмас, бу – бутун жамиятга тегишли масала. Аёлни ўз муаммоси билан ёлғиз ташлаб қўйишга ҳеч кимнинг ҳаққи йўқ!

Аёллар ва болаларга нисбатан зўравонликнинг олдини олиш бўйича республика мувофиқлаштирувчи кенгаши барча давлат идоралари ва кенг жамоатчиликни сафарбар қилган ҳолда, бундай салбий ҳолатларга барҳам бериш бўйича самарали ишлайдиган тизим яратсин.

Парламентимиз, фуқаролик жамияти институтлари ҳам бу жараёнларда фаол иштирок этса, албатта натижа бўлади.

Такрор ва такрор айтаман. Коррупция – давлат тараққиётига тўсиқ бўладиган, адолат ва қонун устуворлигини издан чиқарадиган, жамиятда ишонч муҳитини заифлаштирадиган энг жиддий таҳдид. Коррупцияга йўл қўйиш эса – ислохотларимизга хиёнатдир. Бу иллатга қарши курашиш бўйича 2026 йилда “фавқулодда ҳолат” эълон қиламиз.

Барча идораларда комплаенс ва коррупцияга қарши ички назоратга масъул ўринбосар лавозими жорий этилади. Ҳисоб палатасининг вакили фаолияти йўлга қўйилади. Ушбу раҳбарлар тизимдаги нопок шахсларни аниқлаш, шунингдек, бюджет маблағи талон-торож бўлиши ва мансабни суиистеъмол қилиш ҳолатларининг олдини олиш бўйича таъсирчан назорат ўрнатади ва Президент олдида ҳисобот беради.

Д Давлатнинг ҳар бир сўм маблағи, ресурси бўйича шахсий жавобгарлик кучайтирилади. “Лавозимим, унвоним бор, менга ҳеч ким тегмайди”, деганлар адашади. Қонун олдида ҳамма тенг! Ички ишлар, прокуратура, солиқ, божхона, молия, банк, йирик давлат компаниялари, вазирлик ва ҳокимликлар, бир сўз билан айтганда, бирорта идора ва ташкилот назоратдан четда қолмайди.

Комплаенс хизматининг фаолиятига тўсқинлик қилганлар – коррупцияга шерик, деб баҳоланади ва жавобгарлик шунга мос ҳолда бўлади.

Президент Администрацияси Комплаенс хизмати бу тизимни 1 январдан бошлаб барча давлат идоралари ва ташкилотларида ишга тушириб, жиловни маҳкам қўлга олсин.

Мансабидан қатъи назар, порахўрлик ва суиистеъмолчилик бўйича ҳар бир ҳолат юзасидан Президент Администрацияси Комплаенс хизмати шахсан менга ахборот киритиб боради.

Ҳурматли мажлис иштирокчилари!

Жаҳонда мураккаб геосиёсий ва иқтисодий муаммолар тобора авж олиб бормоқда. Бундай мураккаб вазиятда барча давлатлар билан тенг ҳуқуқли ва конструктив муносабатларни янада мустаҳкамлаш, вазмин ва оқилона очиқ ташқи сиёсат олиб боришга қаратилган фаолиятимизни давом эттирамиз.

Яқин қўшниларимиз билан кўп асрлик дўстлик, яхши қўшничилик, стратегик шериклик ва ўзаро ишонч руҳидаги алоқаларимизни янада ривожлантиришга устувор аҳамият қаратамиз. Бунда минтақамиз давлатлари ўртасидаги савдо-

иқтисодий, транспорт-логистика, энергетика, сув, экология, хавфсизлик, маданият ва таълим соҳаларида ҳамкорликни янада чуқурлаштирамиз. Афғонистон билан савдо-иқтисодий ҳамкорликни кенгайтириш, уни минтақадаги иқтисодий жараёнларга кенг жалб қилиш асосий мақсадларимиздан бири бўлиб қолади.

Асосий хорижий шерикларимиз ҳисобланган Россия, Хитой, Америка Қўшма Штатлари, Туркия, Германия, Франция, Италия, Буюк Британия, Жанубий Корея, Япония, Саудия Арабистони, Бирлашган Араб Амирликлари, Қатар, Иордания, Кувайт, Ўмон, Ҳиндистон, Покист он ва бошқа давлатлар билан кўп қиррали ва ўзаро манфаатли алоқаларни янада кенгайтириш бундан буён ҳам эътиборимиз марказида бўлади.

Шунингдек, Жануби-Шарқий Осиё, Яқин Шарқ, Африка, Лотин Америкаси мамлакатлари билан янги ва истиқболли йўналишларда манфаатли ҳамкорликни мустақамлаш, Жанубий Кавказ ва Жанубий Осиё мамлакатлари билан муносабатларни кенгайтириш стратегик йўналишларимиздан бири бўлади.

Фурсатдан фойдаланиб, бугунги анжуманимизда қатнашаётган хорижий давлатларнинг муҳтарам элчиларига қарата айтмоқчиман: биз билан алоқаларни кенгайтириб, Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни фаол қўллаб-қувватлаётгани учун мамлакатларингиз ҳукуматларига алоҳида ташаккур билдираман. Нуфузли халқаро ва минтақавий ташкилотлар, иқтисодий институтлар билан яқин ҳамкорликни янги босқичга олиб чиқамиз.

Халқаро валюта жамғармаси, Жаҳон банки, Осиё тараққиёт банки, Ислоҳ тараққиёт банки, Европа тикланиш ва тараққиёт банки, Осиё инфратузилмавий инвестициялар банки ва бошқа етакчи молия институтлари билан ҳамкорликда иқтисодиётимизни технологик модернизация қилиш, инфратузилмани ривожлантириш, барқарор энергетика ва транспорт лойиҳаларини амалга ошириш борасидаги ишларни давом эттирамиз.

Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги, Шанхай ҳамкорлик ташкилоти, Туркий давлатлар ташкилоти, Ислоҳ ҳамкорлик ташкилоти доирасида анъанавий, кенг қамровли шериклик алоқаларини янада кенгайтирамиз.

Бундай улуғвор вазифалар биздан юртимизда тинчлик ва барқарорликни, миллатлар ва динлараро дўстлик ва аҳилликни янада мустақамлаш, Қуролли Кучларимизнинг жанговар салоҳиятини оширишни талаб этади. Бунинг учун биз барча зарур чора-тадбирларни амалга оширамиз.

Азиз ватандошларим!

Бугун сизлар билан 2026 йил ва келгуси беш йил учун катта марраларни белгилаб олдик. Эришилган улкан натижалар, янги устувор вазифалар “Ўзбекистон – 2030” стратегиясини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда.

Юртимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, аҳолимизнинг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилади. Парламент вакилларини ҳам бу жараёнда ўз таклифлари билан фаол иштирок этишга чақираман.

Келгуси йилда маънавият соҳасини янада ривожлантириб, ижтимоий-маданий ҳаётимиздаги



**БУГУН СИЗЛАР БИЛАН 2026 ЙИЛ
ВА КЕЛГУСИ БЕШ ЙИЛ УЧУН
КАТТА МАРРАЛАРНИ БЕЛГИЛАБ
ОЛДИК.
ЭРИШИЛГАН УЛКАН НАТИЖАЛАР,
ЯНГИ УСТУВОР ВАЗИФАЛАР**

“ЎЗБЕКИСТОН – 2030”

стратегиясини қайта кўриб чиқишни тақозо этмоқда. Юртимизнинг келгуси беш йиллик тараққиётига дахлдор бўлган ушбу ҳужжат кенг жамоатчилик муҳокамасидан ўтказилиб, аҳолимизнинг фикр-мулоҳазалари асосида такомиллаштирилади. Парламент вакилларини ҳам бу жараёнда ўз таклифлари билан фаол иштирок этишга чақираман.

муҳим саналарни кенг нишонлаймиз. Жумладан, барча ютуқ ва ғалабаларимизнинг пойдевори бўлган Ватанимиз мустақиллигининг шонли 35 йиллигини катта байрам сифатида ўтказамиз. Шунингдек, Соҳибқирон Амир Темур, Мир Алишер Навоий боболаримизнинг қутлуғ таваллуд айёмларига тайёргарликни ҳозирдан бошлашимиз керак. Бундай улуғ саналарни юксак даражада, ҳар томонлама муносиб ўтказиш учун албатта тегишли қарорларни қабул қиламиз. Уларни амалга оширишда маҳалалар, таълим-тарбия масканлари, меҳнат жамоалари, зиёлиларимиз, хориждаги элчихоналаримиз, умуман, бутун халқимиз фаол иштирок этади, деб ишонаман.

Қадрли ва муҳтарам юртдошлар!
Бугун сизларга, сизлар орқали бутун эл-юртимизга мурожаат қилиб айтмоқчиман: бугун тарихнинг ўзи, ҳаётнинг ўзи зиммамизга буюк бир масъулиятни юкламоқда.

Жонажон Ватанимиз бугун янгича сиёсий-ҳуқуқий, ижтимоий, маънавий муносабатлар асосида яшаб, меҳнат қилаётган, мустақил фикрлайдиган, озод ва эркин инсонлар диёрига айланмоқда.

Ҳаммамизга аёнки, Мирзо Улуғбек бобомиз бундан олти аср муқаддам инсоният учун юлдузлар харитасини яратган эди. Бугун эса биз ҳозирги ва келажак авлодларимиз учун бахтли ҳаётга олиб борадиган йўл харитасини яратишимиз лозим.

Мана шу ҳақиқатни чуқур ҳис этиб, барчамиз бирлашиб ҳаракат қилсак, ҳар қандай юксак маррани забт этишга қодирмиз, бирон-бир куч бизни ўз йўлимиздан қайтара олмайди.

Бир бўлсак, ягона халқ, ягона миллат бўлиб олға интилсак, кўзлаган улкан мақсадларимизга албатта етамиз!

Мен бу йўлда мард ва олижаноб халқимизга ишонаман!

Ўзбекистоннинг беқиёс кучи ва имкониятларига, азиз ёшларимизнинг азму шижоатига ишонаман! Фурсатдан фойдаланиб, эл-юрт манфаати, Ватан тақдирини ўйлаб, муқаддас заминимизнинг асл фарзандлари, фидойи посбонлари бўлиб, ўзини аямасдан, сидқидилдан меҳнат қилаётган сиз, азизларга, бунёдкор халқимизга чин дилдан миннатдорлик билдираман.

Барчангизга мустақам саломатлик, оилавий бахт-саодат, янги йилда улкан ютуқ ва омадлар тилайман.



Ўзбекистон ниҳоят жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини топди, ўз манфаатларини қатъий ҳимоя қиладиган, ғоя ва ташаббуслари халқаро майдонда қўллаб-қувватланадиган давлатга айланди. Бугун Янги Ўзбекистон етакчиси билан дунёнинг энг қудратли кучлари, етакчи давлатлар раҳбарлари ҳам маслаҳатлашяпти, фикрлашяпти.

Ўзбекистоннинг ички ва ташқи сиёсати Марказий Осиё минтақасини ҳам ўзгартирди, дейиш мумкин. Айниқса, Президент Мирзиёевнинг сиёсий иродаси билан узок йиллар рақибга, таъбир жоиз бўлса, ўзаро уруш ёқасигача келиб қолган қўшнилар ўртасида яна биродарлик ришталари тиклангач, дунёда Марказий Осиё мамлакатларига, уларнинг манфаат ва қадриятларига бўлган муносабат ҳам қарашлар ҳам ўзгарди. Буларнинг барчаси шубҳасиз, Янги Ўзбекистон ислохотлари ва Давлатимиз раҳбарининг узокни кўра билишлари туфайлидир. Агар Ўзбекистоннинг мустақиллик даврларига чуқурроқ назар ташласак, жуда катта ресурс ва тарихий имкониятлардан етарлича фойдаланмаганимизни, яъни ўз даражамизда ривожланмаганимизни англаб етамиз. Бугун эса Ўзбекистон чиндан ҳам глобал нуқтаи назардан ўз ўрнини топди: ўз сиёсатиغا, ўз сўзига эга бўлди. Энг асосийси ўз манфаатларини катта давраларда ҳимоя қилиш салоҳияти ва имкониятини қўлга киритди. Бунга АҚШ Президенти Дональд Трамп ташаббуси билан ташкил топган Тинчлик Кенгашида Ўзбекистон раҳбарига муносиб ўрин ажратилгани ҳам мисол бўла олади.

Натижалар эса режаларимизни ҳам ортда қолдирыпти. Хусусан, 2030 йилга бориб ЯИМни 150 миллиард долларга етказмоқчи эдик, аммо 2025 йилдаёқ бу кўрсаткич 148 миллиардга етди. Ёки 2030 йилда сайёҳлар сонини 10 миллионга етказиш жуда катта марра сифатида қабул қилинган эди. 2025 йил якунида Янги Ўзбекистоннинг 11 миллион сайёҳга мезбонлик қилгани маълум бўлди.

Бир сўз билан айтганда, энди Ўзбекистон 5 ёки 10 йил аввалги Ўзбекистон эмас!

Т

Мустақиллик – халқимизни эзгу ғоя ва мақсадлар атрофида жипслаштирадиган, таъбир жоиз бўлса, улар хақида чуқурроқ ўйлашга мажбур этадиган байрамдир. Гарчи байрамларга эзгу тилаклар ярашса-да, истиклол шодиёналари арафасида халқимизнинг мустақилликкача жуда оғир даврни бошдан ўтказганини эсламаслик мумкин эмас. Совет мафқураси таъсиридаги ана шу йилларни ўзликка таҳдид ва ўзликни йўқотишга қаратилган давр деб ҳам аташ мумкин. Бу даврда бир эмас, бир нечта авлод ўзлиги ва ўз қадриятларини рад этиб улғайди. Тўғри, ўтган 34 йил мобайнида собиқ иттифок мафқурасининг оғриқли асоратларидан қутилиш учун жуда кўп ишлар қилинди. Лекин кўриб турибмизки, бу муддат озодликнинг моҳиятини тўла англаш, уни қадрлайдиган жамиятни шакллантириш учун етарли муддат эмас экан.



МУСТАҚИЛЛИК ИККИ ДАВРДАН ИБОРАТ!

Аввал ҳам Мустақиллик даврини иккига бўлиб ўрганиш кераклиги ҳақида гапирганман ва бу қараш ҳам жамиятдаги ўзгаришлар билан боғлиқ. Эътибор беринг: 1991 йили совет давлатининг заифлашиши ва қулаши ортидан Ўзбекистон ҳам ўз давлатчилигини эълон қилди. Ўшанда Биринчи Президент Ислам Каримов бутун куч ва эътиборини қандай қилиб бўлмасин мамлакат яхлитлиги ва тинчлигини сақлаб қолишга қаратгани бежиз эмас эди. Шунинг учун ҳам сиёсий эркинликлар, инсон ҳуқуқларидан тортиб, парламентаризмгача, эзгу ғоялардан тортиб, аниқ мақсадлар атрофида бирлашиш ниятидаги

ҳаракатларгача ана шу МАҚСАД олдида аҳамиятсиз саналган. Ҳатто яхши ниятда илгари сурилган ғоялар, турли қарашларга эргашган кучлар ҳам Ўзбекистонни эркин бир давлат сифатида сақлаб қолиш учун қайсидир маънода хавф туғдирадигандек қабул қилинарди. Шундан бўлса керак, мамлакат раҳбари давлатчиликни сақлаб қолиш мақсадида қаттиққўл сиёсат олиб борди, керак бўлса амалдаги қонунларга ҳам кўз юмилди, кўп ҳолларда эса жамиятнинг ёрқин фикрли вакилларига қулоқ солмаслик ҳам ўша давр сиёсатининг ажралмас талаби бўлди. Ва, ана шундай сиёсат туфайли ҳам собиқ иттифоқ

парчаланишининг энг ғала-ғовурли даврида Ўзбек давлатчилиги сақлаб қолинди. Мустақиллигимизнинг иккинчи, айтиш жоизки, муваффақиятли даври эса бу Янги Ўзбекистон ислохотлари билан боғлиқ. Яъни, ўта оғир синовлардан ўтган халқ бу даврда том маънодаги эркинлик ғоялари асосида Ўзбекистон давлатчилигининг иккинчи омадли даврига қадам қўйди. Бошқача айтганда, дунёда турли низо ва оғриқли зиддиятлар, давлатлар суверенитетига раҳна солишлар авж олган бир пайтда Ўзбекистонга ҳар қандай мураккабликларни олдиндан сезиб, хатарларни ҳал



КЕЙИНГИ
йилларда глобал дунё саҳнасида моддий неъматлар кўпайиб, яшаш шароитлари тобора яхшиланаётганига қарамасдан, урф-одатлардан воз кечиш, оилага, тарихга беписандлик билан қараш, аждодлардан узоғлашиш, бир сўз билан айтганда, қадриятларни унутиш жараёни авж оляпти.

қила оладиган зукко инсон раҳбар бўлиб келди. Бу, шубҳасиз, Худонинг бизни қўллагани ва халқимизнинг омади бўлди!

Биламизки, узоқ йиллар Ўзбекистоннинг биринчи раҳбарига елкадош бўлган, ўта масъулиятли паллаларда Ватани ва халқига ўз садоқатини намоён этган Шавкат Мирзиёев мураккаб давр оғирликлари билан бирга йўл қўйилган хатоларни ич-ичидан билгани учун ҳам ўтиш даврида кўп миллатли халқимизни янгиланиш ва ривожланишлар йўлига олиб чиқа олди ва Янги Ўзбекистон ислохотлари ташаббускорига айланди.

БОШ ҚОМУСИМИЗ

ҲАЁТИЙ ЗАРУРАТ ЭДИ

Шу ўринда жамиятни бирлаштиришга хизмат қиладиган асосий нуқта – сиёсий тизим ўзгаришлари Янги Ўзбекистон ислохотларида асосий ўрин эгаллаганини алоҳида таъкидлаш жоиз. Яъни, миллий парламентаризмни кучайтириш, мамлакатдаги турли сиёсий тўлқинларни халқимиз манфаатига бура олиш, партияларга амалда эркинлик бериш орқали Қонун чиқарувчи олий органнинг соғлом рақобат майдонига айланишига бирламчи эътибор қаратилди. Бунинг натижаси, энг аввало, конституциявий ислохотларда намоён бўлди, дейиш мумкин. Яъни, 80 фоизи батамом янгиланган Бош Қомусимиз шу маънода ҳам Янги Ўзбекистоннинг ҳаётий зарурати эди.

Зеро, ана шу муҳим ҳужжат қабул қилингунга қадар инсон ҳуқуқларига оид тартиб-қоидалар, мавжуд иқтисодий ва сиёсий тизимга бўлган талаблар амалдаги қонунларда бошқа-ю, Конституцияда бошқа эди. Ва, халқ бундай номувофиқликдан қаттиқ азият чекарди. Конституциявий референдум ва конституциявий ўзгаришлар шу маънода ҳам ҳаётий заруратдан келиб чиқиб амалга оширилди. Энг асосийси, Давлат раҳбари томонидан илгари сурилган ушбу ғоя парламентдаги икки йирик партия – ЎзЛиДеП ва «Миллий тикланиш» томонидан ташаббус қилинган, фуқароларимиз томонидан тўла қўллаб-қувватланди.



Биз шуни фахр билан айта оламизки, «Миллий тикланиш» сайъ-ҳаракатлари ҳам Янги Ўзбекистон тарихидаги энг муҳим воқелик – **МИЛЛИЙ КОНСТИТУЦИЯ** яратилишига улкан ҳисса бўлиб қўшилди. Сийёсий соҳадаги ислоҳотлар туфайли парламент ҳам соғлом баҳс-мунозаралар майдонига айланди, энг муҳими қонунларга партия ғояларини сингдириш учун йўл берилди. Яна бир гап: Янги Ўзбекистон ислоҳотлари жараёнида партиямиз қарашларида ҳам, мақсадларида ҳам ўзгаришлар юз берди. Масалан, «Миллий тикланишдан – миллий юксалиш сари» шиорини олайлик. Партия узоқ йиллар ана шу шиорга амал қилди. Аммо Янги Ўзбекистон ислоҳотлари даврида биз «Инсон ўзгарса, жамият ўзгаради» деган янги шиорни танладик: яъни, биз ривожланаётган замонавий дунёда миллий қадриятларимизни асраган ҳолда ўзгариш ва ривожланиш йўлига киришимиз керак, деган ғояни БОШ ҒОЯга

айлантирдик. «Ҳар қандай тараққиёт қадриятларга таяниши керак», деган шиор эса партия чақирғи сифатида янграй бошлади. Маълумки, кейинги йилларда глобал дунё саҳнасида моддий неъматлар кўпайиб, яшаш шароитлари тобора яхшиланаётганига қарамасдан, урф-одатлардан воз кечиш, оилага, тарихга беписандлик билан қараш, аجدодлардан узоқлашиш, бир сўз билан айтганда, қадриятларни унутиш жараёни авж оляпти. Яъни, биз яшаётган асрга келиб одамларни қадриятлар ва эзгу ғояларсиз яшашга кўниктириш ғояси кучайди. Бунинг

замирида эса, шубҳасиз, ўтмишидан узилган авлодни шакллантириш мақсади мужассамдир. Шу боис ҳам, биз ватан ва қадрият тушунчаларининг асл моҳиятини ёшларга тўғри етказа билишимиз, уларнинг ҳаётимиздаги беқиёс ўрнини улар онгига сингдиришимиз керак. Биламизки, инсон асосий кўникмаларига 6-10 ёшигача бўлган даврда эга бўлади. Ва, бу даврда биз тил, миллат, ватан ва аجدодлар каби қадриятларни бекадр қилиб қўйсақ, бола қолган умри давомида қанча тарғибот-ташвиқот қилинмасин, ўз қарашларини ўзгартиролмайди.

Я

Янги Ўзбекистон орзуси бу халқимизнинг мақсад ва орзуларига уйғун бўлиши керак. Хўш, бугун юртдошларимиз асосан нималарни орзу қилишяпти? **Жавоб аниқ: фарзандим бахтли бўлса, болаларимни ўқитсам, уларнинг тўйини кўрсам, ҳузур-ҳаловатига гувоҳ бўлсам...**

Ш

Шунинг учун ҳам шаклланиш давридаёқ болага нима учун ватан, нима учун қадриятлар кераклигини тушунтира олсак, болада она, она Ватан, тил ва миллат ҳақидаги энг асосий кўникмалар ҳосил бўлади. Бундай авлод бошқа миллат ва элатларга тегишли қадриятларни беқадр қилмаган ҳолда, ўз маданияти, тили ва урф-одатларини қадрлай бошлайди. Ҳаёт ҳақиқати инсониятнинг ҳузур-ҳаловатда яшаши учун фақатгина иқтисодий неъматлар етарли эмаслигини ҳам кўрсатиб қўйди. Бунга сўнгги 100 йил ичида иқтисодий жиҳатдан ривожланган дунёдаги ўзгаришлар мисол бўлиши мумкин.

Гарчи, кўплаб ривожланган давлатларнинг иқтисодий имкониятлари яхшиланиб, киши бошига белгиланган даромадлари ошган, жамият фаровон яшай бошлаган бўлса-да, улар ўзлари билиб-билмай қадриятларини бой бериб қўйдилар. Уларнинг кўпчилиги миллий урф-одатларни эскилик сарқити деб қабул қилишди, фарзанд дунёга келтириш, авлодни давом эттиришдан эса иқтисодий жиҳатдан ўзини оқламагани учун воз кеча бошлашди. Яъни, аслида инсонни том маънода бахтли қилиши мумкин бўлган асосий мезонлардан иқтисодий манфаат келтирмайдиган норентабел лойиҳалар сифатида юз ўгиришяпти. Космополитизм ғоясини илгари сураётган айрим кучлар инсон онгидан Ватан ва Ўзлик тушунчаларини ҳам чиқариб юборишга интилаётгани ҳақида ҳар қанча гапирсак оз. Яъни, қорни тўқ бўлса, бас, ўзлари хоҳлаган нарсасига эришдими, шу етади, қолгани иккиламчидир...

Биз эса иқтисодий ривожланишнинг барча йўналишларини қўллаб-қувватлаган ҳолда бундай ривожланиш жамиятга ҳузур-ҳаловат олиб келиши нуқтаи назаридан миллийлигимизни, Ўзлигимизни йўқотмаслигимиз ва тарихни унутмаслигимиз керак, деган фикрни илгари суряпмиз.

ТОМ МАЪНОДАГИ

МУСТАҚИЛЛИК

Янги Ўзбекистон ислохотлари жамиятни уйғотди, барча сиёсий партиялар учун бирдек имкониятлар яратди. Тўғри, биз мустақиллигимизни 1991 йили қўлга киритдик. Аммо Президент Шавкат Мирзиёев томонидан Янги Ўзбекистон ислохотларига старт берилиши билан халқимиз чинакам мустақилликка – ҳам иқтисодий, ҳам сиёсий эркинликка эришди. Тарих ва тақдирлар, муваффақият ва бой берилган имкониятлар ҳақида гап кетганида, Янги Ўзбекистон ислохотлари миллий қадриятларимиз – тилимиз софлиги, урф-одат ва анъаналаримиз барқарорлиги учун кенг имкониятлар яратганини айтиш керак. «Миллий тикланиш»нинг Президентлик сайловларида айнан Шавкат Мирзиёев номзодини қўллаб-қувватлагани ҳам шундан. Бугун биз баралла айта оламиз, Мустақил Ўзбекистон бу Янги Ўзбекистондир. Мустақил Ўзбекистон бу ўз йўлини аниқ билган, мақсади ва ниятларини бутун дунёга баралла эшиттираётган эркин давлатдир. Турли фикрларни илгари сураётган, турли сиёсий кучларни ягона мақсадга бирлаштира олган куч эса бу Ўзбекистонга бўлган муҳаббат, Ватанга бўлган муҳаббатдир. Бугун халқ фаровонлиги учун меҳнат қилиш иштиёқи бизни ягона, яқдил – бир мушт бўлишга ундаяпти. Зеро, Мустақиллик улуғ неъмат ва уни асраш учун буюк халқ ва қудратли давлат зарур.

**БИЗ ОНАНИ,
ВАТАННИ,
МИЛЛАТНИ танламаймиз.**

Бу бизга насиб қилган неъмат.
Бизнинг Ўзбекистонда туғилганимиз шу ер бизнинг
Ватанимиз эканини англатади. Биз онамизни яхши
кўрамиз, ҳурмат қиламиз, эъзозлаймиз.

Лекин биз онани танламаганмиз.
Аллоҳ бизга ана шу муқаддас зотни насиб қилган.
Миллат ҳам худди шундай неъмат. Биз шу миллат
фарзандимиз. Айнан ушбу миллатнинг қадриятлари,
мавжудлик давридаги яхши ва ёмон хусусиятлари эса
бизда давом этади. Яъни, биз унинг бир бўлагимиз.



**Мустақиллик улуғ неъмат
ва уни асраш учун буюк халқ ва
қудратли давлат зарур.**



Мустақилликнинг иккинчи муваффақиятли даври ҳақида гап кетганида бир жумлани ишлатишни яхши кўраман: бу давр чиндан ҳам ҳақиқий мустақиллик даври сифатида тарихга кирди. Яъни, биринчи даврда биз хоҳласак ҳам оёқ кўлимиз боғлаб ташланган давр бўлса, иккинчи – Янги Ўзбекистон ислоҳотлари даври озод Ўзбекистон даврига айланди.

ОНА, ВАТАН ВА МИЛЛАТ ТАНЛАНМАЙДИ!



Минтақавий интеграция ва минтақавий уйғунлик бугун бевосита Шавкат Мирзиёевнинг шахси билан боғланаётгани ҳам бежиз эмас. Таъкидлаш жоиз, кейинги саккиз йилда сиёсий тортишувларга тўғри ечим топа билиш қобилияти, турли даражадаги раҳбарлар билан миллий манфаатимиз ва улар манфаатига ҳам мос келадиган ташаббус ҳамда таклифларни илгарчи суриш, яъни олтин ўрталикни топши хусусияти Марказий Осиё минтақасини ягона мақсад сари бирлаштира олди.

Ўзлик ва миллий қадриятлар мустақиллик йўлини танлаган ҳар қандай давлат учун бирламчи тушунчалардир. Биз онани, ватанни, миллатни танламаймиз. Бу бизга насиб қилган неъмат. Бизнинг Ўзбекистонда туғилганимиз шу ер бизнинг Ватанимиз эканини англатади. Биз онамизни яхши кўраемиз, ҳурмат қилаемиз, эъзозлаймиз. Лекин биз онани танламаганмиз. Аллоҳ бизга ана шу муқаддас зотни насиб қилган. Миллат ҳам худди шундай неъмат. Биз шу миллат фарзандимиз. Айнан ушбу миллатнинг қадриятлари, мавжудлик давридаги яхши ва ёмон хусусиятлари эса бизда давом этади. Яъни, биз унинг бир бўлагимиз. Биз тарбияни кимлардандир ўрганадиган халқ эмасмиз. Бизда тарбиянинг ўзига

хос ўлчов ва мезонлари бор. Тўғри, таълим ва тарбия тизимида жадал ислоҳотлар олиб борилаётганига қарамай, ҳали бу соҳада хатоларимиз бор. Шунинг учун ҳам ўзлик тўғриси билан Ватанни севадиган, Ватанни севиш учун ақл билан, маърифат билан ҳаракат қиладиган, ўз оёғига ўзи болта урмайдиган авлодни шакллантириш Янги Ўзбекистонда бош масалага айланяпти. Бунда эса миллий тилимизнинг ўрни алоҳида. Тўғри, хорижий тилларни ўрганиш, билиш жуда яхши. Лекин биз бугун боғчага, оилага хорижий тилни киритиб бўлдик. Биламизки, тил ортидан маданият кириб келади. Уч ёшли бола бошқа тилда гапирганидан кейин у ўша тил маданиятига мослаша бошлайди.

Х

Хўш, бундай авлодда қаердан ўзлик бўлсин? У табиий равишда ўн беш, йигирма ёшга кирганда ўз тили ва маданиятини билмайдиган, лекин ўзга маданият ва ўзга тилни тўғри деб ҳисоблайдиган субъектга айланиб бўлади. Бу ўзликка бўлган таҳдид эмасми? Шу ҳақда гапирсак буни «миллатчи»ликка йўйиб, бошқа миллатларни камситиш, деб баҳолашяпти. Аслида биз мамлакатимизда яшаётган барча миллатларнинг болалари ҳақида гапиряпмиз. Зеро, ҳар қандай миллат ва элат болалари қадрият сифатида бошланғич таълимни ўз тилларида олсалар, ўз миллатини, маданиятини тезроқ англайдику! Яъни, биз барча миллатларга шундай шароитлар зарурлигини таъкидлаяпмиз. Шу тариқа бошқа миллатларнинг ҳам миллий ўзлигини сақлаб қолиши лозимлигини гапиряпмиз. Лекин бу жараёнда ўзбеклар ҳам бошқа миллатга айланиб кетмаслиги керак. Бугун биз мустақиллигимизнинг 34 йиллиги ҳақидаги гапиряпмиз. Лекин мустақиллигимизни 100 йиллиги ҳақидаги муҳокамалар ҳам бошқа тилларда бўлиши, 100 йиллик мустақиллигимизни бутунлай бошқа мезонлар, миллий қадриятлар асосида ўлчанмаслигини хоҳласак, бунинг нимаси миллатчилик?

Янги Ўзбекистон орзуси бу халқимизнинг мақсад ва орзуларига уйғун бўлиши керак. Хўш, бугун юртдошларимиз асосан нималарни орзу қилишяпти? Жавоб аниқ: фарзандим бахтли бўлса, болаларимни ўқитсам, уларнинг тўйини кўрсам, ҳузур-ҳаловатига гувоҳ бўлсам...

Яъни, фақат мен тинч бўлсам бас, деган талаб халқимиз орзусига бегона, халқимиз жамоавий бахтли бўлиш ҳақида ўйлайди.

Демак, биз биринчи навбатда оила институтини таҳлил қилишимиз керак. Бу юқорида айтганимдек, таълим ва тарбия билан боғлиқ.

Янги Ўзбекистон орзуси

СПИЎСАТ
17 2026/1

Дунёқараш ва онгдаги ўзгаришлар ҳам бу тарбия билан, хусусан, оила институтининг институционал ислохотлари билан боғлиқ бўлган жуда мураккаб, айти пайтда узоқ давом этадиган жараён дир.

Агар ҳаётимиздаги қора нуқтага айланиб бораётган оилавий ажримларнинг туб илдизларига қарасак, бунга арзимас нарсалар сабаб бўлаётганини кўрамиз. Хусусан, бесабрлик.

Демак, биз болаларимизга сингдира олмаяпмиз, шу туйғуни. Оила институтида иқтисодий даромад масаласи ҳам бирламчи масала. Аҳоли жон бошига даромаднинг етарли бўлиши оила мустаҳкамлигини таъминлайди. Мана шу масалаларни чуқур таҳлил қилиб, оила институтидаги муаммоларни бирма-бир, керак бўлса, граммгача ўлчаб, кейин ечишимиз керак.

Назаримда бу масала билан илмий марказлар шуғулланишлари ва ечимлар таклиф қилишлари керак. Яна бир гап: ўзбек оиласи фарзандсиз, ота-она дуосисиз тўла оила бўла олмайди. Буларсиз қурилмоқчи бўлган ҳар қандай орзу эса натижага олиб келмайди. Айти пайтда олдимизда турган иқтисодиётимизни ривожлантириш, киши бошига даромадларни ошириш каби мақсадлар ҳам аслида оила фаровонлигига қаратилган. Булар жамоавий бахт – жамоавий ҳузур-ҳаловатни таъминлаш учундир.

ОМАДЛИ ХАЛҚМИЗ,

ХУДО ҚЎЛЛАГАН МИЛЛАТМИЗ

Бугунги дунёнинг мураккабликларига қарамай, халқимизнинг омади келди – Ўзбекистонни Худо қўллади.

Юқорида айтганимдек, ҳар қандай мураккабликларни олдиндан сеза оладиган ва хатарларни ҳал қилиш учун ўзига хос қобилиятга эга бўлган бир инсон айти пайтда Ўзбекистонга етакчилик қилмоқда.

Тўғри, Ўзбекистоннинг ривожланиши фақат ўзига боғлиқ эмас. Айниқса, сўнгги 10 йилда дунёвий силкиниш ва нотинчликлар кўзиқориндек кўпайдики, ҳатто очикчасига қўлланилаётган босимлар ва дунё харитасида пайдо бўлаётган янги империяпараст давлатларнинг хатти-ҳаракатлари кўплаб масалаларни амалга ошириш имкониятларини чеклай бошлади. Ана шундай бир пайтда глобал иқтисодий ривожланиш тўлқинларидан бегоналаштирилган ёки атайлаб четлаштирилган мамлакатларни ривожланиш йўлига олиб чиқиш, совет мафкураси жароҳатларидан қутқариш, яъни косасини оқартириш учун жуда катта матонат, билим, энг муҳими, миллатпарварлик фазилатига эга инсонлар керак эди. Бугун Ўзбекистонда айнан ана шу жараён кечяпти. Ҳеч кимга сир эмаски, биз мустақилликнинг биринчи даврида қўшни давлатлар билан низоли ҳолатларда эдик.

Мустақилликнинг иккинчи даврида эса аксинча, дўстга айландик. Минтақавий интеграция ва минтақавий уйғунлик бугун бевосита Шавкат Мирзиёевнинг шахси билан боғланаётгани ҳам бежиз эмас. Таъкидлаш жоиз, кейинги саккиз йилда сиёсий тортишувларга тўғри ечим топа билиш қобилияти, турли даражадаги раҳбарлар билан миллий манфаатимиз ва улар манфаатига ҳам мос келадиган ташаббус ҳамда таклифларни илгари суриш, яъни олтин ўрталикни топиш хусусияти Марказий Осиё минтақасини ягона мақсад сари бирлаштира олди. Афсуски, бугун дунёнинг кўплаб етакчиларида ана шу қобилият етишмаяпти. Агар мавжуд инқирозларни таҳлил қилсангиз, кўп ҳолларда субъектив қобилиятсизлик ва сиёсий нўноқлик биринчи ўринда турганини кўрасиз.

Масалан, айти шу нуқтаи-назардан Украина бугунги уруш ҳолатида бўлмаслиги мумкин эди. Иқтисодиёти ривожланган бир давлатнинг Европанинг

ёнгинасида, бунинг устига ривожланган Европа бозорида бўлиши жуда катта имконият эди. Агар Ўзбекистонда шундай имконият бўлганидами, биз бугун ялпи ички маҳсулотни 200 миллиардга етказиш ҳақида эмас, аксинча, каттароқ кўрсаткич ва улканроқ режаларни муҳокама қилаётган бўлардик. Лекин Украинада мувозанатни тўғри топа билиш қобилияти муваффақиятсиз ечилгани учун ҳам бугунги инқироз юз берди. Бунинг замирида эса қарор қабул қилишдаги сиёсий нўноқлик ётибди. Бизнинг бахтимиз шундаки, мустақилликнинг ҳар икки даврида ҳам бизга сиёсий жиҳатдан иродали ва ватани учун фидойи раҳбарлар бош бўлди. Ишончим комил, агар Ўзбекистон мана шундай муваффақиятли бошқарилишда давом этаверса, тез орада глобал шаклланиш жараёнида ўзимизнинг мустақкам ўрнимизга эга бўламиз. Эътибор беринг: бугунги иқтисодий ўсишимиз 7 фоиздан юқори. Ялпи иқтисодий ўсиш ҳам муттасил давом этяпти. Киши бошига даромадни эса 5000 долларга етказиш мақсадимиз. Ҳозир бу кўрсаткич 3000 доллардан ошди. Энг муҳими, бу кўрсаткичлар илгаригидек ўйлаб топилган маълумотлар билан безатилмаган. Чунки бу рақамлар халқаро эътироф этилган мезонлар асосида ўлчанапти. Яъни, Ўзбекистонда ҳам борни бор, йўқни йўқ, дейдиган тизим ишляпти. Такрор айтаман: Бугун биз мустақилликнинг 34 йиллигини муҳокама қиляпмиз. Ишончим комил, агар давлатимиз мана шундай мувозанат, маърифат, мана шундай стратегик қараш билан бошқарилса, мустақиллигимизнинг 100 йиллигини дунёнинг ривожланган давлатлари қаторида туриб нишонлаймиз. Бу жараёнда эса ҳаётимиз энгил ёки оғир, даромадимиз кўп ёки кам бўлишидан қатъий назар шу юртни, шу ватанимизни қадрлашимиз, авайлаб-асрашимиз керак. Бунда ҳалоллик билан, қонунга зид иш тутмаган ҳолда даромадимизни кўпайтиришимиз керак. Зеро, даромад кўпайса, солиқларимиз ортади. Солиқларимиз кўпайганидан кейин, албатта, мамлакатимиз қудратли бўлади. Хўш, мамлакат кимнинг ҳисобига қудратли бўлади? Фақатгина ватанпарвар фуқаролари ҳисобига! Ўзбекистонимиз қудратли бўлса, у ривожланади ва бутун дунёда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш имконига эга бўлади.

ХУЛОСА

Назаримда, бундай байрамлар арафасида фақат бир-биримизни табриклаш эмас, чуқур масъулиятли масалаларни ҳам муҳокама қилиш керак. Байрам билан табриклаш яхши, албатта. Лекин ҳеч қачон Ватан олдидаги масъулиятни унутмаслигимиз лозим.



СИЁСАТ

Президентимизнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган тарихий Мурожаатномаси яна бир карра миллий иқтисодий сиёсат тўғри йўлда эканини кўрсатди...



Иқтисодий сиёсат, хусусан, солиқ-бюджет тизимидаги ишларни тахминларга эмас, балки аниқ ҳисоб-китобларга таянган ҳолда олиб бориш, яъни мувозанатли фискал сиёсатини амалга оширишда Президентимиз Шавкат Мирзиёев томонидан белгилаб берилган устивор йўналишлар қўтилмаган ҳолатларнинг олдини олишга имкон беряпти.

XXI асрнинг тобора чуқурлашиб бораётган беқарорликлари, айниқса, соат сайин мураккаблашиб бораётган геосиёсий вазиятда иқтисодий ўсишни таъминлаш қудратли давлатлар учун ҳам жиддий қийинчиликлар туғдирмоқда. Бу айти пайтда ниҳоятда тез ўзгарувчан жараёнларни ҳисобга олган ҳолда давлатнинг молиявий соғломлигини сақлаш, стратегик мақсадга йўналтирилган лойиҳаларни ўз вақтида маблағ билан таъминлаш ҳамда юзага келиши мумкин бўлган хавф-хатарларни олдини олиш чораларини изчил таҳлил қилиб боришни ҳам тақозо этади.

Давлат хазинасидан ҳашаматли лойиҳаларга кўп пул сарфланиши натижасида ташқи таҳдидларга нисбатан салтанатнинг ҳимоя қудрати заифлашди, моддий ресурслар масаласида ҳам муаммолар юзага кела бошлади. Маълумки, XVI асрда Шайбонийхонлар ҳарбий юришларда йирик ғалабаларга эришдилар. Шундан кейин асосий эътибор ҳарбий салоҳиятни янада оширишга қаратилди. Аммо қишлоқ ҳўжалиги ва ҳунармандчиликка эътиборсизлик қилинди. Солиқларнинг муттасил оширилиши аҳоли даромадини камайтирди. Қарвонлар ва савдо йўллари хавфсизлигининг йўқолиб бориши ортидан иқтисодий фаоллик сусайди. Гарчи бундай сиёсат қисқа муддатда салтанат таъсир доирасини ҳарбий юришлар билан кенгайтириш имконини берди, аммо иқтисодий заифликни келтириб чиқарди. Аштархонийлар даврида эса ички барқарорликни тиклаш, шаҳарларда ободончилик, диний ва маърифий муассасаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган сиёсат олиб борилди. Бироқ бу пайтда ҳарбий қудратни тиклаш ва замонавий қуруланиш учун имконият етарли эмасди. Қуруқлик орқали савдо қилиш денгиз орқали маҳсулотларни етказишга нисбатан қиммат бўлгани учун ғазнага тушадиган даромад камаё борди. Ички сиёсий низолар эса ресурсларнинг талон-тарож бўлишига олиб келди. Натижада ташқи таҳдидларга қарши туриш имконсиз бўлиб қолди. Тўғри, XVIII–XIX асрларга келиб – Манғитлар ҳукмронлиги даврида армияни қайта тиклашга уринишлар бўлди. Лекин ирригация ва қишлоқ инфратузилмасига етарли

сармоя киритилмаганидан деҳқончилик заифлашди. Бу даврда Бухоро нафақат салтанат пойтахти, шунингдек, исломий таълим маркази ҳам эди. Аммо пойтахтнинг кучи ва салоҳияти ҳам ҳунармандчиликни ривожлантириш, саноатлаштирилган ишлаб чиқаришни ташкил этиш (ўша даврда европа давлатларида саноат революцияси бошланган эди), тадбиркорлик муҳитини яратиш учун етарли бўлмади. Манғитлар ҳукмронлиги даврида гарчи диний таълим ва исломий маданият юксалган бўлса-да, аммо иқтисодий ва ҳарбий салоҳиятнинг юксалиши кузатилмади. Шу ва бошқа омиллар охир-оқибат сиёсий ва иқтисодий мустақилликнинг бой берилишига олиб келди. Бир сўз билан айтганда, давлат барқарорлигига таъсир этувчи асосий омиллар – солиқ тизими, даромад манбалари, инфратузилма, муҳофаа қудрати, ички сиёсий институтлар ва бошқа омиллардан бири ёки бир нечтаси эътибордан четда қолса, мамлакат равнақини таъминлашда мувозанат бузилади. Бошқача айтганда, тарихда ҳам муҳофаа, иқтисод ва халқ фаровонлиги ўртасида молиявий ресурслар оқилона тақсимланмай туриб, биронта давлат барқарор ривожланмаган.

Албатта, бундай ҳолатларда қайси воситани қандай ва қай даражада ишга солиш «бошқарувчи»дан катта масъулият, тажриба ҳамда маҳорат талаб қилади. Шу ўринда Уинстон Черчиллнинг – «Давлат молиясини бошқариш – илм эмас, балки санъатдир», деган гапини эслаш ўринлидир.



Янги Ўзбекистоннинг Янги тарихи ҳам миллий иқтисодиётда юзага келган оғир вазиятдан чиқишда айнан ана шундай воситалардан самарали фойдаланилганини кўрсатмоқда. Гарчи, 2016 йили Ўзбекистоннинг бозор иқтисодиётига ўтганига чорак асрдан ошган бўлса-да, таркибий ўзгаришлар кўп жиҳатдан марказлаштирилган режалаштириш тизимига яқин эди. Хусусий секторнинг иқтисодиётдаги ўрни расмий статистикада муттасил ортиб борган бўлса-да, амалда давлатнинг иқтисодиётдаги иштироки юқори даражада сақланиб қолганди. Бундай шароитда хомашё экспортдан ташқари бошқа соҳалар ички бозорга йўналтирилган, рақобат муҳити эса минимал даражага туширилганди. Энг ёмони, аҳоли бандлигини таъминлаш ва инсон капиталини ривожлантиришга эътибор кам бўлгани учун меҳнатга яроқли аҳоли четга иш излаб кетишга мажбур бўларди. Давлат бюджети ижросида шаффоflikнинг йўқлиги ва назорат механизми самарали ишлатилмаганлиги сабаб давлат харажатларининг катта қисми бюджетдан ташқари жамғармалар



ҳамда ҳисоб рақамлар орқали амалга ошириларди. Халқаро Валюта Жамғармаси таҳлилларига кўра, 2016 йили бюджет ҳисоботларида акс этмаган давлат харажатларининг умумий ҳажми ЯИМнинг тахминан 3 фоизига тенг бўлган. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар сони эса 40 дан ортиқ, энг ёмони бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлар 20–30 мингтани ташкил этгани ҳам бюджет харажатларини тўла назорат қилиш имконини бермасди. Харажатларнинг натижага йўналтирилгани устидан мониторинг тизими заифлиги натижасида эса самарасиз бюджет харажатларига йўл қўйилар, харажатларнинг катта қисми саноат тармоқлари ва инфратузилмани ривожлантиришга йўналтирилган бир пайтда ижтимоий соҳалар, хусусан илм-фанни ривожлантиришга етарли эътибор берилмас, яъни, бу соҳаларга сарф харажатлар чекланар эди. Фискал мувозанатни сақлаш воситаларидан бири – бюджет камомати эса «сунъий» тарзда паст даражада ушлаб келинади. Тўғри, айрим йилларда профицитга эришилгани қайд этилар, лекин бундай натижаларга харажатларни йил охирига бориб қисқартириш ёки молиявий йил якунигача амалга оширмаслик орқали эришилишини соҳа мутахассислари яхши билишарди. Кенг миқёсда солиқ имтиёзлари ва преференциялар берилгани ҳам бюджет барқарорлигига салбий таъсир кўрсатганини таъкидлаш жоиз. Таажубланарлиси, бундай имтиёзлар самарадорлиги ва уларнинг натижадорлиги хусусий секторнинг молиявий



ҳолатига, инвестициявий салоҳиятига ҳамда реал иш ўринларининг яратилишига таъсири нуқтаи назаридан ҳам ўрганилмас эди. Ўшанда бюджет-солиқ сиёсатида қоида ва ставкаларнинг тез-тез ўзгартирилиши хусусий сектор учун ўрта ва узоқ муддатга белгиланган иш режасини (стратегиясини) тузишни қийинлаштирар, солиқ турлари бўйича ставкалар юқорилиги ҳамда норасмий тарзда ундириладиган мажбурий тўловлар ва йиғинлар тадбиркорлик субъектлари учун «расмий ва норасмий» солиқ юкининг ошиб кетишига олиб келарди. Натижада кўплаб тадбиркорлик субъектлари ўз фаолиятини тўхтатар ёки яширин тарзда давом эттиришга мажбур бўларди. Мувозанатли фискал сиёсат нуқтаи назаридан қарайдиган бўлсак, мамлакатимизда узоқ вақт бюджет камомадини камайтириш ёки профицитга эришиш устивор мақсад бўлганини кўраимиз. Давлат сиёсатида асосий мақсад доимий равишда бюджет камомадини паст даражада сақлаш эмас, балки иқтисодий барқарорликка эришиш бўлиши кераклиги халқро амалиётда қоида сифатида тан олинганига қарамасдан, иқтисодий циклга (ўсиш, пасайиш, рецессия каби ҳолатлар) мос равишда бюджет сиёсатини белгилашга иккинчи даражали вазифа сифатида қараб келинган. Шундай қилиб, яқин ўтмишимизда мувозанатли фискал сиёсат ғояси қоғозда қолиб, амалда харажатларни бюджет ҳисоботида тўлиқ акс эттирмаслик ҳамда «сунъий» равишда профицитга эришиш каби самарасиз воситалардан фойдаланганимизни, қанчалик аччиқ бўлмасин, тан олишимиз керак.



Халқро Валюта Жамғармаси таҳлилларига кўра, 2016 йили бюджет ҳисоботларида акс этмаган давлат харажатларининг умумий ҳажми ЯИМнинг тахминан 3 фоизига тенг бўлган. Бюджетдан ташқари мақсадли жамғармалар сонини эса 40 дан ортиқ, энг ёмони, бюджетдан ташқари ҳисоб рақамлар 20–30 мингтани ташкил этгани ҳам бюджет харажатларини тўла назорат қилиши имконини бермасди.



Юқоридаги ҳолатлар бошқа соҳа ва тизимлар қатори зудлик билан солиқ-бюджет сиёсатида ҳам жиддий ислоҳотларни амалга оширишни талаб қиларди. Шунинг учун ҳам 2019 йили янги Солиқ кодекси қабул қилинди. Унга кўра, 2019 йили солиқлар сони 13 тадан 9 тага камайтирилди, ер (мулк) солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5% фоизгача туширилди, ҚҚС 20 фоиздан дастлаб 15 фоиз, кейинчалик 12 фоизгача пасайтирилди. Иш ҳақиға нисбатан даромад солиғининг юки эса қарийб 2 баробарга камайди. Президент ташаббуси билан амалга оширилган ва айтиш жоизки, чуқур ўйланган бундай тадбирлар солиқ юкини қисқартирган ҳолда мамлакатда аянчли ҳолатга келиб қолган тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодий эркинлаштириш борасидаги дастлабки қадамлар эди. Бундан ташқари, иқтисодий жонлантириш, иқтисодий ўсишга «туртки» бериш мақсадида давлат қўшимча харажатлар қилишга мажбур бўлди. Ушбу харажатларнинг бир қисмини ички маблағларимиз етарли бўлмагани боис давлат ташқи қарз ҳисобига амалга оширганини ҳам таъкидлаш лозим.



2019 йили солиқлар сони 13 тадан 9 тага камайтирилди, ер (мулк) солиғи ставкаси 5 фоиздан 1,5% фоизгача туширилди, ҚҚС 20 фоиздан дастлаб 15 фоиз, кейинчалик 12 фоизгача пасайтирилди. Иш ҳақиға нисбатан даромад солиғининг юки эса қарийб 2 баробарга камайди. Президент ташаббуси билан амалга оширилган ва, айтиш жоизки, чуқур ўйланган бундай тадбирлар солиқ юкини қисқартирган ҳолда мамлакатда аянчли ҳолатга келиб қолган тадбиркорлик муҳитини яхшилаш ва иқтисодий эркинлаштириш борасидаги дастлабки қадамлар эди.

Албатта, бундай кескин ўзгаришлар учун қатъият ва жуда катта сиёсий ирода талаб этиларди. Зеро, ўшанда солиқ ставкаларининг бу даражада кескин пасайтирилиши эртага давлат газнасининг бўшаб қолишига олиб келмайдими, дея хавотир билан фикр билдирган мутахассислар ҳам кам эмасди. Халқимизда «чумчуқдан қўрққан дон экмайди», деган мақол бор. Шу тарзда иш кўрилганида эса ҳозирги аҳволимиз не кечини тасаввур ҳам қилиш қийин эди... Бир сўз билан айтганда, ўша пайтларда рақамлар чиройли кўрингани билан иқтисодий эркинлаштиришнинг «дарди ичида» эди. Аммо қувонарли томони шунда эдики,

қисқа муддатда амалга оширилган солиқ ислоҳоти: солиқларни соддалаштириш, солиқ маъмурчилигини такомиллаштириш, иш ҳақиға нисбатан солиқларни камайтириш ва қўшимча қиймат солиғи (ҚҚС) нормасини эмас, базасини кенгайтиришга йўналтирилган ислоҳотлар кўп ўтмай натижа бера бошлади. Шундан кейин тадбиркорларнинг ишончи ва фаоллиги ошиб, солиқ тушумларининг ўсиши кузатила бошлади. Энг асосийси, бюджетга тушган солиқ даромадлари тўрт баробарга кўпайиб, ҚҚС тўловчилар сони 6 мингдан 152 мингга етди. Қисқа вақт ичида солиқ тизими рақамлаштирила бошлади. Мобил иловада FaceID хизмати орқали фойдаланувчилар аутентификацияси йўлга қўйилиб,

«Davron» сунъий интеллектли – виртуал ёрдамчи ишга туширилди. Бундан ташқари, солиқ текширувларига бир неча маротаба мораторий эълон қилиниб, риск ҳолатларини таҳлил қилиш ва баҳолашнинг электрон тизими яратилди.

Шу тариқа 2017 йилдан бошлаб миллий бюджетда ошкораликка эътибор кучайди. Давлат харажатларини халққа соддалаштириб тушунтирадиган «Фуқаролар учун бюджет» портали ишга тушди. Энг яхши томони – бюджет параметрлари ўрта муддатли макроиқтисодий прогнозлар билан биргаликда очиқ эълон қилина бошланди. 2020 йилдан бошлаб эса анъанавий тартибда Президент қарори

қонун билан белгиланиши талаб этилади.

Янги Ўзбекистонда бюджет барқарорлигига эришиш учун фискал интизомни мустаҳкамлаш борасида ҳам тизимли ишлар амалга оширилди. Хусусан, 2023–2024 йилларда солиқ тушумлари ўсиши давом этгани ҳолда харажатлар қайта кўриб чиқилиб, самарасиз деб топилганлари муқобиллаштирилди. Натижада (Халқаро Валюта жамғармаси маълумотларига кўра) консолидациялашган бюджет тақчиллиги 2023 йилда ЯИМнинг 3.9 фоизини ташкил қилган бўлса, 2024 йилда 3.2 фоиз миқдоридан бўлди. Шу ўринда бюджет барқарорлигини таъминлаш мақсадида давлат қарзи

Ўшанда солиқ ставкаларининг бу даражада кескин пасайтирилиши эртага давлат ғазнасининг бўшаб қолишига олиб келмайдими, дея хавотир билан фикр билдирган мутахассислар ҳам кам эмасди.

билан тасдиқланадиган Давлат бюджетини Олий Мажлис палаталари томонидан қонун сифатида қабул қилиш амалиёти йўлга қўйилди. Бу эса нафақат фуқароларнинг Ҳукуматга бўлган ишончини ошириш, шунингдек, уларни бюджет жараёнига жалб этиш ва ижросини назорат қилишларига ҳам имкон яратди.

Бюджетдан ташқари маблағларнинг айланиши ва харажатлар амалга оширилишига чек қўйиш мақсадида эса бюджетдан ташқари жамғармалар бюджетлари консолидациялашган бюджет таркибига киритилди. Айни пайтда ҳар қандай фуқаро ҳукуматнинг «Очиқ бюджет» порталида бюджетнинг асосий параметрлари, даромад ва харажатлар таркибини бемалол кузатиб бориши мумкин. Ушбу порталда аҳолига ўз таклифини билдириши ва маҳаллий бюджет лойиҳаларига овоз бериш имконияти ҳам яратилган. Бунда фуқаролар ҳатто ўз маҳалласи эҳтиёжларига кўра, лойиҳалар таклиф қилиб, маблағ ажратиш жараёнида ҳам иштирок этишлари мумкин.

Халқаро тажрибадан маълумки, мувозанатли фискал сиёсат олиб бориш учун солиқ–бюджет сиёсатининг ўрта муддатли мақсадларини ўзида акс эттирувчи фискал стратегия ишлаб чиқилиши керак. Ушбу стратегия доирасида фискал сиёсатни тизимли равишда олиб бориш учун энг аввало, бюджет тақчиллиги, давлатнинг қарз миқдори ва бошқа фискал қоидалар

ва фискал сиёсат юзасидан янгича институционал чоралар жорий этилганини таъкидлаш жоиз. Хусусан, «Давлат қарзи тўғрисида»ги қонун қабул қилиниб, унга кўра, давлат қарзини бошқариш стратегияси ўрта муддатли фискал стратегияда акс эттирилиши белгилаб қўйилди. Шу тариқа, давлатнинг қарз олиш тартиби такомиллаштирилиб, уни самарали бошқариш механизмлари жорий этилди. Айтиш жоизки, ҳозир Ўзбекистоннинг давлат қарзи нисбатан барқарор даражада бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 34.4 фоизни ташкил этади. Бу мўътадил ва айни пайтда минтақада нисбатан паст кўрсаткич ҳисобланади. Шу билан бирга, давлат ички қарз манбааларини топиш ва ташқи қарз билан боғлиқ рискларни қисқартириш мақсадида ички қимматли қоғозлар бозорини ривожлантириш борасида ҳам тизимли ишларни олиб бормоқда.

Бундай чоралар давлатнинг халқ олдидаги ижтимоий мажбуриятларини ўз вақтида амалга ошириш имконини беради, албатта. Агар 2017 йили фақат 500 минг оила ижтимоий ёрдам олган бўлса, ҳозирда бу кўрсаткич 2 млн.га етди, бунга йўналтираётган маблағ эса 7 баробарга кўпайиб, 2024 йилда 17 трлн сўмни ташкил этди. Бу ўз навбатида минимал истеъмол миқдоридан паст бўлмаган даражасида нафақа ва ижтимоий тўловларни амалга ошириш имконини берганини айтиш жоиз.



Ҳозир Ўзбекистоннинг давлат қарзи нисбатан барқарор даражада бўлиб, ялпи ички маҳсулотнинг тахминан 34.4 фоизни ташкил этади. Бу мўътадил ва айти пайтда минтақада нисбатан паст кўрсаткич ҳисобланади.

Шу ўринда жорий йилдан бошлаб давлат бюджетидан таълим ва соғлиқни сақлашга маблағ ажратиш масаласига ўзига хос тарзда ёндашилаётганини таъкидлаш жоиз. Масалан, бу йил Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги учун ажратилган маблағ 60 трлн сўмни ташкил этди.

Ёдингизда бўлса, «COVID-19» пандемияси пайтида ҳатто айрим ривожланган давлатлар ҳам тўғри қарор қабул қилишда иккиланиб қолгандилар. Шундай бир пайтда Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан аҳоли ва бизнесни қўллаб-қувватлаш мақсадида фискал воситалардан самарали фойдаланилган эди. Ўшанда Солиқ-бюджет сиёсатида ҳам бир қатор муҳим ўзгаришлар амалга оширилди. Хусусан, солиқ ва божхона тўловлари бўйича имтиёзлар жорий этилиб, жарима санкцияларини қўлламаслик тўғрисида қарор қабул қилинди. Аҳолига эса ижтимоий ёрдам сифатида қўшимча харажатлар йўналтирилган, соғлиқни сақлаш тизимига падемия оқибатларини бартараф этиш учун янги ускуналар, санитария-гигиена воситалари ҳамда дори-дармонлар харид қилинган эди. Ўшанда Ўзбекистон пандемия оқибатларини энг самарали бартараф этган давлатлар қаторидан ўрин олганди.

Аҳолини қўллаб-қувватлаш сиёсати 2023 йилда янада кучайтирилди. Айнан шу йили «Маҳалла бюджети» тизими йўлга қўйилди. Мулк ва ер солиғи тушумларининг бир қисми маҳаллада қолдирилиши ҳамда ушбу маблағларни ижтимоий-иқтисодий лойиҳаларни молиялаштиришга йўналтирила бошлангани аҳоли турмуш шароитини яхшилашга хизмат қила бошлади.

Шу ўринда ҳақли бир савол туғилади: Хўш, фискал сиёсат мамлакатимизда бошқача сценарий асосида ҳам амалга оширилиши мумкинмиди?

Ҳа, албатта. Бюджет тақчиллиги юзага келганда, ҳукумат камомадни камайтириш учун фискал чораларни кучайтириши, масалан, солиқларни ошириб, харажатларни қисқартириши мумкин эди. Ёки ҳукумат юқори инфляцияга йўл қўймаслик учун талабни камайтириш ва нархларни барқарорлаштириш учун харажатларни камайтириши ёхуд солиқларни ошириши мумкин эди.

Лекин, Давлатимиз раҳбарининг узоқни кўзлаган сиёсати билан бундай фискал воситалардан кўр-кўрона фойдаланишдек, яъни, аҳоли ва тадбиркорлар учун муаммо туғдириши мумкин бўлган йўлдан борилмади. Соддароқ айтганда, ҳукумат Халқ «гардани»га оғир юк бўлиб тушадиган фискал воситалардан тийилиб, оқилona тарзда мувозанатли фискал сиёсат олиб борди, бюджет очиқлигининг таъминланиши, ижтимоий ва инвестиция харажатларининг мақсадли ишлатилиши ва натижадорлигига жиддий эътибор қаратди. Натижада иқтисодиёт барқарор ўсиш даражасига



Турли соҳа ва тармоқлар, маҳаллий ва халқаро тадқиқот-таҳлилий марказлари, илмий-фундаментал институтлар ва олий ўқув юртлари каби интеллектуал салоҳиятли ташкилотлар томонидан ишлаб чиқилган назарий, статистик, норматив-ҳуқуқий, институционал, таҳлилий, илмий-амалий аҳамиятга молик маълумотлар тўплами ҳамда фактологик материаллардан иборат миллий медиамиз учун сув ва ҳаводек зарур - асосланган манбалар базаси яратилади.

кўтарилиб, тадбиркорлик муҳити яхшиланди. Энг асосийси, аҳолининг реал турмуш даражаси ошди.

Яъни, Амир Темур даврида қўлланилган халқона сиёсат Янги Ўзбекистонда ҳам ўзига хос тарзда ривожлантирилди.

Ана шундай тизимли ўзгаришлар даврида иқтисодий ислохотларни тизимли давом эттириш учун солиқ-бюджет сиёсатининг қонуний асослари ҳам такомиллаштирилмоқда.

Буни, айниқса, Янги таҳрирдаги Конституцияга Давлат бюджети ижроси устидан парламент назоратига оид бир қанча муҳим ўзгариш ва қўшимчалар киритилганида ҳам кўриш мумкин. Хусусан, Конституциянинг 94-моддасига кўра, Ўзбекистон Республикаси Давлат бюджетининг ижро этилиши устидан назоратни амалга ошириш эндиликда Олий Мажлис Қонунчилик палатасининг мутлақ ваколатига киритилди. Шу билан бирга молиявий ресурсларни тақсимлаш ҳамда ушбу ресурслардан самарали фойдаланишда праламент зиммасидаги масъулият ҳам оширилди.

Тан олиш керак, иқтисодий ўсишни рағбатлантириш, солиқ ва молия тизимини тартибга солиш, тадбиркорлик учун мавжуд шарт-шароитларни яхшилаш, иш ўринларини кўпайтириш, аҳолини ижтимоий ҳимоя қилиш ва қўллаб-қувватлаш, таълим, соғлиқни сақлаш, пенсия ҳамда бошқа ижтимоий дастурларни амалга оширишда парламентнинг назорат-таҳлил салоҳияти кейинги йилларда сезиларли даражада ошди. Хусусан, Парламент қуйи палатасида давлат бюджети даромадлари прогнози бажарилишининг ҳар чораклик ҳисоботларини эшитиш, давлат бюджети даромадларига салбий таъсир кўрсатган ҳолатлар ва омиллар бўйича мутасадди вазирлик ва идоралар масъулларини эшитиш амалиёти жорий қилинди. Шунингдек мутахассис ҳамда экспертларнинг бу борадаги фикр ва хулосалари ҳам доимий тарзда ўрганилмоқда. Бундан ташқари, депутатлар самарасиз боғхона ва солиқ имтиёзларини камайтириш, шунингдек, давлат активларини сотиш масалаларига ҳам алоҳида эътибор қаратмоқдалар.

Жорий йилдан бошлаб эса барча сиёсий партиялар фракциялари ва Қўмиталарда бюджет ижросини дастлабки тарзда кўриб чиқиш амалиёти йўлга қўйилди. Аввалги ҳисоботлардан фарқли равишда, эндиликда бюджет ижроси ижтимоий ишлаб чиқариш инфратузилмасини ривожлантириш дастурининг ижро ҳолати билан биргаликда кўриб чиқилляпти. Бундан ташқари, Бюджет ва иқтисодий масалалар Қўмитаси йиғилишларида ҳисобот билан бирга ҳар йили Давлат бюджетидан ажратиладиган субсидиялардан мақсадли ва самарали фойдаланиш юзасидан Иқтисодиёт ва молия вазирлигининг ахбороти ҳам эшитилаяпти.

Шу ўринда Давлатимиз раҳбари томонидан Коррупцияга қарши курашиш Миллий Кенгаши йиғилишида белгилаб берилган устувор вазифалар фискал соҳада ҳам янги даврни – коррупция иллатига мутлақо муросасиз даврни бошлаб берди, десам муболаға бўлмайди. Шундан келиб чиқиб, Парламент қўйи палатасининг Бюджет ва иқтисодий масалалар қўмитаси ҳам ўз фаолиятини тубдан қайта кўриб чиқди. Президент томонидан имзоланган 71-сонли Фармон ижроси бўйича махсус «Йўл харитаси» қабул қилиниб, Фармонда белгилаб берилган вазифалар бўйича ҳар бир ҳолатни қуйида – жойларда ўрганиш амалиёти жорий этилди.

Дастлабки ўрганишлар бюджетдан энг кўп маблағ олувчи соҳалар кесимида – мактабгача ва мактаб таълими, сув хўжалиги ва соғлиқни сақлаш вазирликларида олиб борилиб, асосий эътибор бюджетдан ташқари жамғармалардаги маблағлардан мақсадли ва самарали фойдаланиш, давлат харидлари ва манфаатлар тўқнашувига оид қонунчиликка амал қилиш ҳолатларига қаратилди.

Шу ўринда Президентимизнинг «Қайси раҳбар рақамлаштиришни кечиктирса, очиқлик сиёсатимизга қарши чиққан бўлади» деган гаплари ўрганишлар даврида яна бир бор ўз тасдиғини топганини айтиш жоиз.

Яъни, Рақамлаштириш орқали коррупция ва бюрократиянинг

олдини олиш ҳамда аҳолининг кўплаб муаммоларини ечишга хизмат қилишига ўзимиз ҳам бир неча бор гувоҳ бўлдик.

Қўмита аъзолари томонидан тижорат банкларида коррупциявий омилларни бартараф этишга доир ўрганишлар олиб борилганида эса аҳоли ва юридик шахсларга имтиёзли кредит ажратишда инсон омилини чеклаш ва соҳани рақамлаштириш жараёнини жадаллаштириш юзасидан мавжуд имкониятлар тўлиқ ишга солинмагани аниқланиб, бу бўйича ҳам таклифлар ишлаб чиқилди.

Хусусан, Марказий банк томонидан имтиёзли кредитларга оид маълумотлар базасини ўз ичига олган, барча тижорат банклари учун ягона электрон платформа жорий этиш ва имтиёзли кредитларни ажратишнинг барча босқичларини ушбу платформа орқали амалга оширилишини белгилаш ҳам мижоз, ҳам банк манфаатларига мос эканини кўрсатиб турибди. Худди шундай ўрганишлар Солиқ қўмитаси, Кадастр агентлиги ва Давлат активлари агентлигида ҳам олиб борилиб, коррупция ҳолатлари ва бюрократик тўсиқларни бартараф этиш бўйича таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқилди.

Бундан ташқари, Қўмитамиз Маҳаллий кенгашлар билан биргаликда ер солиғи ва ижара тўловлари учун белгиланган ставкаларга оширувчи ёки пасайтирувчи коэффициентларни белгилаш юзасидан ўрганишлар ўтказди. Натижалар бўйича барча ҳудудларда маҳаллий кенгаш депутатлари иштирокида ўқув семинарлари ташкил этдик. Ушбу тадбирлар якуни бўйича эса амалдаги тартибни такомиллаштириш юзасидан қонунчиликка ўзгартишлар киритишни назарда тутувчи таклифлар тайёрланди. Хусусан, қишлоқ хўжалиги учун мўлжалланмаган ерларга солиқ ставкалари учун камайтирувчи ёки оширувчи коэффициентларни ҳар бир даҳа, мавзе, маҳалла ва кўчалар кесимида қўллашда аниқ мезонларни ишлаб чиқиш, коэффициентлар белгилашда тадбиркорлик субъектларига солиқ юқини асоссиз оширишнинг олдини олиш, инфратузилмаси етарли даражада ривожланмаган, сув танқислиги туфайли ҳосилдорлиги паст бўлган, тадбиркорлик салоҳияти суст ёки сармоя етишмаётган ҳудудлар учун эса имтиёзли коэффициентлар қўллаш таклифлари берилди.

Айни пайтда Қўмита томонидан танлов асосида вилоят ва туман (шаҳар)ларда маҳаллий бюджетларнинг шаклланиши, маблағлар сарфланишида коррупцияга имкон берувчи сабаблар ҳамда маҳаллий Кенгаш депутатларининг бу борадаги назорат ишларининг натижадорлиги бўйича ҳам ўрганишлар олиб борилмоқда. Ишончим комилки, ушбу назорат механизмларини такомиллаштириб, тизимли тарзда йўлга қўйиш Давлат бюджети даромадларини кўпайтириш, харажатларни мақбуллаштириш, мавжуд захира ва имкониятлардан самарали фойдаланиш, энг асосийси бюджет интизомини кучайтиришга хизмат қилади.

Кўриниб турганидек, мувозанатли фискал сиёсат – бюджет барқарорлиги, ижтимоий ҳимоя ва иқтисодий ўсишни ўзаро уйғун таъминлашнинг асосий восита ва механизмларини ўзида мужассам этади. «Ўзбекистон-2030» стратегиясида Давлатимиз раҳбари томонидан мувозанатли фискал сиёсат олиб боришнинг узоқ ва яқин ўтмишимизда кузатилмаган концепцияси тақдим этилгани салмоқли натижалар учун мустаҳкам замин бўлди. Унда макроиқтисодий барқарорликни таъминлаш, давлат бюджетининг ижтимоий йўналтирилганлигини сақлаб қолиш, бюджет самарадорлигини ошириш ва инвестициявий фаолликни рағбатлантиришга қаратилган вазифаларни уйғунликда амалга ошириш;

– давлат қарзини барқарор даражада ушлаш, ташқи ва ички қарз орасидаги мувозанатни сақлаш, шунингдек, давлат мажбуриятларидан келиб чиқадиган фискал хавфларни баҳолаш ва бошқариш каби вазифаларга стратегик жиҳатдан устуворлик бериш;
– бюджет жараёнининг очиқлиги ва шаффофлигини таъминлаш, бюджетдан ташқари маблағларни консолидация қилиш, парламент ва жамоатчилик назоратини кучайтириш орқали сарф-харажатларнинг мақсадлилиги ва натижадорлигини таъминлаш;
– рақамлаштириш орқали солиқ тизимини адолатли ва самарали ишлашини таъминлаш, очиқ маълумотлар платформалари ва электрон хизматлардан кенг фойдаланган ҳолда фискал назоратни янада кучайтириш натижасида яширин иқтисодиётни қисқартириш ва коррупция ҳолатларининг олдини олиш каби вазифалар танланган мувозанатли фискал сиёсатнинг ўзига хос жиҳатлари экани белгилаб қўйилди. Бир сўз билан айтганда, Президентимизнинг сиёсий иродаси билан амалга оширилаётган институционал ислохотлар очиқлик ва шаффофлик ҳамда жавобгарлик тамойилларига қатъий амал қилиш учун ҳам кенг имкониятлар яратди. Бу йўналишда давомийлик ва тизимли чора-тадбирлар қўлланилиши натижасида эса Бош Қомусимизда белгиланган «Ўзбекистон – ижтимоий давлат» тамойили босқичма-босқич рўёбга чиқмоқда.



Яқунланган йил бундан тўққиз йил аввал бошланган ва жаҳон ҳамжамияти эътиборини Янги Ўзбекистонга қаратган тарихий ўзгаришларнинг энг мураккаб даврига яқун ясади.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг Олий Мажлис ва Ўзбекистон халқига йўллаган Мурожаатномасида таъкидланганидек, биз ана шу даврда ўзгаришларни қутиб яшамадик, аксинча, уларни ўзимиз, ўз ақл-заковатимиз ва масъулятли меҳнатимиз билан яратяпмиз.

Uzki kimyosanoat



Uzki kimyosanoat

Uzki kimyosanoat

Утган йил якуни билан 7,7 трлн сўмлик минерал ўғитлар сотилди. Бу 2024 йилга нисбатан 2,1 трлн сўмга кўп, бошқача қилиб айтганда 138 фоиз ўсишга эришилди, деганидир.

Утган йилда Тошкент, Навоий ва Жиззах вилоятларида яшил водород, циан тузлари, калий ксантогенат, калий сульфати каби юқори қўшилган қийматли маҳсулотлар чиқарадиган лойиҳалар ишга тушди.

Экспорт кўрсаткичлари 125 фоизга ўсиб, 655 миллион долларни ташкил қилди. Маҳсулотлар Латвия, Руминия, Литва, Болгария, Эстония, Туркия каби Европа, Бразилия, Перу, Чили каби Жанубий Америка мамлакатларига, шунингдек, Хитой, Покистон, Афғонистон, Эрон, Россия, Қозоғистон, Туркменистон, Тожикистон каби дунёнинг 55 та давлатига экспорт қилинди.

«Acwa power» (Саудия Арабистони), «Linde» (Германия), «KRICT» (Жанубий корея), «Sinoma Energy» (Хитой), «Haldor Topsoe» (Дания), «Continental Construction» (Автрия), «Insolar B.V» (Франция), «NCV International» (БАА) каби ўз йўналишида дунёдаги етакчи ва нуфузли компаниялар билан ҳамкорликда йирик лойиҳалар амалга ошириб келинмоқда.

Утган йили кимё саноатига 650 миллион долларлик инвестициялар жалб қилиниб, маҳаллийлаштириш ҳажми 5,2 триллион сўмни ташкил қилгани ҳам Янги Ўзбекистон ислохотларининг реал

натижаларини кўрсатади.

Шу ўринда 2026 йилда 45 та инвестиция лойиҳасини ишга тушириш режалаштирилганини, тармоқ ва ҳудудий инвестиция дастурлари доирасида 80 дан ортиқ истиқболли лойиҳаларнинг манзилли рўйхати ишлаб чиқилганини айтиш жоиз.

Шунингдек, экспорт географиясини 60 та мамлакатга, экспортбоп маҳсулотлар турини эса 50 тага етказиш орқали кимё маҳсулотлари экспортини камида 720 миллион АҚШ долларига етказиш бўйича амалий ҳаракатлар бошланди.

Давлатимиз раҳбари Мурожаатномасида янги технологиялар ва юқори малакали кадрлар мавжуд бўлган соҳаларда барқарор ўсиш ва ривожланиш таъминланишига алоҳида эътибор қаратилганини таъкидлаш жоиз.

Шу асосда кимё саноатида инсон капитали ва илмий салоҳиятни оширишга қаратилган муҳим лойиҳалар режалаштирилган.

Хусусан, Корея–Ўзбекистон илмий–тадқиқот ва кимё–технология инновацион марказини ишга тушириш, кимё корхоналарида 3 минг ходимнинг малакасини ошириш, шунингдек, камида минг нафар талабалар амалиёти ва ўқитувчилар стажировкаларини ташкил этиш кўзда тутилган.

Хулоса қилиб айтганда, белгиланган вазифа ва режалар кимё саноатини инновацион, рақобатбардош ва юқори қўшилган қиймат яратувчи стратегик тармоқ сифатида ривожлантиришга қаратилган. Инвестиция лойиҳаларининг барқарор амалга оширилиши, маҳаллийлаштириш ва импортни қисқартириш, таннархни пасайтириш, энг асосийси экспорт салоҳиятини ошириш орқали тармоқ иқтисодиётнинг барқарор ўсишига хизмат қилади.



2025

Йилдан бошлаб эса кимё корхоналари томонидан ишлаб чиқарилган минерал ўғитларни сотиш учун Товар хом-ашё биржасида алоҳида янги «Агроплатформа» ахборот тизими жорий қилинди, ғалла ва пахта етиштирувчи фермерларга 10 фоизгача арзонлаштирилган ҳолда сотиш тизими йўлга қўйилди. Ўтган йил якуни билан 7,7 трлн сўмлик минерал ўғитлар сотилди. Бу 2024 йилга нисбатан 2,1 трлн сўмга кўп, бошқача қилиб айтганда 138 фоиз ўсишга эришилди, деганидир.





XIX asr oxiri va XX asr boshlarida Turkiston tarixida yangi – ma'naviy uyg'oniш davri boshlandi. Bu harakat jadidchilik nomi bilan ma'ruф b'uldi. Jadidlar xalqni zamonauiy bilim va ma'rifatga chorlar экан, энг аввало, тил масаласини кун тартибига олиб чиқдилар. Чунки улар учун тил миллатнинг қони ва руҳи, давлатчиликнинг асосий шартларидан бири эди.

Шу ўринда Абдурауф Фитрат ўзининг “Тил миллат қонида яшайди” деган ибораси билан тил ва миллат тақдирини чамбарчас боғлаб қўйганини таъкидлаш жоиз. Бу ибора ҳатто жадидчилик ҳаракатининг мафкуравий шиорига ҳам айланди. Чунки тил йўқолса, миллат ҳам йўқолади, тил тикланса, миллат қайта тиралади.

Жадидлар мактаблар очдилар, янги дарсликлар яратиб, матбуот нашрларини чиқардилар. Улар бу ишларини фақат ўзбек тилида амалга оширдилар.

Бунинг замирида улкан сиёсий мақсад ётар, тил орқали миллатни uyg'отиш, ма'рифат тарқатиш энг муҳими, рус мустамлакачилигидан озод бўлиш го'ясини халқ онгига сингдиришар эди. Шунинг учун жадидлар фаолиятида тил масаласи оддий адабий ислохот эмас, балки миллий истиқлол учун курашининг бош фронтига айланган эди.

Ўшанда Маҳмудхўжа Бехбудий “Туркистон

кимга қолур?” мақоласини ёзиб, унда тил ва ма'рифатсиз миллатнинг келажаги йўқлигини баён қилган эди. Унинг фикрича, ўз тилида билим олмаган халқ ўзгаларга қарам бўлиб қолади. Кўп ўтмай, Абдулла Авлоний “Туркистон болалари” китобида тил ва таълимни мустақил давлат қуришнинг пойдевори деб кўрсатди.

Ўшандаёқ совет ҳокимияти жадидларнинг бундай тизимли чиқишлари ва ҳаракатларида жуда катта хавф кўра бошлади. Чунки тил орқали миллатнинг сиёсий uyg'ониши, мустамлакачиликка қарши фикрлари кучаяётган эди. Шу боис 1920–1930 йилларда жадидлар “миллатчи” ва “буржуа мафкураси ташувчилари” сифатида таъқиб қилинади, кўплари отилади ёки қамоққа ташланади. Бу давр тил учун энг оғир синовларнинг бошланиши эди. Сал ўтмай араб алифбосидан лотинга ўтказиш, кейин эса кирилл алифбосини жорий этиш орқали тилнинг тарихий хотираси ҳам узилди. Бу жараён халқни ўз илдиридан, классик адабиёт ва тарихий меросидан ажратишга қаратилган қирғиннинг бошланиши эди.

Ўзбекистон заминида умумий тарихнинг шонли саҳифалари битилгани, жаҳон илм-фани ва маданиятига унутилмас ҳисса қўшган Муҳаммад Хоразмий, Аҳмад Фарғоний, Абу Райҳон Беруний, Ибн Сино, Мирзо Улуғбек каби мутафаккирлар, муқаддас Ислоҳ дини тарихида ўчмас из қолдирган Имом Бухорий, Имом Термизий, Имом Мотуридий, Баҳоуддин Нақшбанд сингари буюк алломалар, туркий дунёни қалам билан бирлаштирган Алишер Навоий сингари улуғ шоирлар нафақат ўзбек халқи, балки барчанинг фахру ифтихоридир.

Шавкат МИРЗИЁЕВ

Энг ёмони ўшанда рус тилига “халқаро мулоқот” ва “барча фанларнинг асосий тили” сифатида сунъий равишда устунлик берилди. Бу сиёсати орқали мустамлакачилик аввало тил фронтида амалга оширилди. Зеро миллий тилнинг ва миллий ғоянинг чекланиши, миллатнинг сиёсий иродасига қаратилган қақшаткич зарба эди. Шунинг учун ҳам Фитрат, Қодирий, Чўлпон сингарилар учун тил миллатнинг истиқлол калити, давлатчиликнинг энг муҳим пойдевори сифатида кўрилар, шу боис тил уларнинг ижоди ва ижтимоий фаолияти марказида турар эди.

Абдурауф Фитратнинг “Тил миллат қонида яшайди” деган шеърий ташбеҳи ҳам аслида сиёсий дастур эди. Бу ибора орқали Фитрат тилнинг тақдири билан миллат тақдирини чамбарчас боғлайди. Унинг “Ўзбек тилининг иззатини йўқотсак, миллатнинг ҳам юзига қора чопамиз” деган қарашлари замирида мустамлакачиликка қарши қатъий сиёсий позиция мавжуд эди.

Тил ва жадидлар, тилнинг мавқеи ва унга қарши кураш ҳақида гап кетганида Абдулла Қодирийнинг “Ўткан кунлар” романини алоҳида тилга олиш жоиз. Зеро бу асар фақат бадиий асар эмас – тил орқали миллий ўзликни қайтаришга қаратилган сиёсий манифест эди. Чунки романнинг ҳар бир саҳифасида “биз ўз тилимизда, ўз тарихимиз ҳақида ёзсак, миллатни қайта уйғотамиз”



АБДУРАУФ ФИТРАТНИНГ “ТИЛ МИЛЛАТ ҚОНИДА ЯШАЙДИ” ДЕГАН ШЕЪРИЙ ТАШБЕҲИ ҲАМ АСЛИДА СИЁСІЙ ДАСТУР ЭДИ. БУ ИБОРА ОРҚАЛИ ФИТРАТ ТИЛНИНГ ТАҚДИРИ БИЛАН МИЛЛАТ ТАҚДИРИНИ ЧАМБАРЧАС БОҒЛАЙДИ. УНИНГ “ЎЗБЕК ТИЛИНИНГ ИЗЗАТИНИ ЙЎҚОТСАК, МИЛЛАТНИНГ ҲАМ ЮЗИГА ҚОРА ЧОПАМИЗ” ДЕГАН ҚАРАШЛАРИ ЗАМИРИДА ЭСА МУСТАМЛАКАЧИЛИККА ҚАРШИ ҚАТЪИЙ СИЁСІЙ ПОЗИЦИЈА МАВЖУД ЭДИ.

деган фикр мужассам эди. Шу боис жадидлар кўз ўнгида Қодирий фақат ёзувчи эмас, балки тил орқали давлатчилик ғоясини халқ онгига қайта жорий этган маънавий кўмондон сифатида ҳам гавдаланган.

Чўлпон эса тил учун курашни шеърият майдонида олиб борди. Унинг “Тил – элнинг қонидир” деган қарашлари туркий сўзнинг мусиқа ва образ қудрати орқали халқ руҳини уйғотишга қаратилган бўлиб, унинг шеърлари халққа шунчаки эстетик завқ эмас, балки миллий ғурур, миллий хуррият туйғусини сингдирарди. Шунинг учун ҳам Чўлпон шеърлари “мафкуравий кўнғироқ” вазифасини бажарган.

Бир сўз билан айтганда, жадидлар тил орқали мустамлакачиликка қарши энг катта майдон яратгандилар. Улар яхши англардиларки, агар халқ ўз тилидан узилса, уни бошқариш осон бўлади, агар тил тикланса, миллат мустақилликка интилади. Шунинг учун ҳам уларнинг мактаблари, дарсликлари, газета ва журналлари тилни миллат онгига йўналтирувчи марказ қилиб қўйишга қаратилган қурол эди. Шу маънода ҳам улар “миллатчи” деган тузум тамғасини бўйниларига олиб, миллат орзусига жонларини тикдилар, десак ҳақиқатни айтган бўламиз. Фитрат, Қодирий ва Чўлпонлар отилганда, бир неча зиёли эмас, балки бутун бир тил сиёсати, миллий уйғониш ғояси қатл этилди. Гарчи улар жисмонан йўқ қилинган бўлсаларда, уларнинг “Тил – миллатнинг қони” деган ғоялари йўқолмади, аксинча янада ўсди.

Эътибор беринг: бу ерда катта бир парадокс бор: Совет тузуми жадидларни “мафкуравий хавfli” шахслар сифатида қатл қилди, чунки улар тил миллатни уйғотишга қодир, деган фикрда эдилар. Яъни, тилнинг кучини энг аввал англаганлар бу – мустамлакачиларнинг ўзлари бўлди.

1929

йили ўзбек тили араб алифбосидан лотинга ўтказилган бўлса, 1940 йилга келиб, кирилл алифбоси танланди. Бундай маккорона сиёсат замирида халқнинг асрлар давомида юксалган маънавий хотирасидан, Навоий ва Бобур асарларидан узиб қўйишга қаратилган мақсад мужассам эди. Бир неча ўн йил ичида икки маротаба алифбо алмашиши чиндан ҳам тил тараққиётига тўсиқ яратди, халқнинг ўз классик меросини ўқиш ва англаш имкониятини чеклади. Бу — миллий хотирани узишнинг мафкуравий усули эди.

III

Шу боис улар ўз жиноятларини биринчи навбатда миллат тилини чеклашдан, тил учун жонини фидо қилган зиёлиларни йўқ қилишдан бошладилар.

Аммо ўзбек тилининг бошига тушган “синов даври” жадидлар ҳаракати билан чекланиб қолмади. XX асрда тилга қаратилган энг оғир зарбалар Совет ҳокимияти даврига тўғри келди. Чунки жадидларнинг тил орқали миллатни уйғотиш ғояси сиёсий хавф саналгач, совет мафкураси тилни чеклаш орқали бутун бир миллатни маънавий заифлаштиришга киришди.

Биринчидан, алифбо ислохотлари орқали тилнинг табиий ривожига ўнглаб бўлмас даражада зарба берилди. 1929 йили ўзбек тили араб алифбосидан лотинга ўтказилган бўлса, 1940 йилга келиб, кирилл алифбоси танланди.

Бундай маккорона сиёсат замирида халқнинг асрлар давомида юксалган маънавий хотирасидан, Навоий ва Бобур асарларидан узиб қўйишга қаратилган мақсад мужассам эди. Бир неча ўн йил ичида икки мартаба алифбо алмашиши чиндан ҳам тил тараққиётига тўсиқ яратди, халқнинг ўз классик меросини ўқиш ва англаш имкониятини чеклади.

Бу – энг, аввало, миллий хотирани узишнинг мафкуравий усули эди. Иккинчидан, рус тилига “умумимпериявий тил” мақоми берилиб, Давлат ишлари, расмий ҳужжатлар, илм-фан, техника ва ҳарбий соҳаларда рус тилига устуворлик берилди. Ўзбек тили эса маиший мулоқот воситаси сифатида қолдирилди холос.

...Тилидан айрилган миллат тарихи, маданияти ва маънавиятидан узилади. Совет мафкураси шу йўл билан миллатларни “бир тилли совет халқи”га айлантирди.

Чўлпон, Қодирий, Фитрат каби зиёлиларни қатағон қилиш орқали эса тил учун курашган авлод деярли йўқ қилинди. Аммо 1960–70 йилларга келиб зиёли қатлам томонидан тил масаласи яна қайта кўтарилди бошланди.

Шундан кейин янада кучлироқ синовлар ўйлаб топилди.

Тилдаги тарихий хотира ва руҳий бойликлар ўрнини партия шиорлари, сунъий мафкуравий иборалар эгаллади, адабиёт, фан ва матбуотда тил жонли халқ сўзи сифатида эмас, балки “совет кишиларининг умумий муомала воситаси” сифатида кўрилади бошланган бўлса-да, бу тилнинг мафкуравий қолоқлашувиغا олиб келди.



Бундай жараёнлар, шубҳасиз, ўзбек тилининг ижодий қудратини ҳам заифлаштирди. Чунки тил фақат грамматика ва луғатдан иборат эмас, у миллатнинг тафаккури ва руҳи ҳамдир. Маълумки, ҳар қандай давлат мустақиллиги аввало тил ва тафаккури мустақиллиги билан белгиланади. Бу масалада кўпмиллатли давлатлар ҳам ўз миллий тилларини умумий фуқаровий мулоқот тили сифатида белгилаб, барча фуқаролар учун мажбурий тартибда жорий этганлар. Масалан, 2024 йили Қозоғистонда давлат хизматларига ишга қабул қилишда қозоқ тилидан имтиҳон олиш тўғрисида расмий қарор қабул қилинган. Бу билан қозоқ тили нафақат давлат рамзи сифатида, балки давлат хизматидаги киришнинг асосий мезонига ҳам айланди. Яъни Қозоғистон кўп миллатли давлат бўлишига қарамай, барча фуқаролар учун давлат тилини билиш мажбурий талаб сифатида қўйилди. Францияда эса Конституцияда фақат француз тили давлат тили сифатида эътироф этилган. Миллат қанчалик кўпмиллатли ва кўп этник таркибга эга бўлмасин, давлат фақат бир тил атрофида бирлашиши белгиланган. Бу тажриба тилнинг давлатчиликдаги марказий ўрнини ёрқин кўрсатади, албатта. Болтиқбўйи давлатлари ҳам мустақилликка эришгач, рус тилини расмий хатти-ҳаракатлардан чиқариб ташлашди. Давлат тилига миллатнинг суверенитет белгиси сифатида қаралди. Шунинг учун латвия ва литва тиллари фақат давлат идораларида эмас, балки ҳар бир фуқаро учун мажбурий ўрганиш ва қўлланиш талаби сифатида жорий этилди. Япония ва Хитойда эса миллатлараро тил муаммоси йўқ. Чунки уларда фуқаро қайси миллатга мансуб бўлишдан қатъи назар, давлат тилини билиши шартлиги белгиланган. Японияда япон тили,

Хитойда мандарин (путунхуа) тили умумфуқаровий мулоқот тили сифатида мутлақ устувор аҳамиятга эга. Кўриниб турибдики, жаҳон амалиётида давлат тили масаласи ҳеч қачон икки хил ёки муаммоли тарзда қолдирилмаган. Яъни барча давлатлар давлат тилини барча фуқаролар учун умумий мезон сифатида белгилаган. Ўзбекистон ҳам кўп миллатли давлат, лекин давлат тили ўзбек тилидир. Демак, ким мамлакатда доимий истиқомат қилса, қайси миллат вакили бўлишдан қатъи назар, давлат тилини билиши шарт. Агар руслар Россияда, французлар Францияда, қозоқлар Қозоғистонда ўз тилини давлат ҳаётининг марказига қўйган бўлса, ўзбеклар ҳам ўзбек тилини умумфуқаровий мулоқот тили сифатида тўлиқ жорий этиши сиёсий жиҳатдан адолатлидир. Унутмайлик, ўзбек тили Темур салтанатининг қудратли тили бўлган, Навоий ижодидаги маънавият, жадидлар орзусидаги истиқлол тили бўлган. Демак, у Янги Ўзбекистон давлатчилигининг қудратли тили бўлиб қолаётгани нафақат қонун, балки тарихнинг, миллатнинг ва келажак авлоднинг талаби ҳамдир. Аммо ўттиз йилдан зиёдроқ вақт ўтса-да, тил масаласида ҳали ҳам ечилмаган муаммоларимиз сақланиб қоляпти. Булар давлат тилининг қонунларда бўлса-да, аммо амалиётда ҳали устувор ўрин эгалламай келаётганидан далолат беради. Энг биринчи муаммо – фуқаролик ва тил ўртасидаги боғлиқликнинг йўқлиги. Бугун давлат тилини билмаган киши ҳам турли лавозимларда ишлаши мумкин. Ҳокимият идораларидан тортиб, давлат хизматлари ва жамоат ташкилотларигача кўп ҳолларда давлат тилини билиш талаб қилинмайди. Шу боис давлат тили айрим соҳа ва тизимларда иккинчи даражада қолмоқда.



Иккинчи муаммо – қонун ҳужжатлари, реклама ва хизмат кўрсатиш соҳасида ўзбек тилининг камситилиши. Яъни шу кунгача ҳам айрим корхоналар, дўконлар, хизмат кўрсатиш марказлари ўз фаолиятини фақат рус ёки хорижий тилларда реклама қиляпти.

Учинчи муаммо – ишчи муҳитда, айниқса, техник соҳаларда рус тилининг устунлиги. Дастурчилар, муҳандислар, завод ишчилари ва ҳатто ҳокимият вакиллари ҳам аксарият ҳолларда ўзбек тилидан кўра, рус тилидаги мулоқотни афзал кўришмоқда. Бу ҳолат, айниқса, давлат хизматлари ва таълим соҳасида яққол кўзга ташланади.

Тўртинчи муаммо – “икки тиллилиқ” номли ниқоб. Аслида, бу соғлом тил сиёсатини ифода этиши мумкин эди. Аммо амалда “икки тиллилиқ” тушунчаси ўзбек тилининг заифлашувига хизмат қиляпти. Чунки кўп ҳолларда “икки тиллилиқ” деганда фақат рус ва ўзбек тили назарда тутилади, лекин устуворлик рус тилига берилади. Бу эса миллий тилнинг мавқеини пасайтиради, халқ онгида “давлат тилига амал қилмаса ҳам бўлади” деган хавfli қарашни шакллантиради.

Ўзбек тили ҳақиқий давлат тилига айланиши учун биринчи навбатда давлат хизматига киришда тил билиш мезони жорий этилиши лозим. Қозоғистон мисолида кўриш мумкинки, давлат хизматчисидан, аввало, ўз давлат тилини мукамал билиш талаб этилади. Бу талаб жорий этилмас экан, давлат тили қоғозда қолиб кетаверади. Шу билан бирга, олий таълим, банк,

тиббиёт ва IT соҳаларида 2025–2030 йилларга қадар босқичма-босқич ўзбек тилига ўтиш режаси ишлаб чиқилиб, илм-фан ва замонавий технология соҳаларида ҳам давлат тилининг мавқеини таъминлаш керак. Яъни расмий ҳужжатлар, давлат ишлари ва қонунчиликда фақат давлат тили ишлатилиши лозим. Бундан ташқари, нодавлат муассасалар ва хусусий сектор ҳам давлат тили сиёсатига мос ҳаракат қилиши шарт. Давлат тили фақат давлат идоралари доирасида эмас, балки жамиятнинг ҳар бир қатламида умумий қоида сифатида қўлланишига эришишимиз керак.

Чунки тилни ҳимоя қилиш – миллатнинг маънавий озодлиги ва давлатчиликнинг маънавий суверенитетини ҳимоя қилиш, демакдир.

Ўзбек тилига ҳурмат – бу фақат тилга эмас, бу Ватанга, давлат ва халққа ҳурмат, деганидир. Тилни ҳурмат қилган жамият ўз келажагини ҳам ҳурмат қилади, тилдан юз ўгирган миллат эса ўзини йўқотиш хавфига дуч келади.

Фитрат айтганидек: “Ўз тилида фикрлай олмаган миллат – мустамлакага мойил миллат”. Бу сўзлар бугунги кун учун ҳам энг катта огоҳлантиришдир.

Шунинг учун ҳам бугун ўзбек тилини ҳаётнинг барча соҳа ва тизимларида устувор қўйиш – Янги Ўзбекистон давлатчилигининг энг муҳим шартларидан бирига айланди. Зеро миллат ва давлат тинчлиги, барқарорлиги ҳамда унинг келажаги миллий тилдан бошланади.

АНОНС

СИЁГАТ
19 2026/1

Соҳибқирон Сароймулкхонимни ўз
никоҳига олган, машхур «Кўрагон»
номини олишга мушарраф бўлади.
Сароймулкхоним хон авлодига
мансуб бўлгани учун ҳарамдаги барча
маликалардан юқори турган, уни катта
хоним ёки Бибихоним деб атаганлар.
Сароймулкхоним ўз замонасининг юксак
идрокли, фаросатли ва ақл-заковатли
соҳибаси бўлган. У инсонпарвар,
саховатли аёл бўлиб, мамлакатнинг
ижтимоий, маданий ва қурилиш
ишларида фаол қатнашган, айниқса,
мадрасаларда таълим олётган толиби
илмларга кўпроқ ҳомишлик қилган.

Анонс

ЯНГИ

Ижод АХМЕДОВ,
Жиззах вилояти
педагогик маҳорат
маркази директори,
фалсафа фанлари
доктори (PhD) доцент

Янги Ўзбекистон ислоҳотлари миллий таълим тизимида педагогларнинг касбий салоҳиятини изчил ривожлантириб боришни давлат сиёсатининг устувор йўналишларидан бирига айлантирди.

Президентимиз Шавкат Мирзиёевнинг таълимни ривожлантиришга оид ғоя ва ташаббуслари, хусусан, 2024 йил 21 июнда қабул қилинган ПҚ-231-сонли ҳамда Вазирлар Маҳкамасининг 2024 йил 20 декабрдаги 867-сонли қарорлари шу маънода ҳам соҳада туб бурилиш ясади, дейиш мумкин. Агар илгари малака ошириш алоҳида-алоҳида, ҳудудлар кесимида ва турлича ёндашувлар асосида амалга оширилган бўлса, Давлатимиз раҳбари қароридан кейин тизимда ягона бошқарув вертикали шакллантирилди. Яъни Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги – марказий бошқарув органи, А.Авлоний номидаги Педагогик маҳорат миллий институти эса илмий-методик марказ сифатида фаолият юритадиган бўлди.

ТАЪЛИМ ТИЗИМИДА ЯНГИ ЁНДАШУВЛАРГА

ПЕДАГОГ КАДРЛАРНИНГ УЗЛУКСИЗ КАСБИЙ РИВОЖЛАНИШИ МИЛЛИЙ ТАЪЛИМ ТИЗИМИ ТАЯНЧИГА АЙЛАНЯПТИ

Шу ўринда, ҳар бир ҳудудда маҳорат марказларининг ташкил этилгани, улар фаолиятидаги ўзгаришлар тизимни марказлаштирилган ҳолда бошқариш, методик таъминотни ягона стандартлар асосида йўлга қўйиш имконини берганини таъкидлаш жоиз.

Хусусан, ҳудудий марказларда «Академик фаолият бўйича» ҳамда «Педагогларни касбий ривожлантириш бўйича» директор ўринбосари лавозими жорий этилди. Бундан ташқари, мактабгача таълим ташкилотларининг педагог ходимларини қайта тайёрлаш ва малакаларини ошириш, уларни методик қўлланмалар билан таъминлаш, илғор педагогик технологияларни жорий этиш учун янги – «Мактабгача таълимни мувофиқлаштириш» бўлими очилди. Энг асосийси, Мактабгача таълим институти вазирлик бўйсунувиغا ўтказилди. Халқаро тадқиқотлар маркази эса ўз фаолиятини институт таркибида бошлади. Ҳамкасбларимизнинг фикрича, бундай ўзгаришлар халқаро баҳолаш тармоқлари (PISA, TIMSS, PIRLS) билан боғлиқ илмий-амалий ишларни жойида ташкил этишга қаратилгани билан ҳам муҳимдир.



Яна бир янги талаб: 2025 йилнинг 1 январидан бошлаб барча педагог ва раҳбар ходимларнинг беш йилда бир марта ишдан ажралган ҳолда мажбурий малака оширишлари шартлиги белгилаб қўйилди. Бу эса, шубҳасиз, узлуксиз касбий ривожланишнинг асосий кафолатига ҳам айланмоқда. Янги тартибда малака ошириш жараёнида ўқитувчининг касбий эҳтиёжи, мавжуд малака даражаси ва фаолият йўналиши бўйича табақалашган, яъни олий ва биринчи тоифали ўқитувчиларни юксалтирувчи курсда, иккинчи ва мутахассис тоифасидаги ўқитувчиларни эса ривожлантирувчи курсларда ўқитиш йўлга қўйилди. Шунингдек, мактаб таълими ходимлари учун «Касбий ривожланиш куни», «Касбий ривожланиш соати», мактабгача таълим ходимлари учун «Методик маҳорат соати» ҳамда «Методик маҳорат куни», шунингдек, «Виртуал касбий ривожлантириш» дастурлари жорий этилди.

Президент Фармонига кўра, аънавий курслардан ташқари қуйидаги муқобил шакллар ҳам малака ошириш, деб тан олинадиган бўлди:

- дарслик ёки ўқув қўлланма муаллифлиги;
- диссертация ҳимоя қилиш;
- Scopus ёки Web of Science

базаларида мақола чоп этиш ва халқаро конференцияларда иштирок этиш. Буларнинг барчаси педагогларнинг илмий ва ижодий салоҳиятини ошириш билан бирга уларни амалий жиҳатдан рағбатлантиришга ҳам хизмат қилмоқда.

2025 йилда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Япония халқаро агентлиги (ЖИСА) билан ҳамкорликда тайёрланган «Таълим сифатини ошириш учун таълим

тадқиқотлари ва баҳолаш салоҳиятини кучайтириш (2025–2028 йиллар давомида)» лойиҳаси доирасида вазирлик вакиллари билан Токио шаҳрида бўлдим. Аини пайтда бундай Халқаро тадбирлар, шубҳасиз, ривожланган давлатларнинг таълим тизимини ўрганиш ҳамда мутахассисларимиз малакасини оширишда ниҳоятда муҳим аҳамият касб этмоқда. Ана шу талабдан келиб чиқиб, Педагогика маркази маъмурияти ва профессор-ўқитувчилардан иборат бир гуруҳ мутахассисларимиз Малайзиянинг «САРАВАК» университетининг Куала Лумпурдаги «Grand International Academy» ўқув марказида ўтказилган «Innovative Teaching Methodology» ва «STEM Teaching Methodology Program» дастурлари асосида ташкил этилган бир ҳафталик малака ошириш курсларида ҳам қатнашдилар. Ана шундай Халқаро тадбирлар 2025 йилнинг 11–27 ноябрь кунлари Татаристондаги «Алабуга политех» техникумида ҳам бўлиб ўтди. Унда ҳам марказимиз мутахассислари фаол иштирок этдилар. 2025 йилнинг 23–30 сентябрь кунлари эса бир гуруҳ вакилларимиз М.Ауезов номидаги Жанубий Қозоғистон университетидега ўтказилган «Ўқитувчининг профессионал компетентлигини ривожлантиришда менторлик ва коучингнинг ўрни» мавзусидаги малака ошириш курсида иштирок этишди. Аини пайтда хорижга уюштирилган хизмат сафарлари ҳамда малака ошириш курсларида олинган маълумотлар асосида ҳудудий марказда қисқа мuddатли семинарлар ташкил этилиб, тажрибалар ўқув жараёнларига изчил татбиқ этилмоқда. Яъни бу борада халқаро тажрибалар самарали натижалар беряпти. Бундан



ташқари, марказимизда хорижий мутахассислар ёрдамидан ҳам унумли фойдаланяпмиз. Масалан, 2025 йилда биргина Жиззах вилояти педагогик маҳорат марказида Флиппин фуқароси Даниел Галит ҳамда Россиянинг А.И.Герцен номидаги Москва давлат педагогика университетининг тажрибали мутахассиси Евгения Афанасева билан шартномалар тузилиб, улар томонидан умумтаълим мактабларида касбий ривожланиш соатлари, маҳорат дарслари ўтилди. Бу эса фан олимпиадалари ҳамда методик хизматлар сифатини замонавий талабларга мос равишда кучайтиришга хизмат қилаётганини таъкидлаш жоиз.

Шу ўринда Мактабгача ва мактаб таълими вазирлигининг 2024 йил 16 декабрдаги «Мактабгача ва умумий ўрта таълим ташкилотлари ходимларининг малакасини ошириш курслари ўқув режа ва дастурларини тасдиқлаш тўғрисида»ги 402-сонли буйруғига кўра, 51 та йўналишда ўқув курслари йўлга қўйилганини ҳам айтиш мумкин. Умумтаълим мактабларининг мусиқа маданияти фани ўқитувчилари учун эса малака ошириш курслари Мактабгача ва мактаб таълими вазирлиги ҳамда Маданият вазирлигининг 2025 йил 28 февралдаги қўшма қарори асосида Жиззах ихтисослаштирилган санъат мактабиди ўтказиляпти.

Миллий таълим тизимидаги бундай янгиланишлар, хусусан, педагоглар малакасини ошириш йўналишидаги ишлар ҳақида гап кетганида 11 та педагогика коллежи биноси ҳудудий марказларга бириктирилганини таъкидлаш жоиз.

2024 –2027 йилларда 2 925 ўринли янги бино қурилиши белгиланиб, ҳудудий марказларни таъмирлаш учун 2024 йилда 50 млрд сўм ажратилди. Энг асосийси, ситуацион ўқув хоналари ва виртуал лабораториялар ташкил қилинди.

Бу бўйича ҳудудий марказда ўқув жараёнларини самарали ташкил этиш учун 16 та видеопроектор, 20 дона интерактив электрон доска, 74 дона персонал компьютер, 1 дона Грандстрем камера, 16 дона «Виртуал реаллик (VR)» кўзойнаклари ва 4 та замонавий ноутбук олиб берилди.

Шубҳасиз, замонавий технологиялар, интерфаол методлар, АКТга асосланган тақдимотлар ва электрон ресурслардан кенг фойдаланган ҳолда тингловчиларнинг дарс жараёнидаги фаоллиги ўзлаштириш самарадорлигини оширишга хизмат қилмоқда.

Бу айти пайтда инновацион ўқув муҳити яратишнинг асосий шarti ҳамдир.

Бир сўз билан айтганда, янги тизимда ўқитувчи ва раҳбар ходимлар фаолиятини рағбатлантириш механизмлари кучайтирилмоқда. Жумладан:

- ментор-ўқитувчилар учун 20 фоиз устама;
- мактабгача таълим директорларига 30 фоизлик устама;

• методистларга олий таълим ўқитувчисига тенг базавий тариф ставкалари белгиланди. Педагоглар меҳнатининг қадрланиши, ўзига хос рағбатлар педагоглар меҳнатининг моддий ва маънавий қийматини оширди, албатта. Натижада ҳудудий марказ профессор-ўқитувчиларининг илмий салоҳияти ҳам сезиларли даражада ошди. Бунга Санжар Каримовнинг Ижтимоий фалсафа ихтисослиги бўйича фалсафа фанлари бўйича Фалсафа доктори (PhD), Мақсуд Жабборовнинг педагогик таълимотлар тарихи ихтисослигидан педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Умида Муродованинг Таълим ва тарбия назарияси ва методикаси (инглиз тили) ихтисослигидан педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD), Мунисхон Холбоеванинг биология ихтисослигидан педагогика фанлари бўйича фалсафа доктори (PhD) илмий даражаларини олганлари ҳам мисол бўлиши мумкин.

Хулоса қилиб шунни айтиш мумкинки, миллий таълим тизимининг таянч нуқтаси саналган малака ошириш тизими Президентимиз томонидан илгари суриляётган ғоя ва ташаббуслар асосида изчил ривожланыпти. Яъни малака ошириш тизими йилдан-йилга сифат жиҳатдан яхшиланяпти.

Бошқача айтганда, янги тизим бутун жараённи ягона вертикалга бирлаштирди: 5 йилда бир марта мажбурий малака оширишни жорий этди, сифат назоратининг аниқ мезонларини яратиб, халқаро стандартларга мослаштирди, электрон платформалар орқали эса шаффофлик таъминланди. Энг асосийси, педагогнинг шахсий ўсиш харитаси яратилиб, уни моддий рағбатлантириш тизими кучайтирилди.

Айни пайтда ушбу тизим таълим сифатини ошириш, ўқитувчининг касбий, интеллектуал ўсишини таъминлаш ва, албатта, Ўзбекистон таълим тизимини халқаро тажрибага мослаштиришга хизмат қиляпти.

САМАРҚАНД ҚАНОТИ

қулоч ёзмокда

SAMARKAND
INTERNATIONAL
AIRPORT





– Оилада 7 нафар фарзанд эдик: уч опам ва уч укам. Афсуски, бир укам автоҳалокат сабаб вафот этган. Отамлар бундан 20 йил аввал оламдан ўтганлар, шукр онам ҳаётлар. Менинг 4 нафар – икки қиз, икки ўғлим бор. Фарзандларимнинг ҳаммаси олий маълумотли, ўйли-жойли бўлишган. Яқинда эгизак неварали бўлдик, яъни, набираларим 8 нафар бўлди.

Кўп йиллар Молия бошқармасида ишлаганман. Шундан кейин Молия вазирлигига таклиф қилишган. У ерда асосан ижтимоий соҳага кураторлик қилдим, кейин қурилиш ишларини назорат қилганман. Қутилмаганда Иқтисодиёт вазири ўринбосари этиб тайинлашди. Молия ва Иқтисодиёт вазирлиги қўшилганидан кейин яна вазир ўринбосари сифатида ўз фаолиятимни давом эттирдим. Кўп ўтмай яна қутилмаганда Ҳисоб-палатасига раисликка қўйишди. Шу тариқа 9 ой Ҳисоб-палатасига раҳбарлик қилдим. Кейин Давлатимиз раҳбари Самарқанд вилоятига ҳоким вазифасини ишониб топширдилар. Мана, тақдир тақазоси билан шу ерда ишляпман.

Одатим, ҳар куни кимгадир яхшилик қилмасам, ҳеч бўлмаганда кимнидир кайфиятини кўтариб, хурсандчилигига сабаб бўлмасам ўзимни бахтли ҳис қилолмайман. Бусиз бўлмайди.

Кимгадир ёрдам бермадимми демак, ҳаётда шунчаки яшаётгандек туюлади менга. Ҳаётга келгандан кейин нимадир, қандайдир яхши ишлар қилишимиз керак. Ҳар нарсага Худо ўзи сабабчи қилади – бизни.

У Яратган, уни айтгани бўлади, лекин сабабчи қилиб қўяди.

Шунинг учун фақат Худодан яхши ишларни бажаришга, яхши амалларни бажаришга сабабчи қилишини сўрайман...

Алиш БОБОЕВ,
Самарқанд вилояти
ҳокими

ЯНГИ ҚОНУН



Севара УБАЙДУЛЛАЕВА,
*Олий Мажлис Қонунчилик
палатасининг Меҳнат,
Соғлиқни сақлаш ва
ижтимоий масалалар
қўмитаси аъзоси*

МИЛЛИОНЛАР САЛАБИ БУ!

“...ҲАР ЙИЛИ 600 МИЛЛИОН КИШИ СИФАТСИЗ ОВҚАТДАН КАСАЛЛАНАЁТГАН БЎЛСА, 420 МИНГ КИШИ ҲАЁТДАН КЎЗ ЮММОҚДА. ШУНИНГ УЧУН ҲАМ КЎПЛАБ МАМЛАКАТЛАР ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИНИ НАЗОРАТ ҚИЛИШ ТИЗИМЛАРИНИ КУЧАЙТИРИШМОҚДА”.

Айни пайтда Жаҳон соғлиқни сақлаш таъкилотининг ушбу хабари ОАВларда кенг тарқалаётгани бежиз эмас.



A

Афсуски, Ўзбекистон ҳам ушбу муаммодан холи ҳудуд бўлмай қолди. Зеро, ЖСТга аъзо бўлиш арафасида, айниқса, озиқ-овқат хавфсизлигини таъминлаш ва истеъмолчилар саломатлигини ҳимоя қилиш жиддий талабга айланди.

Таъкидланишича, 2023 йилнинг 8 ойида республикаимиз бўйича 39 та ҳолатда овқатдан захарланиш ҳолати юз бериб, 414 киши, жумладан, 86 нафар бола жабрланган, энг ёмони уларнинг 2 нафари ҳаётдан кўз юмган. 81 киши консерва маҳсулотлари истеъмол қилгани боис ботулизм касаллигига чалинган. 2025 йилда ҳам 15 та ҳолатда жами мингга яқин боланинг сифатсиз овқатдан захарланганига гувоҳ бўлдик.

Айниқса, Тошкент вилояти мактабгача таълим ташкилотларида рўй берган захарланишлардан кейин соҳа мутасаддилари бу масалада жиддийроқ ўйлай бошладилар.

Озиқ-овқатлар сифати ва истеъмолчилар хавфсизлиги ҳақида гап кетганида қуйидаги мисолга эътибор қаратиш лозим, деб ҳисоблаймиз:

2024 йили давлат санитария қўмитаси томонидан 20184 та жамоат овқатланиш корхонасининг 7,49 фоизи (1512 таси) текширилганда 664 та корхонада (3,29 фоиз) санитария қоидаларига амал қилинмаётгани аниқланган.

Бу назорат тизимининг бугунги кун талабларига мутлақо жавоб бермаётганини кўрсатади. Кўплаб корхоналарда эса ҳатто хавф таҳлили ва критик назорат нуқталари (ҲАССП) тизими ҳам жорий этилмаган. Яъни, озиқ-овқатга ихтисослашган аксарият корхоналарда якуний маҳсулотни сертификатлаш орқали чекланган назорат олиб борилмоқда, холос. Натижада хавфлар эрта босқичда

аниқланмай, истеъмолчиларга яроқсиз маҳсулотлар етиб борапти. Айниқса, боғча болалари ва мактаб ўқувчиларининг захарланиши билан боғлиқ ҳолатларнинг кўпайиб бораётгани озиқ-овқат хавфсизлиги тизимини кескин кучайтиришни тақозо этмоқда.

Таҳлилчиларнинг фикрича, гуруҳли касалликларнинг аксарияти боғчаларда ва уй шароитида тайёрланадиган консерваланган маҳсулотлар билан боғлиқ – эски ускуналар, санитария қоидаларига амал қилмаслик ва ходимларнинг етарли малакага эга эмаслиги... Шунингдек, ярим тайёр маҳсулотлар ва сифатсиз хомашё истеъмоли ботулизм сингари ўткир ошқозон-ичак инфекцияларини келтириб чиқаряпти.

Яқинда Вазирлар Маҳкамаси томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатасига юқорида тилга олинган муаммоларни бартараф этишнинг ҳуқуқий асосларини такомиллаштиришга қаратилган “Озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси киритилди.

2023

ЙИЛНИНГ 8 ОЙИДА РЕСПУБЛИКАМИЗ БҮЙИЧА 39 ТА ҲОЛАТДА ОВҚАТДАН ЗАХАРЛАНИШ ҲОЛАТИ ЮЗ БЕРИБ, 414 КИШИ, ЖУМЛАДАН, 86 НАФАР БОЛА ЖАБРАНГАН, ЭНГ ЁМОНИ УЛАРНИНГ 2 НАФАРИ ҲАЁТДАН КҮЗ ЮМГАН. 81 КИШИ КОНСЕРВА МАҲСУЛОТЛАРИ ИСТЕЪМОЛ ҚИЛГАНИ БОИС БОТУЛИЗМГА ЧАЛИНГАН. 2025 ЙИЛДА ҲАМ 15 ТА ҲОЛАТДА ЖАМИ МИНГГА ЯҚИН БОЛАНИНГ СИФАТСИЗ ОВҚАТДАН ЗАХАРЛАНГАНИГА ГУВОҲ БҮЛДИК.

2020-2024 ЙИЛЛАРДА 310 ТА ШУНДАЙ ХОЛАТ ҚАЙД ЭТИЛГАН

уларда жами 2 412 нафар
фуқаро жабрланган, 36 нафари
эса вафот этган.

Шунинг учун ҳам Ўзбекистон
Республикаси Президенти
қароридан бир қатор долзарб
масалалар қатори миллий
қонунчиликни ҳам ЖСТнинг
битим, қонда ва меъёрларига
мувофиқлаштириш белгиланган
эди.

ЭЗА

УЖАР

УДА

ШИШИ

ҚОНУН ЛОЙИХАСИДА

озиқ-овқат маҳсулотлари
хавфсизлигини
таъминлаш юзасидан
давлат бошқаруви
Соғлиқни сақлаш
вазирлиги ҳузуридаги
Санитария-эпидемиологик
осойишталик ва
жамоат саломатлиги
қўмитаси, Қишлоқ
хўжалиги вазирлиги
ҳузуридаги Ветеринария
ва чорвачиликни
ривожлантириш қўмитаси
ҳамда Ўсимликлар
қарантини ва ҳимояси
агентлиги, шунингдек,
Ўзбекистон техник
жиҳатдан тартибга солиш
агентлигига юклатилди.



Ў

Ўзбекистоннинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлишни тезлатишга хизмат қиладиган ушбу қонун лойиҳаси бир неча соҳа ва тизимларга тўғридан-тўғри

тааллуқли бўлгани учун ҳам қизғин муҳокамаларга сабаб бўлмоқда. Шу ўринда Халқаро савдо маркази, яъни ИТС ҳам 2023 йилда Ўзбекистонни озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича янги қонун лойиҳасини тайёрлаш ва кўриб чиқишда қўллаб-қувватлаганини таъкидлаш жоиз. Шундан кейин – 2024 йилнинг март ойида ҳукумат ва парламент вакиллари иштирокида махсус учрашув ташкил этилиб, унда қонун лойиҳасини ЖСТнинг Санитар ва фитосанитария чораларини қўллаш тўғрисидаги келишувига (СПС) мослаштириш лозимлигига эътибор қаратилган эди.


Мутахассисларнинг фикрича, ЖСТга аъзо бўлиш учун Ўзбекистон озиқ-овқатга доир барча қонунларини СПС битими талабларига мувофиқлаштириши шарт. Айтиш жоизки, мазкур битим давлатларга инсон, ҳайвон ва ўсимлик саломатлигини химоя қилиш учун зарур чораларни қўллаш ҳуқуқини ҳам беради.

Қонун лойиҳаси, шунингдек, озиқ-овқат хавфсизлиги бўйича идоралараро кенгаш тузиш, лабораториялар салоҳиятини ошириш, маълумотларни автоматлаштирилган тизимларда йиғиш ва, албатта юқори малакали мутахассислар тайёрлашни кўзда тутди. Бу чора-тадбирлар амалдаги тизим бўшлиқларини тўлдиришга қаратилгани билан ҳам жуда муҳимдир. Бир сўз билан айтганда, 1997 йилда қабул қилинган “Озиқ-овқат маҳсулотларининг сифати ва хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун бугунги кун талабларига жавоб бермай қолган эди.

Шунинг учун ҳам парламентга ҳукумат томонидан ушбу қонун лойиҳаси киритилди. Уни тайёрлашда Хоразм, Қашқадарё ва Жиззах вилоятларидаги бозорлар, шунингдек, Тошкент шаҳридаги энг йирик Чорсу бозори, озиқ-овқат саноати уюшмаси билан биргаликда гўшт ва гўшт маҳсулотлари ишлаб чиқарувчи “Crafers” ва “Рўзиметов” корхоналарининг ишлаб чиқариш жараёнлари ўрганилиб, хулосалар тайёрланди. Тошкент вилоятида эса Чирчиқ шаҳри бозори ва “Имкон плюс” ташкилотига қаршли объектлар ўрганилди.

“

**2024 ЙИЛНИНГ
МАРТ ОЙИДА
ҲУКУМАТ ВА
ПАРЛАМЕНТ
ВАКИЛЛАРИ
ИШТИРОКИДА
МАХСУС УЧРАШУВ
ТАШКИЛ ЭТИЛИБ,
УНДА ҚОНУН
ЛОЙИХАСИНИ
ЖСТНИНГ
САНИТАР ВА
ФИТОСАНИТАРИЯ
ЧОРАЛАРИНИ
ҚЎЛЛАШ
ТЎҒРИСИДАГИ
КЕЛИШУВИГА
(СПС)
МОСЛАШТИРИШ
ЛОЗИМЛИГИГА
ЭЪТИБОР
ҚАРАТИЛДИ.**



ҚОНУН

ТАЛАБИ

ХАВОСИЗЛИК ВА ЯНА...




2024 ЙИЛИ ОЗИҚ-ОВҚАТ ИШЛАБ ЧИҚАРУВЧИ

77 712 та тадбиркорлик субъекти фаолияти таҳлил қилинганида уларнинг бор-йўғи 350 тасида (0,5 %) хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари тизими (ХАССП) мавжудлиги аниқланди.

2024 ЙИЛИ ДАВЛАТ САНИТАРИЯ ҚУМИТАСИ ТОМОНИДАН

20184 та жамоат овқатланиш корхонасининг 7,49 фоизи (1512 таси) текширилганда 664 та корхонада (3,29 фоз) санитария қондаларига амал қилинмагани аниқланган.



Бундан ташқари, озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи фермер хўжаликлари, чорвачилик ва ўсимлик етиштирувчилар ҳамда қайта ишлаб чиқарувчи тадбиркорларнинг озиқ-овқат маҳсулотлари

хавфсизлигини таъминлашда белгиланган талаб ва тартибларга қай даражада амал қилаётганлари таҳлил қилиниб, мутахассисларнинг таклиф ва тавсияларидан қонун лойиҳасини такомиллаштиришда фойдаланилди.

Шу ўринда 1997 йилнинг 30 августида қабул қилинган ва 18 та моддадан иборат эски қонунда озиқ-овқат маҳсулотлари хавфсизлигини таъминлашда қўлланиладиган халқаро принциплар, стандартлар ва амалиётлар акс эттирилмагани, унда ҳатто ваколатли давлат органларининг вазифалари аниқ белгиланмагани сабабли айрим функциялар такрорланиб келаётганини айтиш жоиз. Бунга тўла ишонч ҳосил қилиш учун эса 2024 йили озиқ-овқат ишлаб чиқарувчи 77 712 та тадбиркорлик субъекти фаолияти таҳлил қилинганида уларнинг бор-йўғи (шундан, 12 304 та ишлаб чиқариш, 42 424 та улгуржи ва чакана савдо, 22 984 та умумий овқатланиш корхоналари) 350 тасида (0,5 %) хатарлар таҳлили ва критик назорат нуқталари тизими (ХАССП) мавжудлиги аниқланди, холос.

Бундай муносабат озиқ-овқат маҳсулотларининг хавфсизлигига, энг ёмони, уларни экспорт қилишга ҳам салбий таъсир кўрсатмоқда. Шу билан бирга юқоридагидек ҳолатлар сабаб озиқ-овқат

маҳсулотлари истеъмоли билан боғлиқ касалликлар, хусусан, овқатдан захарланиш ҳолатлари ортиб бораётганини айтиш жоиз. Масалан, 2020-2024 йилларда 310 та шундай ҳолат қайд этилиб, уларда жами 2 412 нафар фуқаро жабрланган, 36 нафари эса вафот этган. Шунинг учун ҳам Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2023 йил 2 июндаги

“Ўзбекистон Республикасининг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиш жараёнини жадаллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПҚ-181-сонли қарори бир қатор долзарб масалалар қатори миллий қонунчиликни ҳам ЖСТнинг битим, қоида ва меъёрларига мувофиқлаштириш бўйича вазифалар белгиланган эди.

Ана шу ҳужжатга асосан амалдаги қонун тубдан қайта кўрилиб, инсон ҳаёти, соғлиғи ва истеъмолчилар манфаатини ҳимоя қилиш, озиқ-овқат маҳсулотлари ҳамда озуқа хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги давлат сиёсатининг асосий йўналишларини белгилаш, шунингдек, соҳадаги муносабатларни тартибга солиш мақсадида “Озиқ-овқат маҳсулотининг хавфсизлиги тўғрисида”ги қонун лойиҳаси ишлаб чиқилди. Унда ЖСТнинг Санитария ва фитосанитария чораларини қўллаш бўйича битими талаблари ҳамда Алиментариус Кодекси тавсиялари ҳам инobatга олинди.

Лойиҳада озиқ-овқат маҳсулотларининг яроқлилик муддати “энг маъқул истеъмол муддати” ёки “якуний истеъмол муддати” деб кўрсатилиши ва озиқ-овқат маҳсулотининг чиқиндиларини камайтириш ва йўқотишларнинг олдини олиш талабларигача назарда тутилди.



ОЗИҚ-ОВҚАТ МАҲСУЛОТЛАРИ ИСТЕЪМОЛИ БИЛАН БОҒЛИҚ КАСАЛЛИКЛАР, ХУСУСАН, ОВҚАТДАН ЗАХАРЛАНИШ ҲОЛАТЛАРИ ОРТИБ БОРАЁТГАНИНИ АЙТИШ ЖОИЗ. МАСАЛАН,


**2020-2024 ЙИЛЛАРДА
310 ТА ШУНДАЙ ҲОЛАТ ҚАЙД**

**ЭТИЛГАН БЎЛИБ, УЛАРДА ЖАМИ 2 412 НАФАР ФУҚАРО ЖАБРАНГАН,
36 НАФАРИ ЭСА ВАФОТ ЭТГАН.**





Озиқ-овқат хавфсизлиги фақат соғлиқни сақлаш тизими билан боғлиқ эмас. У миллий иқтисодиёт билан ҳам чамбарчас боғланган. ЖССТ вакилларининг фикрича, озиқ-овқатлардан келиб чиқадиган касалликлар соғлиқни сақлаш тизимидаги харажатларни ошириш баробарида, иқтисодиётга, туризм ва савдо соҳаларига ҳам салбий таъсир кўрсатади.

A portrait of a woman with dark hair, wearing a blue blazer over a white top. She is looking slightly to the right with a thoughtful expression, her right hand raised to her chin. She is wearing a ring, a necklace, and a bracelet. A small flag pin is visible on her blazer. The background is a solid dark red color.

” Бугунги ўтиш даври талабларидан бири, шубҳасиз, маҳаллий озиқ-овқат маҳсулотларини жаҳон бозорига олиб чиқиш ва республиканинг экспорт салоҳиятини ошириш имкониятларини кенгайтиришдан иборат. Шунинг учун ҳам қонун лойиҳасида коррупцияга қарши курашишда шаффофликни таъминлашнинг таъсирчан механизмларигача назарда тутилмоқда.



2025

2025 йилнинг олти ойида 690 миллион кишининг туристлик мақомини қўлга киритгани эндиликда бирон-бир соҳани туризмсиз тасаввур қилиб бўлмаслигини намоён этмоқда. Хабарингиз бор, Халқаро туризм қўмитаси 2025 йилга “Туризм ва барқарор ўзгаришлар (трансформация) йили” деб ном берди. Шунинг учунми ёки бошқа сабабми дунё аҳли бу йил ўз ҳаётининг “дам олиш саҳифа”ларини асосан меҳмонда ўтказишни маъқул кўрмоқда.

Буни Ўзбекистонга келаётган туристлар мисолида ҳам кўриш мумкин.

Масалан, апрель ойидан бери юртимизга ҳар ойда 1 миллион сайёҳ ташриф буюряпти.

Туризм қўмитаси маълумотларига кўра, 9 ойда юртимизга 8,6 миллион нафар турист келган.

Энг асосийси, ана шундай ташрифлар асносида туристик хизматлар экспорти ҳам рекорд даражага кўтарилиб, 3,6 миллиард доллардан ошибди. Бу, айниқса, қадимий асори-атиқалари, жаҳонга кўз-кўз қилишга арзигулик меъморчилик анъаналари, гўзал табиати ва, албатта меҳмондўст юртимиз учун ниҳоятда муҳим кўрсаткичдир.

Ёдингизда бўлса, 2025 йилнинг 7 февраль куни Президентимиз Шавкат Мирзиёев раислигида жорий йилдаги устувор вазифалар юзасидан видеоселектор йиғилиши ўтказилиб, унда 2024 йили туризм хизматлари экспортидан 3,5 млрд. доллар тушгани, лекин бу мавжуд имкониятларимизга мос эмаслиги таъкидланган эди.

Ўша мажлисдан кейин соҳага бўлган эътибор янада кучайди. ҳукумат ва мутасадди идоралар режасига турли ўзгартиш ва қўшимчалар киритилди. Энг муҳими, туризмнинг оддий соҳа эмаслиги, унинг илдизлари тўғридан-тўғри миллий иқтисодиётимиз ривожига тақалиши эътиборга олинди. Ва, бу бўйича биринчи навбатда чуқур таҳлиллар лозимлиги, туризмга нисбатан қарашлар кескин ўзгариши таъкидланганди.

Мана оддий бир мисол: Малайзия ва Индонезияда Нақшбандия тариқатининг 7 миллионга яқин издошлари бор. Улар

Умрага боришдан олдин зиёратгоҳларимизга саёҳат қилишмоқчи. КуалаЛумпур ёки Жакартадан Самарқанд ва Бухорога камида 2 кунга олиб келиб, кейин уларни ўз самолётларимизда Умрага олиб бориб қўйиш учун ҳам етарли шароитимиз бор. Шундан келиб чиқиб, мутасаддиларга Малайзия ва Индонезия зиёратчилари учун «Умра плюс» турпакетини йўлга қўйиш топширилган эди. Қолаверса, Шаҳрисабзда «Оқсарой», Хивада «Ичан қалъа», Бухорода «Лаби ҳовуз», Тошкентда эса «Янги Ўзбекистон» майдонлари бўлса-да, уларда на концерт, на кўрғазма ва на форумлар ўтказиш режалаштирилмаганини қандай баҳолаш мумкин?





Агар ўзимиздаги 6 та туристик марказда халқаро даражадаги санъаткорларнинг концертлари ташкил этилса, меҳмонхона, ресторан, кафе, савдо ҳамда хизмат кўрсатиш объектларидан ҳам сайёҳлар фойдалана бошлашадикун! Шу муносабат билан мутасаддиларга камида 1 млн. туристни олиб келадиган концерт, бизнес форум ва кўргазмалар ўтказиш дастурини ишлаб чиқиш юклатилганди. Бугунга келиб ана шу топшириқлар ижроси яхши натижалар бера бошлади.

Албатта, ҳар қандай соҳанинг ҳуқуқий асосларини мустаҳкамламай туриб, кутилган натижаларга эришиб бўлмайди. Туризм йўналиши ҳам бундан мустасно эмас. Шу маънода, Президентимизнинг 2016 йил 2 декабрдаги «Ўзбекистон Республикасининг туризм соҳасини жадал ривожлантиришни таъминлаш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Фармони тарихий аҳамиятга эга бўлиб, айнан ушбу ҳужжат асосида миллий иқтисодиётда илк мартаба туризм соҳасига стратегик сектор мақоми берилди. Натижада туризмнинг хорижий ҳамда ички сайёҳларга хизмат кўрсатувчи ёндош соҳаи ва тармоқлари ривожлана бошлади. Энг асосийси, ушбу соҳага стратегик тармоқ мақомининг берилиши билан уни иқтисодиётнинг етакчи кучига айлантириш, иқтисодиётни таркибий ўзгартириш ҳамда диверсификациялаш, бандликни таъминлаш, аҳолининг турмуш даражаси ва сифатини оширишга жиддий эътибор қаратила бошланди.

Албатта, ҳар қандай соҳа ва тизимлар ривожидида малакали кадрларнинг роли беқиёс. Шу боис туризмни замон талаблари асосида тараққий эттиришда ушбу жиҳатларга бирламчи масала деб қараяпти.

Тўғри, туризм бошқа соҳалардан фарқли ўлароқ амалиёт билан кенгроқ уйғунликни талаб этади, тайёрланаётган мутахассислар фақат назарий билим билан чекланиб қолмасдан, кўпроқ амалий кўникмаларни ҳам ўзлаштиришлари лозим.

Давлатимиз раҳбарининг 2023 йил 26 апрелдаги «Республиканинг туризм салоҳиятини жадал ривожлантириш ҳамда маҳаллий ва хорижий туристлар сонини янада оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида»ги қарори айнан шу нуқтада дастуриламал вазифасини ўтай бошлади, дейиш мумкин.



Ушбу ҳужжатга биноан, амалиётда илмийликни ошириш, амалиётнинг назария билан интеграциясини йўлга қўйиш мақсадида мамлакатимиздаги 11 та олий таълим муассасаси вилоятлар ва 31 та туман ҳокими билан биргаликда 143 та туризм маҳалласининг тарихи, ёдгорликлари ва туристик объектлари контентини яратиш, улар асосида 12 та тилда туризм пакетларини ишлаб чиқиш, туризм, иқтисодиёт, тарих, география, сервис, хорижий тиллар йўналишларида ўқиётган талабаларнинг эса камида 2 ойлик амалиётини ушбу ҳудудларда ташкил қилиш ҳамда сервис объектлари ишчиларини ўқитиб бериши белгиланган эди. Тан олиш керак: масалага ана шундай ёндашув орқалигина миллий туризмни ривожлантириш ва унинг “ўсиши”га ҳалақит бераётган кадрлар танқислигига барҳам бериш мумкин эди. Айтиш пайтда ушбу вазифалар ижроси доирасида Тошкент давлат Иқтисодиёт университетига бириктирилган Қорақалпоғистон Республикасининг Тахтақўпир, Хўжайли, Элликқалъа туманларида профессор-ўқитувчиларимиз илмий тадқиқотчилар ва иқтидорли талабалар томонидан соҳани ривожлантириш мақсадида амалиёт вакиллари билан кенг қамровли изланишлар олиб боришмоқда. Шунингдек, иқтисодиёт, маркетинг, туризм, меҳмонхона ҳўжалигини ташкил қилиш ва бошқариш йўналишларида ўқиётган талабаларнинг малакавий амалиётлари ушбу туманлардаги туризм ҳамда маданий мерос объектларида ўтказилляпти. Қорақалпоғистондаги мактаблар ва касб-хунар муассасаларида ҳам туризм салоҳиятини кенг тарғиб қилиш, ёшларга, айниқса, туризмнинг

2023

ЙИЛДАН ЭЛЛИКҚАЛЪА ТУМАНИДА ТОШКЕНТ ДАВЛАТ ИҚТИСОДИЁТ УНИВЕРСИТЕТИ ТОМОНИДАН МАҲАЛЛИЙ ҲОКИМЛИКЛАР ВА ҲАМКОР ТАШКИЛОТЛАР БИЛАН БИРГАЛИКДА «ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОННИ БИРГАЛИКДА ҚУРАМИЗ!» ШИОРИ ОСТИДА «САҲРО САДОСИ», ХЎЖАЙЛИДА «МИЗДАКХОН – МУҚАДДАС ВА СИРЛИ МАСКАН», ТАХТАҚЎПИРДА ЭСА «ОРОЛ БАЛИҚЛАРИДАН 99 ТУР ТАОМЛАР» КАБИ ФЕСТИВАЛЛАР ЎТКАЗИЛМОҚДА. УЛАРДА КўПЛАБ МАҲАЛЛИЙ ВА ХОРИЖЛИК САЙЁҲЛАР ИШТИРОК ЭТИШЯПТИ.



Ҳар бир хонадонга «уста-деҳқон», бошқача айтганда, «агроном» бириктирилгани натижасида томорқага 2-3 марта экин экиши учун шароит яратилди. Уй эгалари хоҳишидан келиб чиқиб, кредит ҳисобига майдони 2-3 сотихли «иссиқхона»лар ҳам қуриб берилди.



мамлакат ижтимоий-иқтисодий ҳаётидаги аҳамиятини чуқурроқ тушунириш мақсадида давра суҳбатлари ҳамда турли мулоқотлар уюштириляпти.

Қувонарли томони шундаки, ушбу соҳага ёшларимизнинг қизиқишлари жуда юқори. Бундан ташқари келажакда айнан шу соҳада тадбиркорлик қилмоқчи бўлган йигит-қизларимиз сони ҳам ортиб борапти. Ёшларга янада қулай бўлсин, дея бизга бириктирилган туманлардаги сайёҳлик объектларининг тизимли таҳлиллари ўтказилиб, янги контентлар яратилляпти. Худуддаги туризм объектлари, тарихий-маданий ёдгорликлар, туристик маршрутлар жойлаштириш воситалари ҳамда умумий овқатланиш шохобчалари тўғрисидаги маълумотлар билан бойитилиб, хорижий тилларга таржима қилинмоқда, улар тўғрисида ахборот берувчи ва турли хизматларни жамлаган мобиль иловалар ҳамда платформалар яратилляпти. Ушбу туманларга сайёҳларни кенг жалб этиш ва уларни худудда узокроқ муддат қолишларига шароит яратиш мақсадида эса маҳаллий туризм ташкилотлари билан ҳамкорликда жозибадор ҳамда қизиқарли туризм пакетлари ишлаб чиқилмоқда.



Маълумки, Қорақалпоғистоннинг туризм салоҳиятини ошириш, хорижлик ва маҳаллий сайёҳларни худудга кенгроқ жалб қилиш мақсадида 2023 йилдан Эллиққалъа туманида Тошкент давлат Иқтисодиёт университети томонидан маҳаллий ҳокимликлар ва ҳамкор ташкилотлар билан биргаликда «Янги Ўзбекистонни биргаликда қурамыз!» шиори остида «Сахро садоси», Хўжайлида «Миздакхон – муқаддас ва сирли маскан», Тахтақўпирда эса «Орол балиқларидан 99 тур таомлар» каби фестиваллар ўтказилмоқда. Уларда кўплаб маҳаллий ва хорижлик сайёҳлар иштирок этишляпти. Гид-таржимон ҳамда экскурсия етакчилари учун эса туристларга янада сифатли хизмат кўрсатиш мақсадида барча қулайликлар яратиб берилляпти. Бундан ташқари ёш мутахассисларнинг туристлар олдида



Соҳага илмий тадқиқотларни кенг жалб этиши мақсадида Туризм қўмитаси, унинг тизим таъкилотлари билан ҳамкорликда Элликқалъа, Хўжайли ва Тахтақўпир туманларида соҳа бўйича энг муаммоли бўлган илмий тадқиқотларнинг намунавий мавзулари рўйхати шакллантирилди. Профессор-ўқитувчилар ҳамда изланувчилар томонидан ушбу мавзулар бўйича тадқиқот ишларига киришилди.

ўзларини тутишлари, нутқи ва кийиниш маданияти, туризм объектлари тўғрисидаги етарли маълумотларни билишлари ҳамда сайёҳларга етказиб беришлари, зиёрат одоби, тарихий объектларда экскурсия олиб боришнинг услубий асослари, диний масканларда экскурсия ўтказиш тартиб-таомиллари ва тарбиявий аҳамияти борасида батафсил маълумотлар берадиган кўлланмалар ҳам ишлаб чиқилди.

Профессор-ўқитувчиларимиз томонидан эса туризм ва хизмат кўрсатиш бўйича қисқа муддатли ўқув курсларининг режалари ҳамда дастурлари тайёрланди. Шу асосда Тахтакўпир, Хўжайли ва Эллиққалъа туманларидаги туризм ва сервис ходимларининг малакасини ошириш, маҳаллий аҳолини, айниқса, ёшларни соҳага кенгроқ жалб этиш ҳамда улар бандлигини таъминлаш мақсадида семинар-тренинглар ўтказилапти.

Албатта, мақсад фақат соҳани ривожлантириб, соҳада янги иш ўринлари ташкил этишдан иборат эмас. Асосий режа йигит-қизларимизни тарих, миллий қадриятлар ва, албатта, бугунги ўзгаришлар муҳитига олиб кириш ва келажакда уларни ана шу муҳит эгаларига айланишларига ёрдам беришдир. Зеро, миллати, Ватани тарихини билган боладангина ватанпарвар ёшлар етишиб чиқади...

Шу ўринда яна бир маълумот: юқорида қайд этилган туманларда маркетинг тадқиқотлари ҳам олиб бораяпмиз.

Натижада қўлга киритилган ютуқлар билан бирга соҳа ривожига салбий таъсир қилувчи камчиликлар ҳам аниқланди. Хусусан, ушбу туманларда 21 та туристик объект бўлса-да, улар сайёҳлик йўналишларига киритилмаган. Эллиққалъа туманида экологик, агро, ов ҳамда соҳил туризми, археологик туризм, Тахтакўпирда соғломлаштириш туризми, Хўжайлида зиёрат туризми имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётир. Энг ёмони, ушбу ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳияти жаҳон ахборот тармоқларида деярли тарғиб қилинмаяпти.

Мазкур туманларда гид-экскурсоводлар етишмаслиги сабаб саёҳатчиларга сифатли хизматлар кўрсатиш имконияти ҳам паст даражада, туристик объектлар атрофида туризм инфратузилмаси (санитария-гигиена шахобчалари, WI-FI зоналар, йўл кўрсаткичлар) қониқарли даражада эмаслиги аниқлангач, масъуллар билан ушбу камчиликларни бартараф этиш чоралари кўрила бошланди.

Бундан ташқари, соҳага илмий тадқиқотларни фаол жалб этиш мақсадида Туризм қўмитаси билан ҳамкорликда Эллиққалъа, Хўжайли ва Тахтакўпир туманларида соҳа бўйича энг муаммоли бўлган илмий тадқиқотларнинг намунавий мавзулари рўйхати шакллантирилди. Профессор-ўқитувчилар ҳамда изланувчилар томонидан ушбу мавзулар бўйича тадқиқот ишларига киришилди. Хусусан, Қорақалпоғистон Республикаси туризм бошқармаси, туман ҳокимликлари билан ҳамкорликда илмий лойиҳалар (грантлар) танловлари ўтказаяпмиз.

УШБУ ТУМАНЛАРДА

21


ТА

туристик объект бўлса-да, улар сайёҳлик йўналишларига киритилмаган. Эллиққалъа туманида экологик, агро, ов ҳамда соҳил туризми, археологик туризм, Тахтакўпирда соғломлаштириш туризми, Хўжайлида зиёрат туризми имкониятларидан етарлича фойдаланилмаётир. Энг ёмони, ушбу ҳудудларнинг сайёҳлик салоҳияти жаҳон ахборот тармоқларида деярли тарғиб қилинмаяпти.



Туризм фақат сайёҳатдан иборат дегани эмас. Туризм айти пайтда дунё давлатларини яқинлаштиряпти, турли миллат ва элатларни мулоқот майдониға олиб қияпти, ранги-рўйи, эътиқоди ва тилиға қарамай одамлар бир дастурхон атрофиға жамланмоқдалар. Дунё харитасида оғриқли нуқталар, турли келишимовчиликлар ва ҳатто харбий можазолар авже олаётган ҳудудларда ҳам туризм урушларсиз ҳам мулоқот қилиши мумкинлигини исботляпти.

Миллий туризм соҳаси ва унинг ривожини ҳақида гап кетганда, энг аввало, Давлатимиз раҳбарининг 2024 йил 7 февралдаги «Иқтисодий соҳалари учун кадрлар тайёрлаш тизимини тубдан такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги ҳамда 2024 йил 18 июлдаги «Туризм соҳасида кадрлар тайёрлаш тизимини такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарорларини тилга олиш лозим. Зеро, уларда назария билан амалиёт ўртасида интеграцияни йўлга қўйиш, йирик хўжалик бирлашмалари билан ҳамкорликда мутахассислар тайёрловчи кафедраларнинг филиалларини ташкил этиш ҳамда амалий машғулотлар ва малакавий амалиётларга корхона ҳамда ташкилотларнинг етук мутахассисларини жалб этиш каби ўта долзарб вазифаларгача белгилаб қўйилган. Ана шу талаблардан келиб чиқиб, Туризм қўмитаси ҳамда Тошкент давлат иқтисодий университети ўртасида ҳамкорлик меморандуми имзоланди. Бунинг учун Туризм қўмитасида университетнинг Туризм ва меҳмонхона бизнеси кафедраси филиали ташкил қилиниб, маърузалар ҳамда амалий дарслар соҳа мутахассислари томонидан олиб борилмоқда. Докторант ҳамда мустақил изланувчиларни илмий тадқиқот ишлари муҳокамалари ва диссертация ишлари химояси ҳам ушбу филиалда ўтказилляпти.



Шунингдек, Туризм ва меҳмонхона йўналиши бўйича ўқув режалари ҳамда дастурларни иш берувчилар билан келишиш тизими йўлга қўйилганини айтиш мумкин. Дуал таълим асосида Туризм ҳамда меҳмонхона бизнеси кафедрасида дарс бериш учун амалиёт бўйича 8 нафар профессор-ўқитувчи жалб этилиб, ўқувлар, асосан амалиёт базаларида олиб борилаётир. Соҳадаги янгиликлар, меъерий-ҳуқуқий ҳужжатлардаги ўзгаришлар билан таништириб бориш мақсадида эса ҳар ойда бир марта туризм ва меҳмонхона бизнесидаги етук амалиётчи мутахассислар томонидан профессор-ўқитувчилар, талабалар учун семинар-тренинг ҳамда маҳорат дарслари ўтила бошланди.

Умуман, туризм соҳасида малакали кадрларни тайёрлаш, мижозлар талабини қаноатлантирадиган ҳамда хорижий мамлакатларнинг таълим муассасалари билан рақобатлаша оладиган кадрларни етиштириш келажакда соҳани ривожлантириш, хорижий сайёҳларнинг мамлакатимизга ташрифи ошишига, энг асосийси, Янги Ўзбекистоннинг дунё туризми харитасидан мустақам ўрин эгаллашига хизмат қилади.

Туризм фақат саёҳатдан иборат – дегани эмас. Туризм айти пайтда дунё давлатларини яқинлаштиряпти, турли миллат ва элатларни мулоқот майдонига олиб қиряпти, рангирўйи, эътиқоди ва тилига қарамай одамлар бир дастурхон атрофига жамланмоқдалар.

Дунё харитасида оғриқли нуқталар, турли келишмовчиликлар ва ҳатто харбий можаролар авж олаётган ҳудудларда туризм урушларсиз ҳам мулоқот қилиш мумкинлигини исботляпти.

Янги Ўзбекистон етакчиси илгари сураётган ана шундай сиёсат ўзаро ҳамкорлик ва дўстона алоқалар моҳиятида ҳам яққол намоён бўлмоқда. Буни биз кейинги саккиз йиллик ҳаётимизда – Марказий Осиёнинг яна қайта бирлашувида кўрдик. Фақат биз эмас, бутун дунё кўрди буни. Зеро, Ўзбек миллий туризми ҳам ана шундай эзгу мақсадларга хизмат қилмоқда.

Хулоса қилиб айтганда, 2025 йил туризм соҳасида бурилиш нуқтасига айланган йилга айланди.

Кейинги олти ой мобайнида юртимизнинг йирик шаҳарларида, айниқса, Тошкент ва Самарқандда ўтган тадбирлар ҳам аслида Ўзбекистонда туризм соҳасининг ривожини билан чамбарчас боғлиқдир.

ЖАДИДЛАР ЕТИШМАЯПТИ

Тақдир эркалатган қизлар, йигитлар
Соҳилда сайр қилиб, атиргул ҳидлар.
Хаёлчан боқади ғозий шахидлар...
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Шахсий намуна йўқ, чунки Ибрат йўқ,
Олимлар жуда кўп, битта Фитрат йўқ,
Шу сабаб мажол бор, куч бор, қудрат йўқ,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Улар ғишт қўйган, биз тошлар отамиз,
Улар сўз йиғганлар, биз гап сотамиз,
Улар кун кутган, биз ойлик кутамиз,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Тавалло, Қодирий, Чўлпонлар қайда?
Ҳамзахонлар қайда, Усмонлар қайда?
Оғиз жуда катта, юраклар майда,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Ўшалар бизларнинг боболармикан?
Биздан ўзларини тополармикан?
Бизни набирам деб тан олармикан?
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Улар мактаб қурган, биз уй қурамыз,
Улар ғоя сурган, биз ўй сурамыз.
Ёппа томошабин бўлиб турамыз,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Қопоғон давр эди, қаттол, қатағон,
Отилиб чиққанни шартта отағон...
Бугун юки енгил туя ётағон...
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.



Икбол МИРЗО

Ўзига келмайди ўздан кетганлар,
Ихлос қўйиб шайтон думин тутганлар...
Қани юрт деб ўзини унутганлар?
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Шеър авжида бирдан қалам секинлар,
Буюк устозларим нима деркинлар?
Сўнгги жадид эди Абдулла, Эркинлар...
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Уфққа урилиб, қайтиб келган ўк
Менинг юрагимни тешиб ўтган чўғ.
Муаллимлар сероб, Авлонийлар йўқ.
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Таълим-тарбияни нажот билганлар,
Илмига ўзлари амал қилганлар.
Қаранг, амал деб ўз жонин юлганлар,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Маишат, тўй, ҳашам бош мақсад ҳамон,
Гапдан бошқа гап ҳам бор, эй қадрдон!
Ҳамма замонда ҳам келмайди замон,
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.

Занглаган зехнимни чархлаб берадиган,
Умрим савдосини нархлаб берадиган,
Шу шеърни ўғлимга шархлаб берадиган
Жадидлар етишмаяпти, жадидлар.



Indorama Corporation — Сингапурда бошқариладиган халқаро саноат гуруҳи бўлиб, айти пайтда 40га яқин мамлакатларда фаолият юритади. Компания асосан уруғчилик, агробизнес, текстиль, нефть-кимё ва саноат инфратузилмаси соҳаларини қамраб олган.

INDORAMA AGRO

2025

Йилнинг ноябрь ойида Indorama Agro MChJ компанияси халқаро Indorama Corporation гуруҳининг 50 йиллик юбилейини бир қатор ижтимоий ва корпоратив тадбирлар билан нишонлади.

Айниқса, Гулистон ва Қарши шаҳарларида оммавий марафонлар шаклида ташкил этилган тадбирлар минг-минглаб фуқаролар эътиборини тортди. Тадбирларда компания ходимлари, ҳамкор ташкилотлар ва маҳаллий жамоа вакиллари, ёшлар ҳамда ногиронлиги бор фуқаролардан иборат 4 минг киши иштирок этди. Марафонлардаги инклюзивлик эътибори, барча учун тенг имкониятлар яратиш ва соғлом турмуш тарзини қўллаб-қувватлаш компаниянинг асосий қадриятларидан бири эканини намоён қилди. Шу ўринда ушбу тадбирлар ҳамкорлик, барқарор ривожланиш ва ижтимоий масъулият каби қадриятлар атрофида инсонларни бирлаштириш ғояси асосида ўтганини таъкидлаш жоиз. Худудларда ўткан тадбирлар иштирокчиларнинг фаоллиги бундай мулоқот майдонларининг жамият ва бизнес ўртасидаги алоқаларини мустаҳкамлашда қанчалик муҳим эканини кўрсатди,

дейиш мумкин. Якунида эса эл севган санъаткорлар иштирокида концерт дастурлари намоёиш қилинди. Унда компания ходимлари, ҳамкорлар ва давлат идоралари вакиллари компания ривожига қўшган ҳиссасига қараб муносиб тақдирландилар. Қайд этиш жоизки, Ўзбекистонда ўтган юбилей тадбирлари Indorama Corporationнинг 50 йиллик глобал тарихининг бир қисми бўлиб, ҳамкорлик, шериклик ва келажакка интилишнинг аҳамиятини кенг намоёиш ҳам қилди. Маълумот ўрнида айтиш жоиз: Indorama Corporation – Сингапурда бошқариладиган халқаро саноат гуруҳи бўлиб, айти пайтда 40 га яқин мамлакатларда фаолият юритапти. Компания асосан уруғчилик, агробизнес, текстиль, нефть-кимё ва саноат инфратузилмаси соҳаларини қамраб олган. Яна бир муҳим факт: Indorama Corporation дунё бўйлаб ўн минглаб ходимларни бирлаштириб, барқарор саноат ривожланиши, қишлоқ хўжалигини самарали бошқариш ва маҳаллий жамоаларни қўллаб-қувватлашга қаратилган лойиҳаларни амалга оширади.

50

ЙИЛЛИК ЮБИЛЕЙНИ
ИЖТИМОЙ ТАДБИРЛАР
БИЛАН НИШОНЛАДИ



ААНО

ДЕМОКРАТИК ИНСТИТУТЛАР

ОИГИ ДАВР

ОСТОНАСИДА

ДАВЛАТ ВА ЖАМИЯТ ўртасида очик мулоқотни йўлга қўйиш, жамоатчилик назоратини кучайтириш ва **ИЖТИМОЙ ШЕРИКЛИКНИ РИВОЖЛАНТИРИШ** орқали давлат бошқаруви самарадорлигини ошириш юртимизда **ИСЛОҲОТЛАРНИНГ МУҲИМ ЙЎНАЛИШИГА АЙЛАНДИ.**





Азамат ПАРДАЕВ,
Демократик
жараёнларни тахлил
қилиш маркази
раҳбари

Старая Бухара. Ул Мири. Абад и Медресе



XVI аср бошларида теурийлар давлати емирилганидан то XIX асрнинг 60-70 йилларигача Ўрта Осиёда учта – Бухоро, Хива ва Қўқон хонликлари ҳукм сурди. Бу орада Ўрта Осиё Афғонистон, Ҳиндистон, Арабистон ва Хитой билан қадимий сиёсий-иқтисодий алоқаларини давом эттираверди. Вақт ўтган сари Россия билан ҳам бундай алоқалар кучайиб борди.

Ҳамид ЗИЁЕВ,
Ўзбекистонда хизмат кўрсатган фан арбоби, тарих фанлари доктори, профессор

ЧОРИЗМ ИСТИЛЛОСИ

Чоризм XVI асрнинг иккинчи ярмидан бошлаб Аштархон, Қозон, Сибир ва Қрим хонликларини босиб олгач, рус давлати Ўрта Осиё ва Қозоғистонга қўшни бўлиб қолди. Натижада рус давлати ўзбек хонликлари билан бевосита муносабатга киришиш имконини қўлга киритди. У ўз қарамидаги чет ўлкаларнинг газлама, кийим-кечак ва бошқа турли-туман молларга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида савдони ривожлантиришга қаратилган муҳим чораларни амалга оширди.

Ўз навбатида ўзбек хонликлари Сибир, Волга ва Урал бўйида яшовчи халқлар билан тижорат ишларини кучайтиришдан манфаатдор эдилар. Чунки у ерларда ўзбек молларига талаб катта эди. Бу эса ҳар учала хонликда ҳунармандчилик, қишлоқ хўжалиги ривожига ижобий таъсир кўрсатди. Рус давлати бирмунча илғор ва қудратли бўлганлиги учун ўзининг сиёсий-иқтисодий режаларини усталик билан рўёбга чиқара борди. У савдо-сотиқни, чегара хавфсизлигини таъминлаш байроғи остида аста-секин Қозоғистоннинг ички томонига силжий бошлади. Бунда 1731 йилда Кичик жуз, 1731–1740 йилларда эса Катта жуз қозоқларининг аксарияти рус давлатининг тобелигига ўтиши жуда қўл келди. Худди шундай бўлишини бир замонлар Пётр I орзу қилган эди. «Шарқ билан алоқада, – деган эди у, – Қозоғистон тасарруфи қалит ва дарвоза ҳисобланади. Шунинг учун миллионлаб сўм сарфланса ҳам Қозоғистонни бўйсундириш ёки ҳеч бўлмаса у ерда Россия таъсирини ўрнатиш зарурдир».

Шу нуқтаи назардан рус давлати Қозоғистонда кўплаб шаҳар ва қишлоқлар барпо этди. Масалан, Семипалатинск, Петропавловск, Усть-Каменогорск, Оренбург, Троицк ва бошқалар ана шу сирага киради.

XVIII асрда Қозоғистонда 46 та ҳарбий қалъа ва 96 та кичик қалъалар қурилган эди. Руслар эгаллаган жойларда оврупоча турар-жойлар, савдо марказлари, корхоналар ва кон саноати вужудга келди. Пировардида,

улар рус ҳукуматининг ўзбек хонликларига ҳарбий юриш қилишида муҳим таянч вазифасини ўтади.

Ўзбек хонликларини забт этиш нияти очикдан-очик Пётр I даврида бошланган эди. 1717 йили А.Бекович-Черкасский бошчилигида яхши қуролланган, уч ярим мингдан ортиқ аскарлик қўшинини Хивани босиб олишга юборган, бироқ бадният қўшин Хива хонлиги томонидан тор-мор қилинган эди.



1830

1830 йилга келиб, энди Оренбург генерал-губернатори Перовский кўмондонлигидаги қўшин Хива хонлигини босиб олиш учун йўлга чиқади. Аммо истилочилар сафардаги оғир шароитга бардош беролмай орқага қайтади.

XIX асрнинг ўрталаридан бошлаб бу ҳаракат янада кучайди: чор ҳукумати ўзбек хонликлари тасарруфидаги жойларни босиб олишга киришади. Чунончи, 1847 йили Сирдарёнинг Оролга қуйилиш жойи эгалланиб, Орол ҳарбий қалъаси барпо этилади. Бу вақтларда Оқмачит (Қизил Ўрда), Туркистон, Чимкент, Авлиёота, Пишпек, Тўқмоқ ва бошқа мавзеларда Қўқон хонлигининг ҳарбий истеҳкомлари мавжуд эди. 1852 йили чор қўшини Оқмачитга ҳужум қилади, лекин уни қўлга киритолмайди. 1853 йилда генерал Перовский бошчилигидаги икки минг аскардан ортиқ қўшин яна Оқмачитга ҳужум уюштиради. Истеҳком мудоаачилари генерал Перовскийнинг таслим бўлиш ҳақидаги таклифига «Бизлар бир дона порох ва кўчада бир кесак қолгунча, ҳамма қуролларимиз тамоман синиб битгунча




Генерал Перовскийнинг ўзи кейинчалик истеҳком ҳимоячилари охириги имконларига қадар қаҳрамонона жанг қилганини тан олади. 22 кунлик қуршов ва жангдан сўнг чор аскарлари истеҳкомни тор-мор этишга муваффақ бўлганлар. Қалъа ҳимоячиларидан бор-йўғи 74 киши тирик қолган, холос.



курашамиз», деб жавоб қайтаради. Дарҳақиқат, генерал Перовскийнинг ўзи кейинчалик истеҳком ҳимоячилари охирги имконларига қадар қаҳрамонона жанг қилганини тан олади. 22 кунлик қуршов ва жангдан сўнг чор аскарлари истеҳкомни тор-мор этишга муваффақ бўлганлар. Қалъа ҳимоячиларидан бор-йўғи 74 киши тирик қолган, холос. Чор кўшинларидан эса 25 киши ҳалокатга учраган ва 46 киши ярадор қилинган. Истеҳком ўрнида «Перовский форти» деган ном билан рус ҳарбий қалъаси бунёд этилди. Оқмачитдаги мағлубият Қўқон хонлигини қаттиқ ташвишга солади. Дарҳол Тошкентда куч тўпланиб, ҳоким Сабдалхўжа бошчилигида 8 минг аскарлик кўшин ва кўнгиллилар Оқмачитни эгаллаш учун йўлга чиқади. Қирғинбарот жангдан сўнг улар 192 кишини йўқотади ва ярадорларни 92 туяга ортиб ортга чекинадилар. 1853 йилнинг декабрь ойида 13 минг кишидан иборат кўшин Ёқуббек кўмондонлигида Оқмачитга келиб душман билан тўқнашади. Натижада юрт ҳимоячиларидан икки мингга яқин киши ўлдирилади ва ярадор қилинади. Чор кўшинларидан 55 киши нобуд бўлади. Бироқ, бундай кетма-кет мағлубиятлар умидсизликка олиб келмади. 1855 йил январда 1500 кишилик кўшин ва кўнгилли қасосчилар яна Оқмачитга отланади, лекин улар душман сафларига

янги куч қўшилганини эшитиб, орқага қайтадилар. 1860 йилда Пишпекда ҳам душман кўшини билан тўқнашув бўлади. Бу жойни эгаллаш учун чор кўшинлари 954 та снаряд ва 13 мингга яқин ўқ отганлари маълум. Ҳимоячилардан анча киши ўлдирилади ва ярадор қилинади. Шу йили Тўқмоқ қалъаси ҳам чор кўшини томонидан забт этилади, бу ҳол бутун хонликни катта ташвишга солади. Ўзбек, қозоқ ва қирғизлар Тошкент ҳокими Қанаотшоҳ бошчилигида урушга отланишади. Уларнинг умумий сони 20 мингга борар эди. Пишпек остонасида ҳар икки томон ўртасида қонли тўқнашув юз бериб, ҳимоячилар қаҳрамонона жанг қиладилар, Мудофаачиларга қарши душман томонидан 2051 та снаряд, 31879 та ўқ ва 63 та тўп ўқи отилган. Бу жангда Қўқон кўшинларидан ва оломондан 1500 киши ўлдирилади ва кўпи ярланади. Душман аскарларидан атиги 13 киши ўлдирилади ва 29 киши жароҳатланади. 574 ҳимоячи асирликка олинади. Шунингдек, истеҳкомда 82 савдогар, 92 аёл ва болалар бор эди. Чор кўшинлари 1864 йил май ойида Авлиёота остонасида 1500 кишилик Қўқон кўшинлари ва халқ қасоскорлари билан яна тўқнашади. Бу сафар ҳам ҳимоячилар мағлубият аламини тартадилар: улардан 307 киши ўлдирилиб, 390 таси ярадор бўлган эди.



1864

Йилнинг июнь ойида Туркистонда ҳам чор ҳукумати ўз ҳукмронлигини ўрнатади. Бу суронли жангда маҳаллий халқ вакилларида юзлаб киши ҳалокатга учрайди ва жароҳат олади. Айрим маълумотларга кўра, чор қўмондони агар шаҳар таслим бўлмаса, Аҳмад Яссавий мақбарасига тўп отилишини маълум қилган. Шундан кейингина ҳимоячилар урушни тўхтатишга мажбур бўладилар.

Авлиёота ва Туркистоннинг душман томонидан забт этилиши бутун Қўқон хонлигини оёққа турғазди. Тошкент чоризм босқинчиларига қарши кураш марказига айланди. Бу ерга Марғилондан Юсуфбек, Хўжанддан Мирза Аҳмад Қушбеги қўмондонлигида қўшинлар, шунингдек Андижон, Наманган, Ўш ва бошқа жойлардан ҳарбий қисмлар келтирилди. Қўшин ва халқ қасоскорларига Қўқон хонлигининг лашкарбоши Алимқул бошчилик қилиб, Тошкентдан тонг отар пайтида, ҳар бир маҳалла олдида тўхтаб, халқдан дуо-фотиҳа олади-да, Чимкент томонга йўналади. Уларни шаҳар аҳолиси яхши ният ва йиғи-сиғи билан кузатиб қолган.

Чимкентда бир кеча-кундуз давомида ҳар икки томон ўртасида тўплардан отишув бўлади. «Сўнгра

тўрт томондан, – деб ёзади ўша замон воқеанависларидан бири Муҳаммад Солиҳ қори ўзининг «Тарихи жадиди Тошканд» асарида, – аскарлар отдан тушди ва карнай садолари остида рус аскарларига қарши ҳужумга ўтилди. Ҳимоячилар 2–3 минг қадам югургач, душманнинг тўп ва милтиқларидан ёмғирдек ёғилган ўқлар остида қолдилар». Натижада, 12 минг киши ҳалок бўлади ва яраланади. Бироқ, генерал Черняев бошчилигидаги чор қўшини урушни давом эттиришга ботина олмай Туркистонга жўнайди. Жинай деган жойдаги урушда ҳам ҳимоячиларнинг қўли баланд келади. Шундан кейин Алимқул урушни давом эттириш мақсадида тайёргарлик ишларини кўраётган бир пайтда Қўқонга Бухоро амири Музаффархон ҳужум қилганлиги ҳақида хабар олади. Натижада лашкарбоши Алимқул Чимкентда қўшиннинг катта бир қисмини қолдириб Қўқонга қайтади. Бу, ўз-ўзидан аёнки, Чимкентда душманга қарши ҳаракатнинг сусайишига олиб келди. Вужудга келган вазиятдан фойдаланган генерал Черняев 1864 йилнинг 21 сентябрида Чимкентни жанг билан эгаллашга муваффақ бўлди. Анчагина мудофаачилар эса қириб ташланади.


Шундан кейин қаттол Черняев Тошкентни истило этиш пайига тушиб, 1864 йилнинг 27 сентябрида йўлга чиқади. Бу вақтда Тошкент мудофааси умумхалқ ҳаракатига айланган эди. Шаҳар аҳолиси она юртини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди. «Шаҳар ғариблари, фуқаролари ва қариялари, – деб ёзилади ўша манбада, – ибодату намоздан кўра қўлларидан келгунча ёрдам бериш афзалроқ, савоб деб аскарларга сув, озиқ-овқат ташиб турдилар». Ўша замонда Тошкент қалин ва баланд девор билан ўралган бўлиб, 12 та дарвозаси бор эди. Девор устидан икки отлиқ киши бемалол юриши мумкин эди. Чор қўшинлари шаҳар яқинидан туриб тўплардан ўққа тутадилар. Ўз навбатида жавоб ўқлари ҳам отилади. Босқинчиларнинг бир гуруҳи шаҳар девори атрофида қазилган зовурга тушиб олади. Ҳимоячиларнинг уюшган ҳужумига чор аскарлари дош бера олмайди. Душман 72 кишини йўқотади ва бу ҳолни кўрган генерал Черняев Чимкентга қайтишга мажбур бўлади.

1865 йилнинг 28 апрелида Черняев Чирчиқ ёнидаги Ниёзбек қалъасини жанг билан ишғол этади. Тошкентлик бир хоиннинг маслаҳатига кўра Черняев Кайкавус ариғи тўғонини бузиб, уни Чирчиқ дарёсига буриб юборади. Натижада, тошкентликлар сувсиз қолиб, оғир аҳволга тушади. Шунга қарамай, аҳоли мудофаани мустаҳкамлашга куч-ғайратини аямайди. Кўп ўтмай Кўқондан лашкарбоши Алимқул қўшини билан мадад бергани келади. Бу тошкентликлар руҳини кўтариб юборади. Улар кўқонликларни зўр хурсандчилик билан қаршилайди. Бу тўғрида «Тарихи жадиди Тошканд»да шундай баён этилган: «Тошканд амалдорлари, сардорлари, уламо, шайхлар, ғариблар, гадолар, эркак-аёллар аралаш уларнинг истиқболига чиқиб, шод-хуррам кутиб олдилар». Алимқул шаҳар саройида ўтказилган йигинда Тошкент аҳли фуқароларининг кўрсатган ғайрат-шижоат ва қаҳрамонликларини айтиб, уларга ўз миннатдорчилиги ва хурсандчилигини изҳор қилган, бир томчи қони қолгунча курашишини баён этган. Шунингдек, у Бухоро амири Музаффархонни қоралаб, унинг чор қўшинларига қарши кураш ишига путур етказаётганини таъкидлаган. Черняев қўшини билан ҳимоячилар ўртасидаги кураш Салор ариғи атрофида давом этади. Черняевчилар ҳимоячиларга қарата тўплар ва милтиқлардан ўқ

ёғдиради. Лашкарбоши Алимқул бошчилигидаги қўшин ва халқ оломони душманга ҳужум уюштириб, истилочиларни чекинишга мажбур этади. Бу ғалаба шаҳарда катта хурсандчилик билан қарши олинади, ғалаба шарафига карнай-сурнай садолари янграйди. Шаҳар халқи «Етти ёшдан етмиш ёшгача эркак-хотин, ёшу қари хизмат камарини белларига боғлаб пишган таомларни бошларида кўтариб, қатиқ, сут, шарбат, иссиқ нонлар, ширин меваларни саватларга солиб, аскарлар турган жойларга олиб келиб илтижо, тавалло ва дилдорлик қилиб, кўзларидан ҳасрат ёшларини оқизиб, кўз ёшлари суви билан аскарларнинг юзларидаги чанг-ғуборни ювиб, артиб, кўзгудай тозалаб, овқатларни ейиб битиришларини илтижо қилдилар». Бу сатрлар воқеалар шохиди бўлган Муҳаммад Солиҳ қаламига мансуб бўлиб, у кенг меҳнаткаш омманинг ватанпарварлик ҳаракатларини жуда жонли ва ёрқин баён этган. Шаҳар ҳимоячилари Шўртепага жойлашиб олган чор қўшинларига ҳужум қилади. Ўша жангда Алимқул қаттиқ яраланиб сафдан чиқади, кўп ўтмай ҳалок бўлади. Бу ҳолат ҳимоячилар руҳига салбий таъсир кўрсатади. Устига-устак сувсизлик ва ташналик ҳимоячилар ва умуман, аҳолининг тинка-мадорини қуритади. Тошкентликлар Бухоро ва Хива хонликларига ёрдам сўраб элчилар юбордилар.



Қаттол Черняев Тошкентни истило этиш пайига тушиб, 1864 йилнинг 27 сентябрида йўлга чиқади. Бу вақтда Тошкент мудофааси умумхалқ ҳаракатига айланган эди. Шаҳар аҳолиси она юртини ҳимоя қилишни ўзининг муқаддас бурчи деб ҳисоблайди.




Аммо улар бу илтимосни инobatга олмайдилар. Баён этилган оғир вазиятдан хабар топган Черняев 1865 йилнинг 14 июнида ўз қўшини билан шаҳар ичкарасига ёриб киришга муваффақ бўлади. Ҳимоячилар уйлар ва дўконлар ичига кириб олиб, душманга қарши урушни давом эттираверадилар. Ҳатто мачитларда ҳам жанг бўлганлиги ҳақида маълумотлар мавжуд. Ҳар бир маҳалла жанг майдонига айланиб кетади. Айниқса, Қиёт маҳалласининг жангчилари қахрамонона курашадилар. Абдурахмон Ясовул бошчилигидаги кўнгиллилар гуруҳи кунбўйи душман ҳужумини даф этиб турадилар. Мирюсуф Мирсултон боғбон ўғли, Нормухаммад ҳамда Мулла Шер мерганлар, Муллажон Муса Муҳаммад Али подачининг ўғли ва бошқалар катта жасорат кўрсатадилар.

Бу вақтда чор қўшини айрим кишилар кўмагида шаҳардаги ўқ-дори омборини топиб, уни портлатишга эришадилар. Бу шаҳар тақдирини ҳал қилган омиллардан биридир. Ниҳоят, 1865 йил 17 июлда тошкентликлар душман ҳужумига бардош беролмай таслим бўлишдан ўзга чора тополмайдилар. Черняев Шайхонтохур, Бешёғоч ва бошқа халқ гавжум яшайдиган жойларга тўпларни ўрнатиб,

дарҳол сулҳ тузилмаса, шаҳарни ёндириб, култепага айлантиришини эълон қилади. Шу тариқа Тошкент чор Россияси томонидан тамоман босиб олинади.

Шундан кейин Черняев шаҳарнинг Ҳаким Хўжа қозикалон, Абулқосимхон эшон, домудла Солиҳбек охун сингари нуфузли кишилари билан мажлис ўтказди. Музокара натижасида сулҳ тузилиб, ҳар икки томон аҳдномага имзо чекади. Бунда савдогарлар ва ҳарбий кишилар ҳам қатнашади. Аҳдномада шаҳар халқининг ўз динида қолиши ва барча ишлар «шариат» асосида олиб борилиши кўрсатилади. Шунингдек, ҳовли, боғ ва майдонлар аввалгидек ўз эгалари қўлида қолдирилади. Аҳдномага ҳар тўрт – Шайхонтохур, Бешёғоч, Себзор ва Кўкча мавзеларининг муҳрлари босилади. Шунини айтиб ўтиш лозимки, Черняев ўзбошимчалик билан Тошкентга юриш қилиб, уни эгаллаган. Бу ғалаба Петербургда зўр мамнуниятлик билан қабул қилинса-да, лекин давлат ишларидаги бундай ўзбошимчалик ҳукуматнинг айрим вакиллари норозилигига сабаб бўлган. Устига-устак Тошкентнинг босиб олиниши халқаро матбуотда шовқин-сурон кўтарилишига сабаб туғдирди. Шу боисдан Черняев ўз ҳаракатини оқлаш мақсадида гўё Тошкент ихтиёрий равишда рус қўшинларига бўйсунганлиги ҳақида хат уюштиришга киришади.



1865 йил 17 июлда тошкентликлар душман ҳужумига бардош беролмай таслим бўлишдан ўзга чора тополмайдилар. Черняев Шайхонтоҳур, Бешёғоч ва бошқа халқ гавжум яшайдиган жойларга тўпларни ўрнатиб, дарҳол сулҳ тузилмаса, шаҳарни ёндириб, култепага айлантиришини эълон қилади. Шу тариқа Тошкент чор Россияси томонидан тамоман босиб олинади.

У шаҳар катталарини тўплаб, аҳоли номидан кўйидаги мазмунда хат тайёрлашни буюради: «Неча замонлар ва йиллардан бери Туркистонда Фарғона хонлари ҳукмронлик қилиб фуқароларга кўп жабр-зулм ўтказган. Улар закот хирожларини шариат асосида олмасдан ортиқча олганлар ва ҳеч қачон марҳамат қилмаганлар, қадимги урф-одат, таомилдан воз кечиб, кўп йиллар мансаб учун катта кишиларни ўлдириб, фитначи ва ифвогарлар сўзига амал қилганлар. Ўртада ноҳақ қонлар тўкилиб, улар шариатга ва уламолар сўзларига амал қилишдан бош тортдилар. Фарғона ва Туркистон заминидан кўп вақтлар ва кўпинча қипчоқ, қозоқ ва қирғиз авбошлари ва бебошлари ҳукмронлик қилиб келдилар. Шунинг учун фуқаро ва мамлакат тинчлиги учун тамомила ихтиёримиз ва рағбатимиз билан рус аскарларини олиб келиб уларга шаҳарни топширдик». Кўриниб турибдики, тошкентликлар бўлиб ўтган жанг ва даҳшатли воқеаларни инкор этиб, ихтиёрий равишда чор аскарларига буйсунганликларини «тан олишлари» лозим эди. Ушбу хат мазмуни баён этилгач, шаҳар катталари ҳайрон

қолиб турган пайтда Солиҳбек охун шундай жавоб қайтарган: «Бизлар воқеа ва ҳодисаларни бекитмасдан маълум қиламизки, Тошкентдан Оқмачитгача ва бу ердан Фулжагача бўлган шаҳар ва қалъалар – Тошкентга қарар эди. Бу жойларни рус аскарлари уруш ва талаш билан қўлга киргиздилар. Уруш тўсатдан муҳлатсиз ва сўзсиз олиб борилди. Тошкент шаҳри зулҳижжа ойининг ярмидан бошлаб сафар ойининг ўн иккинчисигача, яъни қирқ икки кун давомида сувсиз, овқатсиз қолдирилди. Мулла Алимқул лашкарбоши шаҳид бўлгандан кейин сардорсиз қолди. Бухоро, Хоразм, ва фарғоналиклар ёрдам бермадилар. Тошкент фуқароси ватанлари ва дин учун қаттиқ туриб, уруш-талашни давом эттириб, сешанба куни ярим кеча ўтгандан кейин шаҳарга яқин рус аскарлари хиёбон дарвозаси ва қалъанинг девори устидан кирди. Шундан кейин яна урушга киришиб пайшанба кунгача икки-кеча кундуз урушиб турдилар. Бу ўртада кўп иморатлар, дўконлар ва уй-жойларга ўт тушиб, оч-ташна, сувсиз яккама-якка уруш бўлиб, охирида ярашиш сулҳи тузилди». Мавжуд ҳақиқий аҳволни акс эттирувчи бу жавоб генерал Черняевни ғазабга келтиради. У домла Солиҳбек охун сўзига қўшилувчи кишиларнинг бир тарафга ўтишларини буюради.

Шаҳар катталаридан етти киши, жумладан, Ҳалимбой, Бердибой, Азимбой, Фозилбачча, мулла Мирзаолим охун, мулла Музаффархўжа ва мулла Файзилар домла Солиҳбек охун сўзини қўллаб-қувватлашади. Домла тарафдорлари шу заҳоти чор аскарлари томонидан ўраб олиниб, қамоққа жўнатилади. Кўрилган чоралар шаҳар катталарига таъсир этган бўлса керак, улар генерал Черняевнинг аҳдномасига розилик билдирадилар. Бу аҳдноmani «безаш» ва «тузиш» Абдусаттор Қорабош ўғли деган кишига топширилади. Аҳдномага мажбурий суратда шаҳар катталари қўл қўйиб, муҳр босишгач, генерал Черняевга топширилади. Генерал Черняев домла Солиҳбек охун ва унинг ҳамроҳларини Сибирга сургун қилади. Генерал Черняев қалбаки аҳдноmani Абдусаид ва Ҳодихўжа исмли савдогарлар қўлига тутқазиб, Петербургга элтиб подшога топширишни буюрган. Рус ҳукумати бу аҳдноmani ўзининг босқинчилик сиёсатини бўяш ва халқаро матбуотдаги шовқин-суронни бартараф қилиш мақсадида чет мамлакатларга тарқатади. Жумладан, Туркиядаги рус элчихонаси қалбаки аҳднома нусхаларини кўпайтириб, Истамбулдаги кўчаларга, бозорларга, дўконларга, умуман кўзга ташланадиган жойларга ёпиштириб чиққан.

Сургун қилиниш



Босқинчи генерал сулҳ шартлари ва ҳақиқий аҳволни бузиб кўрсатувчи ҳамда мустамлакачилар сиёсатига хос бўлган қалбаки ҳужжатни ана шу тарзда тузишга эришган.

*Давоми келгуси
сонда*





Alisher
NAVOIY



Баходир
ХОЛИҚОВ,
Самарқанд
давлат чет
тиллар
институтининг
ректору,
профессор

Бугун қарийб ўн йиллик тараққиёт йўлини босиб ўтган Янги Ўзбекистон ислохотлари замирида илм-фанга, замонавий қарашлар ва кадрларнинг интеллектуал салоҳияти ривожига бирламчи эътибор қаратилаётгани бежиз эмас. Айниқса, Учинчи Ренессанс пойдеворини барпо этишга бўлган ишонч янада ортди ва шу асосда аجدлар меросини ўрганиш ва ёш авлодга ўргатишга бўлган эътибор давлат сиёсатига айланди.

АВОИЙ МЕРОСИ – фақат маънавий бойлик эмас,

стратегик тараққиёт манбаи ҳамдир

Янги Ўзбекистонда Алишер Навоий меросини ўрганиш ва уни аҳоли, айниқса, ёшлар ўртасида кенг тарғиб қилиш тизимли ташкил этилаётгани реал натижалар беряпти, десак хато бўлмайди. Зотан, Навоий қолдирган улкан мерос нафақат маънавий бойлик, балки миллий тараққиётимиз – маънавий баркамоллигимиз йўлида стратегик жиҳатдан ҳам муҳим манба бўлиб хизмат қилиши лозимлиги навоийшунослар томонидан алоҳида таъкидлана бошланди. Тарихий манбаларда келтирилишича, ҳазрат Навоий 20 дан ортиқ дунё аҳли эътирофига сазовор

бўлган асарлар, 2000 дан ортиқ ғазал ва 350 дан ортиқ рубоийлар ёзиб қолдирган. Навоий илмни фақат шахсий камолот воситаси эмас, балки жамият тараққиёти, давлатнинг қудрати ва халқ фаровонлигининг бош омили сифатида талқин этган. Улуғ мутафаккир, юртнинг ободлиги, халқнинг бахт-саодати ва фаровонлиги илм аҳлига бўлган эътиром билан чамбарчас боғлиқ эканини бежиз таъкидламаган. Илмнинг моҳияти, олимнинг давлат ва жамият ҳаётидаги ўрни ҳақида сўз борганда, учта муҳим жиҳатга алоҳида эътибор қаратиш лозим, деб ўйлаймиз.

Биринчидан, илм инсонни жаҳолат зулматидан маърифат, саодат ва ҳақиқат оламига етакловчи ягона йўлдир. Навоий «биргина Фарҳод ва Ширин» достонида илм ва ҳунар эгаллашни олқишлаб, илм инсон тақдирини мунаввар этувчи қудратга эга эканини бадий тимсоллар орқали очиб беради. Фарҳод образи – бу фақат ошиқ йигит эмас, балки илм ва ҳунар эгаси, ақл ва меҳнат тимсоли сифатида талқин этилади. Яъни, у илм ва ҳунари билан оддий халқ мушуқлини осон қилади.

Навоий шундай ёзади:
***Илм ўқуб қилмаган амал мақбул,
Дона сочиб кўтармади маҳсул.***

Ушбу сатрларда мутафаккир илмни минг машаққат билан ўрганиб, унга амал қилмаган инсонларни ерга уруғ сочиб, ҳосил олмаган деҳқонга ўхшатади. Биргина илм соҳиби қандай куч ва қудратга эга эканини, у ўз илми билан жамият тараққиёти учун хизмат қилишини бот-бот такрорлайди.

Дарҳақиқат, илмдан узоқ бўлган жамият пойдеворсиз иморатга ўхшайди: у ташқи кўринишдан мустаҳкам туулсада, узоққа бормайди, аста-секин таназзул томон юз тутайди.

Иккинчидан, илм аҳли жамиятнинг энг эъзозланадиган, ҳурматга сазовор қатлами сифатида талқин этилади. Маълумки, Амир Темур ва темурийлар даврида илм аҳлига жуда катта эътибор қаратилган. Айниқса, зиёлилар ҳукмдорлар томонидан доимо қўллаб-қувватланган. Шунингдек, Темурийлар ҳомийлиги остида илм кишилари ўз заковати билан иккинчи Уйғониш даврига асос солган. Темурийлар салтанатида камолга етган Алишер Навоий ҳам бу гўзал аънани давом эттирган. У нафақат ўз асарларида, балки бутун ҳаёти давомида олимлар, шоирлар, фозиллар ва ҳунармандларни қўллаб-қувватлаган, уларга эътибор ва ғамхўрликлар кўрсатган ҳамда мавқеиларини юксакларга кўтарган.

Навоий ўз асарларида комил инсон тимсолини айнан илм билан боғлайди. Илмсиз киши ҳеч қачон ҳазрати инсон бўлолмайди, баркамоллик чўққисига фақат ва фақат илм ва маърифат орқали чиқиш мумкин, дея таъкидлайди.

***Бировким қилса олимларга таъзим,
Қилур гўёки пайғамбарга таъзим.***

Бу билан Навоий муҳим бир ҳақиқатни илгари суради: илмнинг кадр-қиммати унга амал

қилингандагина намоён бўлади. Илму ҳунар аҳли ва устозларга бўлган ҳурмат жамиятнинг маънавий савиясини белгиловчи асосий мезон.

Учинчидан, илм давлат тараққиёти ва халқ фаровонлигининг ишончли кафолатидир. Навоий жамиятдаги барча муваффақиятлар илм билан боғлиқ эканига кўп бора урғу беради. У ҳатто илмни ҳар қандай мушуқлотнинг ечими, адолатли бошқарувнинг асоси сифатида кўради:

***Бу дин илмики хомам қилди тахрир,
Эрур фикҳу ҳадису сўнгра тафсир.
Чу такмил ўлди бу уч илм, сен, бил,
Яна ҳар илм майлин қилма, ё қил.***

Бу фикрлар бугунги глобаллашув жараёнида тобора авж олаётган шароитда янада долзарб аҳамият касб этмоқда. Демак, тараққиётга эришиш учун, аввало, ўзимизни, ўзлигимизни, тарихимиз ва аждодларимиз яратган бой меросни ўрганишимиз, уларнинг заковатига таянган ҳолда илм эгаллашимиз керак бўлади.

Шубҳа йўқки, бугунги глобаллашув даврида Навоий ҳазратлари томонидан илгари сурилган ғоялар янада долзарблашиб, глобал аҳамият касб этмоқда. Замонавий дунёда етакчиликка эришган давлатлар табиий ресурсларга эмас, балки интеллектуал салоҳият, инновация ва «ақлли иқтисодиёт»га таянмоқда. Шу маънода, Навоий мероси – нафақат маънавий бойлик, балки стратегик тараққиёт манбаи ҳамдир. Мухтасар айтганда, Навоий меросини ўрганиш – бу шунчаки тарихий хотирага эҳтиром эмас, балки фаровон ва тўқ келажакни барпо этиш демакдир. Янги Ўзбекистон шароитида илмга таяниш, ёш авлодни юксак билим ва маънавият руҳида тарбиялаш – Учинчи Ренессанснинг энг муҳим шarti ҳисобланаётгани ҳам шундан.

Зеро илм билан суғорилган жамиятда адолат, фаровонлик ва барқарор тараққиёт қарор топади. Аждодларимиз бошлаб берган маърифат йўлини давом эттириш ва уни янги давр руҳи билан бойитиш эса, шубҳасиз, бугунги авлоднинг шарафли бурчидир.

**2025 ЙИЛНИНГ ЯНВАРЬ-НОЯБРЬ ОЙЛАРИДА
МИЛЛИЙ ЭНЕРГЕТИКА ТИЗИМИДА**

8,8 МИЛРД ДОЛЛАР

**МИҚДОРИДА ХОРИЖИЙ
ИНВЕСТИЦИЯ ЎЗЛАШТИРИЛДИ**

Жўрабек
МИРЗАМАХМУДОВ,
Ўзбекистон Республикаси
Энергетика вазири



МАРКАЗИЙ ОСИЁДА ЭЛЕКТР
ЭНЕРГИЯСИГА БУЛГАН ТАЛАБ
ЖУДА ТЕЗ ЎСМОҚДА ВА ХОЗИРГИ
ТЕНДЕНЦИЯЛАР САҚЛНИБ
ҚОЛСА, 2050 ЙИЛГА БОРИБ ТАЛАБ
УЧ БАРОБАРГА ОШИШИ МУМКИН.
БУНГА АҲОЛИ СОНИНИНГ
КЎПАЙИШИ, ИҚТИСОДИЙ ЎСИШ,
САНОАТ ВА ШАҲАРЛАРНИНГ
КЕНГАЙИШИ САБАБ БЎЛМОҚДА.